

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

УСМАНОВА ГУЛНОРАХОН КАМОЛИДДИНОВНА

Билим соҳаси: 500 000 - Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси: 510 000 - Соғлиқни сақлаш

**«КОММУНАЛ ГИГИЕНА»
фанида «АТРОФ МУҲИТ ОМИЛЛАРИ»
ЎҚУВ ҚУЛЛАНМА**

Таълим йўналиши – 5510300 - Тиббий профилактика иши

Андижон – 2021

Автор:

Г.К. Усманова

Умумий гигиена кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар:

Э.З. Исоков

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти, Жамоат саломатлиги соғлиқни сақлашни ташқил этиш ва бошқариш кафедраси мудири, т.ф.д.

С.М.Бабич

АДТИ Ижтимоий гигиена ва ССБ кафедраси мудири, доцент

Ушбу ўқув қўлланма тиббий профилактика иши -5510300-таълим йўналиши, намунавий ўқув режса 3.02. блокидаги “Коммунал гигиена” фанидан тайёрланган. “Коммунал гигиена” фанида «Атроф муҳит омиллари» номли ўқув қўлланма намунавий ўқув режса ва ўқув дастури асосида тайёрланган. Мазкур ўқув қўлланма хорижий адабиётлардаги маълумотлар билан бойитилган. Ўқув қўлланмада инсон организмига таъсир қилувчи атроф муҳитнинг нокулай омиллари, атроф муҳитни текшириши усуллари, мавзулар бўйича назорат саволлари, мавзуни мустахкамлаши учун тестлар, вазиятли масалалар кенг ёритиб берилган.

Ўқув қўлланма Андижон давлат тиббиёт институт кенгашида тасдиқланди.

“ _____ ” _____ 2021 йил

баённома №_____

Институт кенгаши котиби,

доцент

Н.А.Насирдинова

ANNOTASIYA

Ushbu Tibbiy profilaktika yo‘nalishi ishi – 5510300 ta’lim sohasi Sog’liqni saqlash – 510000 Tibbiy profilaktika yo‘nalishi ishi va tibbiy oliygohlar talabalari uchun o’quv qo’llanmada, o’quv dastirining 3.02 blokida berilgan umumi gigiyena kafedrasida o’qitish jarayonida “Kommunal gigiena” fanining nazariy asoslarini o’zlashtirish uchun zarur bo’lgan nazariy va amaliy bilimlar hajmi to’liq yoritilgan. Talabalar bilimining yakuniy darajasini aniqlash maqsadida, o’quv qo’llanmada vaziyatli masalalar, savollar va testlar keltirilgan.

АННОТАЦИЯ

В данном учебном пособии для студентов 3 курса направления медицинская профилактика -5510300 в области обучения Здравоохранения - 510000, подробно освещается объём теоретических и практических знаний, необходимых для усвоения теоретической основы предмета “Коммунальная гигиена”, приведённой в блоке 3.02 учебной программы, в процессе обучения на кафедре общей гигиены. С целью определения конечного уровня знаний студентов в учебном пособии приводятся ситуационные задачи, вопросы и тесты.

ANNOTASION

This textbook for third-year students of the direction of medical prevention - 5510300 in the field of health education - 510,000, details the volume of theoretical and practical knowledge necessary to master the theoretical basis of the subject "Communal hygiene", given in block 3.02 of the curriculum, in the process of learning on Department of General Hygiene. In order to determine the final level of knowledge of students in the textbook, situational tasks, questions and tests are given.

O'QUV ADABIYOTINING NASHR RUXSATNOMASI

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lif vazirligining 2021 yil "28" avgust dagi "375" -sonli buyrug'iiga asosan

G.K. Usmanova

(muallifning familiyasi, ismi-sharifi)

5510300 - Tibbiy profilaktika ishi

(ta'lif yo'nalishi (mutaxassisligi))

ning

talabalari (o'quvchilari) uchun tavsiya etilgan

Atrof-muhit omillari

(o'quv adabiyotining nomi va turi: darslik, o'quv qo'llanma)

nomli o'quv qo'llanmasi

ga

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan litsenziya berilgan nashriyotlarda nashr etishga ruxsat berildi.



Vazir

(imzo)

A.Toshkulov

Ro'yxatga olish raqami

375-105



МУНДАРИЖА		Бет
Кириш		7
I.	Ўқув қўлланманинг долзарбилиги ва олий касбий таълимдаги ўрни	8
	“Коммунал гигиена” фанида “Атроф муҳит омиллари” бўйича амалий машғулотларида таълим технологияларини ишлаб чиқишининг концептуал асослари	8
II.	Асосий назарий қисм	10
	1.Атроф муҳитни химоя қилишнинг хуқуқий, ташқилий масалалари ва гигиена фанининг асосий холатлари ва йўналишлари.	11
	- Атмосферани ҳавосини ифлослантирувчи манбалар	15
	- Атмосфера босими ва ҳавонинг электрланганлик ҳолати	20
	- Ҳаво муҳитининг физикавий хоссалари.	21
	- Ҳаво муҳитининг кимёвий таркибининг физиологик ва гигиеник аҳамиятлари	25
	- Ҳаво муҳитининг биологик хоссаси.	30
	- Шамоллар гули ва унинг гигиеник аҳамияти(гурух билан ишлаш асослари, тестлар	38
	- Микроиқлим кўрсаткичларини текшириш ва баҳолаш.	43
	2.«Тиббий экологиянинг замонавий муаммолари. Замонавий инсон экологияси»	48
	- Ташқи муҳитни канцероген омиллари	59
	-“Касал бинолар синдроми”	59
	- Экологик дастурнинг вазифалари	60
	- Экологик омилларнинг тирик организмларга таъсири	60
	3.Тупроқ гигиенаси.	63
	- Тупроқнинг тузилиши ва унинг гигиеник аҳамияти	63
	- Тупроқнинг эпидемиологик аҳамияти	64
	- Аҳоли яшайдиган жойларни тозалаш	65
	- Тупроқни ифлослантирувчи манбалар	67
	- Тупроқнинг туз режимига ўсимликларнинг реаксияси.	70
	- Тупроқнинг асосий хоссалари	73
	- Тупроқнинг кислотали муҳитига ўсимликларнинг муносабатлари	76
	- Тупроқнинг ифлосланиши ва тозаланиши	78
	4.Сув саломатлик омили	92
	- Сувнинг кўрсаткичлари.	95
	- Сувнинг сифатини яхшилаш усуслари.	96
	- Сув манбаларнинг ифлосланиши ва санитария ҳолати	101
	- Ер ости ичимлик суви	103
	- Ер ости суви сифати	104
	- Аҳоли сув таъминоти муаммолари.	109
	- Марказлашган ва маҳаллий сув таъминоти хақида тушунча	110
	- Сувнинг кимёвий таркибини текшириш усуслари	114

	- Ҳавзалардаги сувнинг органик ифлосланиш кўрсаткичларини текшириш усуллари.	117
III.	Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар	120
IV.	Мустақил таълим ва мустақил ишлар.	121
V.	Глоссарий	122
VI.	Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари	136

СОДЕРЖАНИЕ		<i>стр</i>
Введение		7
I.	Актуальность учебного пособия и его роль в высшей учебном заведении	8
	Концептуальные основы развития образовательных технологий для практических занятиях по предмету «Коммунальная гигиена»: факторы окружающей среды	8
II.	Основная теоретическая часть	10
	1. Правовые, организационные вопросы охраны окружающей среды и основные аспекты и направления гигиенической науки.	11
	- Источники загрязнения воздуха атмосферного воздуха	15
	- Атмосферное давление и наэлектризованное состояние воздуха	20
	- Физические свойства атмосферного воздуха	21
	- Физиолого-гигиеническое значение химического состава воздуха	25
	- Биологические основы атмосферного воздуха	30
	-Роза ветров и его гигиеническое значение (основы работы в группе, тесты)	38
	- Проверка и оценка показателей микроклимата.	43
	2. «Современные проблемы медицинской экологии. Современная экология человека »	48
	- Канцерогенные факторы внешней среды	59
	- "Синдром больного здания"	59
	- Цели экологической программы	60
	- Влияние факторов окружающей среды на живые организмы	60
	3. Гигиена почвы	63
	- Структура почвы и ее гигиеническое значение	63
	- Структура почвы и ее гигиеническое значение	64
	- Очистка жилых помещений	65
	- Источники загрязнения почвы	67
	- Реакция растений на солевой режим почвы.	70
	- Основные свойства грунта	73
	- Отношение растений к кислой среде почвы	76
	- Загрязнение и очистка почвы	78
	4. Вода фактор здоровья	92

- Показатели воды.	95
- Способы улучшения качества воды	96
- Загрязнения источников воды и их санитарное состояние	101
- Грунтовые воды	103
- Качество грунтовых вод	104
- Проблемы водоснабжения населения.	109
- Понятие централизованного и местного водоснабжения	110
- Методы проверки химического состава воды	114
- Методы проверки показателей органического загрязнения воды в водоёмах	117
III. Методические указания и рекомендации для практических занятий	120
IV. Самостоятельная учеба и самостоятельная работа.	121
V. ГЛОССАРИЙ	122
VI. Основная и дополнительная учебная литература и источники информации	136

CONTENT		page
Introduction		7
I. The relevance of the textbook and its role in higher education		8
Conceptual framework for the development of educational technologies for practical classes in the subject "Communal hygiene": environmental factors		8
II. Main theoretical part		10
1. Legal, organizational issues of environmental protection and the main aspects and directions of hygienic science.		11
- Sources of air pollution in atmospheric air		15
- Atmospheric pressure and electrified state of air		20
- Physical properties of atmospheric air		21
- Physiological and hygienic value of the chemical composition of the air		25
- Biological bases of atmospheric air		30
- The wind rose and its hygienic value (the basics of group work, tests)		38
- Verification and assessment of microclimate indicators.		43
2. "Modern problems of medical ecology. Modern human ecology "		59
- Carcinogenic environmental factors		59
- Sick Building Syndrome		60
- Objectives of the environmental program		60
- Influence of environmental factors on living organisms		63
3. Soil hygiene		63
- Soil structure and hygienic significance		64
- Soil structure and hygienic significance		65

- Cleaning of living quarters	67
- Sources of soil pollution	70
- The response of plants to the salt regime of the soil.	73
- Basic soil properties	76
- The ratio of plants to an acidic soil environment	78
- Soil pollution and cleaning	92
4. Water health factor	95
- Water indicators.	96
- Ways to improve water quality	101
- Contamination of water sources and their sanitary condition	103
- Ground water	104
- Groundwater quality	109
- Problems of water supply to the population.	110
- The concept of centralized and local water supply	114
- Methods for checking the chemical composition of water	117
- Methods for checking indicators of organic water pollution in water bodies	117
III. Methodical instructions and recommendations for practical training	120
IV. Independent study and independent work.	121
V. GLOSSARY	122
VI. Basic and additional educational literature and sources of information	136

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Мустақил бўлган йиллардан бошлиб инсон соғлигини муҳофаза қилиш, меҳнат қобилиятини ошириш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосий йўналишларидан бири хисобланади. Барча ривожланган мамлакатлардагидек бизнинг Республикамизда ҳам тиббиёт профилактик йўналишга эга. Профилактиканинг асосида касалликни олдини олиш туради. Касалликни олдини олишга эришиш учун меҳнат, дам олиш, яшаш, ўқиш ва тарбиялашнинг яхши шароитларини яратиш, тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини таъминлашдир.

Тиббиёт ходимларининг - профилактик тадбирларини амалга ошириш учун назарий ва клиник фанларни ўрганиш жараёнида олган билимларининг ўзи етарли бўлмайди. Бунинг учун касалликларни олдини олиш тадбирларини ўзида мужассам эта олган ва шу билан бирга профилактик тиббиётга назарий асос бўла оладиган фанни, яъни гигиена фанини ўрганишлари керак.

Гигиена фани ташқи мухит омилларининг (кимёвий, физикавий, ижтимоий ва х.к.) инсон саломатлигига таъсирини ўрганадиган ва олинган маълумотларга таянган ҳолда ташқи мухитни соғломлаштириш, аҳоли соғлигини мустаҳкамлашнинг меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқадиган, айниқса юқумли касалликларни олдини оладиган, иш қобилиятини оширадиган, умрни узайтириш тадбирларини ишлаб чиқадиган фандир.

Тиббий профилактика иши йўналишидаги талабаларни ўқитишдан асосий мақсад уларда гигиеник фикрлашни шакллантириш, уларни аҳоли касалланишининг бирламчи профилактикаси масалалари бўйича назарий ва амалий жихатдан бўлажак касбларга тайёрлаш, таълим тарбия шароитларини яратиш йўли билан касалланишларни олдини олиш.

I.Ўқув қўлланманинг долзарблиги ва олий қасбий таълимдаги ўрни

“Коммунал гигиена” фанида “Атроф мухит омиллари” бўйича амалий машғулотларида таълим технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари

Коммунал гигиена фани аҳоли ва уларнинг саломатлигига, санитария турмуш шароитларига ташқи мухит омилларининг салбий таъсири, уларни олдини олиш бўйича соғломлаштирувчи чора тадбирларни илмий асослаб чиқади.

Таълим технологияси инсонийлик тамойилларига таянади. Фалсафа, педагогика ва психологияда бу йўналишнинг ўзига хослиги талабанинг индивидуаллигига алоҳида эътибор бериш орқали намоён бўлади. Шулардан келиб чиқсан ҳолда “Коммунал гигиена” фанидан “Атроф мухит омиллари”нинг таълим технологияларини лойиҳалаштиришда қўйидаги асосий концептуал ёндашувларга эътибор бериш керак.

Таълимнинг шахсга йўналтирилганлиги. Ўз моҳиятига кўра бу йўналиш таълим жараёнидаги барча иштирокчиларнинг тўлақонли ривожланишини кўзда тутади. Бу эса Давлат таълим стандарти талабларига риоя қилган ҳолда ўкувчининг интеллектуал ривожланиши даражасига йўналтирилиб қолмай, унинг руҳий-қасбий ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олишни ҳам англаатади.

• Инновацион ёндашув. Таълим жараёнида талабаларни янгиликка интилиши “креатив ” яъни ижодкорлигини кучайтириш. Талаба фаолиятида янги инновацион педагогик технологиялар асосида амалий ва назарий машғулотлар олиб борилиши орқали талабалар фаоллигини ошириш.

• Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам қилиши зарур: жараённинг мантиқийлиги, ундаги қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги, яхлитлиги.

• Амалий ёндашув. Шахсда иш юритиш хусусиятларини шакллантиришга таълим жараёнини йўналтириш; талаба фаолиятини фаоллаштириш ва интенсивлаштириш, ўкув жараёнида унинг барча лаёқати ва имкониятларини, синчковлиги ва ташаббускорлигини ишга солишини шарт қилиб қўяди.

• Диалогик ёндашув. Таълим жараёнидаги иштирокчи субъектларнинг психологик бирлиги ва ўзаро ҳамкорлигини яратиш заруратини белгилайди. Натижада эса, шахснинг ижодий фаоллиги ва тақдимот кучаяди.

• Ҳамкорликдаги таълимни ташқил этиш. Демократия, тенглик, субъектлар муносабатида резидент ва ассистентнинг тенглиги, мақсадини ва фаолият мазмунини биргаликда аниқлашни кўзда тутади.

• Муаммоли ёндашув. Таълим жараёнини муаммоли ҳолатлар орқали намойиш қилиш асосида резидент билан биргаликдаги ҳамкорликни фаоллаштириш усулларидан биридир. Бу жараёнда илмий билишнинг объектив зиддиятларини аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг диалектик тафаккурни ривожлантириш ва уларни амалий фаолиятда ижодий равишда қўллаш таъминланади.

• Ахборот беришнинг энг янги восита ва усулларидан фойдаланиш, яъни ўкув жараёнига компьютер ва ахборот технологияларини жалб қилиш. Юқоридаги концептуал ёндашув ва “Коммунал гигиена” фанидан “Атроф мухит омиллари”нинг таркиби, мазмuni, ўкув ахборот ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда ўқитишнинг қуйидаги усул ва воситалари танлаб олинди.

• Ўқитиши усуллари ва техникаси: мулокот, кейс стади, муаммоли усул, ўргатувчи ўйинлар, “ақлий ҳужум”, инсерт, “Биргаликда ўрганамиз”, пинборд, маъруза (кириш маърузаси, визуал маъруза, тематик, маъруза-конференция, аниқ ҳолатларни ечиш, аввалдан режалаштирилган хатоли, шарҳловчи, якуний).

- **Ўқитишини ташқил қилиш шакллари:** фронтал, коллектив, гурӯхӣ, диалог, полилог ва ўзаро ҳамкорликка асосланган.
- **Ўқитиши воситалари:** одатдаги ўқитиши воситалари (дарслик,(электрон дарслик) маъруза матни, таянч конспекти, компьютер, видеопроектор ва масофавий таълим тизимида онлайн машғулотлар)дан ташқари график органайзерлар, интернет ва ахборот технологиялари.
- **Ўзаро алоқа воситалари:** назорат натижаларининг таҳлили асосида ўқитишининг диагностикаси (ташхиси).
- **Бошқаришнинг усули ва воситалари.** Амалий машғулотини технологик карта кўринишида режалаштириш ўқув машғулотининг босқичларини белгилаб, қўйилган мақсадга еришишда профессор- ўқитувчилар, асистент ва резидентлар ҳамкорликдаги фаолиятини талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишларини аниқлаб беради.
- **Мониторинг ва баҳолаш.** Ўқув машғулоти ва бутун курс давомида ўқитиши натижаларини кузатиб бориш, резидент фаолиятини ҳар бир машғулот ва йил давомида рейтинг асосида баҳолаш

Коммунал гигиена, аҳоли яшайдиган жойлар гигиенаси – гигиенаснинг бир бўлими. Аҳоли яшайдиган жойларда уй-жой шароити ва атроф муҳит омилларининг аҳоли соғлигига таъсирини ўрганади. Аҳолининг соғлом ва қулай турмуш шароитини таъминлаш учун гигиена меъёри ва санитария қоидаларини ишлаб чикали. Абу Али Ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» китобида кўриладиган турар жойлар кункай, баҳаво ва қуруқ тупроқли бўлишини айтиб ўтган. Исмоил Журжоний «Хоразмшоҳ хазинаси» китобида нам, заҳ жойларга уй-жой курганда пойдевори баландроқ бўлиши, шунингдек, атмосфера ҳавоси ва ичиладиган сув тозалигини сақлаш кераклигини ёзган.

II.Асосий назарий қисм

Аҳоли яшайдиган жойларнинг атмосфера ҳавоси гигиенаси ва ҳавони санитария жиҳатдан муҳофаза қилиш, сув ва сув таъминоти гигиенаси, тупроқ гигиенаси ва аҳоли яшайдиган жойларни тозалаш, сув ҳавзаларини санитария жиҳатдан муҳофаза қилиш, туаржой ҳамда бинолар, шунингдек, даволаш ва

профилактика муассасалари гигиенаси коммунал гигиенанинг асосий бўлимлариdir. Коммунал гигиена турли текшириш усулларидан, масалан, ташқи муҳитни ўрганишда физик, кимёвий ва биологик усуллардан, ташқи муҳитнинг организм ва кишилар соғлиғига таъсирини ўрганишда физиологик, санитария-токсикологик, клиник-статистик усуллар ва бошқалардан фойдаланади. Саноатда ва к. х. да ишлатиладиган кўпгина кимёвий моддаларни тажрибада текшириб, йўл қўйиш мумкин бўлган заарсиз миқдор кўрсаткичларини тавсия этади. Коммунал гигиена масалалари билан Ўзбекистон Санитария, гигиена ва касб касалликлари ҳамда Эпидемиология, микробиология ва инфекцион касалликлар ин-тлари, шунингдек, тиббиёт ин-тларнинг коммунал гигиена кафедралари шуғулланади. Коммунал гигиенанинг ривожида ўзбек олимларидан А.З.Зохидов, Қ.С.Зоиров, С.Н.Бобоҷонов, Т.И.Искандров, Н.С.Тожибоева, Р.У.Убайдуллаев, А.Х. Комилжоновларнинг хизматлари катта.

1.Атроф муҳитни химоя қилишнинг хуқуқий, ташқилий масалалари ва гигиена фанининг асосий холатлари ва йўналишлари.

Инсон хаёти ташқи муҳит билан чамбарчас боғлиқ. У ташқи муҳитнинг барча омиллари, табиат ва жамиятнинг хар томонлама ўзаро комплекс таъсири остида яшайди. Инсон дунёга келибдики, кўз очиб табиатни кўради, унинг сўлим бағрида хаёт кечиради. Шунинг учун ҳам табиат инсоннинг наслидир, деймиз. Бироқ бугунги қунга келиб экологик хавф ядро қуроли хавфи билан тенглашиб қолди.

Алохида қайд қилиш лозимки, бизнинг Республикаизда табиатни муҳофаза қилиш ва экологик мувозанатни сақлаш соҳасида, ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда жиддий нуқсонлар мавжуд. Мисол учун, Орол денгизини олайлик, бу катта муаммо хозир давлат аҳамиятига молик масала бўлиб турибди. Шуни таъкидлаш зарурки, кейинги йилларда кўплаб колхоз ва совхозлар, корхона, муассаса ҳамда ташқилотлар ўзларига биркитилган ерлардан оқилона фойдаланмай, минглаб гектар ернинг шўрланишига ва унинг эрозияга учрашига сабаб бўлмоқда.

Атроф мухит тушунчаси. Атроф мухит деганда инсонни ўраб турган борлиқ ва унинг таркибига кирувчи атмосфера хавоси, сув мухити, тупрок мухити, озиқ-овқат махсулотлари, ҳамда ишлаб чиқариш ва инсонларнинг хўжалик фаолиятларида кузатиладиган ва инсон организмига таъсир қўрсатиши мумкин бўлган гигиеник омилларнинг мажмуасини мужассамлаштирган мухит назарда тутилади. Атроф мухитнинг ассий объектлари қаторига хаво, сув, тупрок, овқат махсулотлари, меҳнат ва турмуш шароитлари, болалар ва ўсмилларнинг тарбиялаш ва ўқитиш шароитлари киради. Бу объектларнинг хар бири учун у ёки бу хусусиятлар хосдир, шунинг учун бу омилларни қуидаги гурӯхларга бўлиш жоиздир.

1. Физикавий омиллар - хаво мухитининг харорати, намлиги, харакати тезлиги, атмосфера босими, шовқин, тебраниш, хавонинг чангланганлиги, турли табиатга эга бўлган нурланишлар, электромагнит тўлқинлар ва х.к.

Атроф мухитдаги кўпгина физикавий омиллар табиий хисобланиб, айrim шароитларда инсоннинг ҳаёти ва фаолияти учун жуда зарурдир; қолган омиллар эса сунъий келиб чиқиш табиатига эга бўлганлиги учун (лазер нурлари, ўта юқори частотали электр майдонлари ва б.к.) инсон организми учун зурурий омил эмас. Хоҳ табиий ва хоҳ сунъий табиатга эга бўлган физикавий омиллар айrim шароитларда ва даражаларда организм учун заарли таъсир этиш хусусиятига эга, натижада организмда патологик холатларни келтириб чиқариши мумкин.

2. Кимёвий омиллар. Инсонни ўраб турган ҳамма мухитда кимёвий омилларнинг мажмуаси мовжуддир. Улар хаво, сув, тупрок, озиқ-овқат махсулотлари таркибига киради. Инсон организми билан атроф мухитнинг бирлиги ташқи мухит объектларининг табиий кимёвий таркиби ҳамда одам организми ўртасидаги муносабати ва мувозанати билан боғлиқдир. Шунинг атроф мухит объектларида у ёки бу кимёвий элементнинг юқори ёки паст даражадаларда бўлиши одам организмидаги ҳам ўз аксини топади, айникса атроф мухит объектларида сунъий тарзда хосил бўлган кимёвий бирикмалар организм учун бегона бўлиб, уларнинг миқдорлари рухсат этиладиган миқдорлардан ортиб кетганда организмда захарланиш холатларини келтириб чиқариши мумкин.

3. Биологик омиллар. Биологик омиллар гурухига бизни ўраб турган муҳитдаги турли табиатга эга бўлган макро ва микроорганизмлар, вируслар, замбуруғлар, гелминтлар ёки уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини киритиш мумкин. Атроф муҳитда бўладиган айрим турдаги микроорганизмлар ижобий рол ўйнайди. Чунки улар сув, тупроқ муҳитининг ўз-ўзидан тозаланиш жараёнларида иштирок этади ва айрим турдаги микроорганизмлар эса овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кенг кўламда фойдаланилади. Микроблар, вируслар, замбуруғларнинг атроф муҳит объектларида мунтазам равишида бўлиши гигиеник нуқтаи-назардан номувофиқ ҳисобланади.

4. Ижтимоий омиллар. Бу омиллар қаторига инсонларнинг меҳнат қилиш, дам олиш, кундалик турмуш шароитлари, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш кабиларни киритиш мумкин. Ижтимоий омиллар ўзининг таркиби бўйича жуда мураккаб бўлиб, уларнинг табиати ва энг аввал айрим бир давлатнинг ижтимоий-иктисодий шароитларига боғлиқдир.

Келтирилган омилларнинг одам организмига таъсирини ўрганиб, гигиена фани бошқа табиий фанлар билан яқин алоқада бўлади, жумладан физиология, токсикология, кимё, физика, клиник фанлар кабилар. Атроф муҳитдаги келтирилган омилларнинг жуда кўплиги ва табиати бўйича турлича таъсир этиш хусусиятларини инобатга олиб, улар учун гигиеник меъёрлар ва регламентлар ўрнатилган. Белгиланган меъёрларга асосан одам организми учун заарли таъсир кўрсатадиган миқдорлари жихатини хисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Масалан яшаш жойларининг микроиқлим параметрлари, хоналарнинг табиий ва сунъий ёритилиш даражалари, сув истеъмоли меъёрлари, овқатланишнинг физиологик меъёрлари ва бошқалар.

Бугунги кунда ер юзининг турли худудларида рўй берётган табиий оғатлар, очлик, саводсизлик, вайронагарчилик, терроризм ҳамда турли касалликлар тарқалиши каби глобал муаммолар дунё халқарини ҳамжиҳатлиқда ҳаракат қилишга унダメқда. Айниқса ер юзида вужудга келган ҳозирги экологик вазият барчани ташвишга solaётган асосий муаммолардан биридир. Бундай муаммолар ортидан пайдо бўлаётган салбий оқибатлар дунёning ҳар бир нуқтасида экологик

вазиятни ўнглаш, атроф-мухитни жиддий мухофаза қилиш юзасидан тезкор чоратадбирлар кўрилишини тақозо этади.

Мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш борасида доимий изланишлар олиб борилмоқда. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф муҳит гигиенаси ва биологик ранг-барангликни сақлаш, қурғоқчилик ва чўлланишга қарши кураш бўйича стратегик режалар ишлаб чиқарилган ва амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, аҳоли саломатлиги ва ҳаётий даражасининг юқори бўлиши, табиий экотизимларни сақлаб қолиш табиий ресурслардан нечоғли самарали фойдаланишга ва уларни қайта тикланишига боғлиқ. Табиий атроф-мухитни мухофаза қилиш, аҳоли саломатлиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш жараёнида юзага келадиган мураккаб экологик-хуқуқий муносабатларни тартибга солишида қонун ххужжатларининг роли ва аҳамияти улканdir.

Ердан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган тоғ-кон, ўрмон ва сувга таалуқли муносабатлар, шунингдек ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг маҳсус қонунлари билан тартибга солинади.

Табиатни химоя қилиш ва ундан оқилона фойдаланишда хуқуқий асосларга таянган холда иш олиб борилади, яъни атроф муҳитни химоя қилиш хуқуқий нормалари, қонунлар ва қарорлар хозирги пайтда харакатда.

Булардан:

- 1) Ер тўғрисидаги кодекс-1998 йилда;
- 2) Ер ости ва ер усти бойликлари тўғрисидаги қонун —1994 йил 23 сентябрда;
- 3) Сув бойликларини химоя қилиш тўғрисидаги қонун -1993 йил 6 майда;
- 4) Атмосфера ҳавосини химоя қилиш тўғрисидаги қонун —1996 йил 27 декабрда;
- 5) Алоҳида химоя қилинадиган худудлар тўғрисидаги қонун —1993 йил 7 майда;
- 6) Усимлик ва ҳайвонот дунёсини химоя қилиш тўғрисидаги қонун —1993 йилда;
- 7) Табиатни мухофаза қилиш тўғрисидаги қонун —1992 йил 9 декабрда чиқарилган.

Булардан ташкари қатор чиқарилган қарорлар табиат муҳофазасига қаратилгандир, мисол учун; 1992 йил 7 апрелдаги 174-сонли қарор, 1993 йилги 293-сонли қарор, 1992 йилги 303-сонли қарор, 179-сонли, 49-сонли, 1999 йилги 469-сонли қарорлар ва хоказолар.

Атмосферани ҳавосини ифлослантирувчи манбалар

Атмосфера – ернинг газсимон қатлами бўлиб, ердаги тирик организмлар хаётида катта роль ўйнайди. Атмосфера ер пўстига физикавий, кимёвий ва биологик таъсир кўрсатиб, ер юзасида иссиқлик ва намликни тартибга солиб туради. Атмосфера ернинг ҳимоя қобиғи ҳисобланиб, ердаги тирик организмларни турли ултрабинафша ва инфрақизил нурлар ва космосдан тушадиган метеоритларнинг зарралари таъсиридан ҳимоя қиласди. Атмосфера қатлами ер юзасини кундузи +100 °C қизиб кетишдан, кечаси эса -100° С совуб кетишдан сақлайди.

Ер юзасининг ўртача ҳарорати +14°C га teng бўлиб, атмосфера қуёш иссиқлигини ерга ўтказиб, ундаги иссиқликни сақлайди. Атмосфера қатлами биосферада моддалар ва иссиқлик алмашнувида асосий рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Табиатни муҳофaza қилиш тўғрисида”ги ҳамда 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “Атмосфера ҳавосини муҳофaza қилиш тўғрисида”ги Қонунлари асосида атроф мухитнинг табиий ҳолати ва худудлар экологик мувозанатининг бузилиши қўп жиҳатдан атмосфера ҳавоси таркибини бузилишига ҳамда унинг турли ишлаб чиқариш таъсиридаги салбий ўзгаришларга бевосита боғлиқ.



Республикада ҳавони булғаётган 3500 доимий манба бўлиб, уларнинг ярмига яқини чанг ва турли хил заарарли газларни тутиб қолувчи ва тозаловчи мослама эга. Бу мосламаларнинг 4,1 қисми самарадорлиги жуда паст. Атроф-муҳитнинг меъёридан ортиқча ифлосланиши, айниқса, йирик шаҳарларга хос. Ўзбекистон Республикасида Олмалиқ, Фарғона, Бекобод, Андижон, Оҳангарон, Ангрен, Тошкент, Самарқанд,

Навоий шаҳарлари атмосфераси энг кўп ифлосланган шаҳарлар жумласига киради.

Кейинги йилларда атмосфера ҳавосининг тозалиги устидан назоратининг кучайтирилиши, ҳаво тозалагич мосламалардан кўплаб фойдаланилиши, экологик онгни ошиши, мутахассислар масъулятини ошиши, “Экосан” ҳалқаро экологик ва саломатлик жамғармасининг фаол саъй-ҳаракати натижасида Ўзбекистон Республикасида бир қанча ижобий силжишлар рўй бермоқда.

Атмосфера ҳавосини ифлослантиришга асосий сабабчи бўлган саноат обектлари Тошкент (42,7%), Қашқадарё (14,6%), Бухоро (10.9%), Навоий (8,1%), Фарғона (6,8%) вилоятларида жамланган. Саноат салоҳияти энергетика, (кора ва рангли металлургия, кимё ва нефткимё саноати (асосан, ўғитлар ишлаб чиқариш), газ саноати, нефтни қайта ишлаш заводлари, цемент ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналардан иборат.

Давлат статистик ҳисоботи маълумотларига кўра, йилига йирик корхоналардан (ИЕС ва ИЕМ) 200 минг тоннадан ортиқ ифлослантирувчи моддалар атмосферага чиқарилади. Асосий ифлослантирувчи моддалар — қаттиқ чанг зарралари, олtingугурт диоксиди, азот оксидлари, углерод оксиди, ваннадий беш оксиди ва бензапирен ҳисобланади. Шу қаторда, ИЕС ва ИЕМ лар томонидан, энг кўп миқдорда яъни, тармоқ бўйича - 57,6%ни, республика бўйича эса - 44, 1%ни ташқил этувчи, 121,38 минг тонна олtingугурт диоксиди атмосферага чиқарилади.



ИЕС қозонларида ёқилгининг ёниши натижасида, ифлослантирувчи модда ташламалари қаторида, республика бўйича 50% атрофида, буғи эффектни юзага келтирувчи углерод икки оксиди ҳам атмосферага ташланади.

Углерод диоксид ташламасининг ҳосил бўлиш миқдори, ёндириладиган ёқилғи массасида қанча бўлиш миқдори, ёндириладиган ёқилғи массасида қанча углерод сақлаши ва ишлатилишига боғлиқ.

Нефт ва газ саноати: Ўзбекистоннинг нефт-газ саноати оғир саноатнинг улкан тармоқларидан бири ҳисобланиб, республика энергетикасини бирламчи ёнилғи ресурслари билан 93% га таъминлади.

Мустақиллик даврида суюқ углеводородларни қазиб олиш деярли З баробарга ортди, бу нефтни импорт қилишдан тўла воз кечишни ва республикада ёқилғи мустақиллигини таъминлади.

Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида нефт ва газ қазиб олиш амалга ошириляпти, Қорақалпоғистон Республикаси худудидаги Устюртда газ конларини ўзлаштириш олиб борилмоқда.

Нефт таркибида олтингугурт бирикмаларининг микдори кўплиги (2,7% гача) ва табиий газ ва нефтда токсик ҳамда занглаш, агрессив олтингугурт водородининг аралашмалари мавжудлиги республикамиз конларини ажратиб турувчи табиий хусусият ҳисобланади, бу дастлабки хомашёни қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Металлургия: Металлургия саноати ташламаларига барча турғун манбалардан атмосферага ташланадиган ташламалар умумий микдорининг тахминан 15%и тўғри келади.

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича ўтказилаётган чора-тадбирларга қарамай, «ОТМК» ОАЖ республикада атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи йирик манба бўлиб қолмоқда. Республика бўйича барча турғун манбалар томонидан чиқарилаётган чиқиндиларнинг 12% ва олтингугурт диоксидининг 26%и ушбу ташқилот ҳисобига тўғри келади.

Баъзи йилларда, Олмалиқ шаҳрида атмосфера ҳавосини олтингугурт диоксиди билан ифлослантириш даражаси санитария-гигиеник меъёрлардан 5 баробар ошган.

Кимёвий ифлослантирувчилар

Кимёвий ишлаб чиқариш ва техника тараққиёти даврида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши Республиkaning Олмалиқ, Чирчик, Фарғона ва Навоий вилоятларида айниқса сезиларли даражада ортганлиги ҳеч кимга сир эмас. Биргина Навоий вилоятида атмосфера ҳавосининг юқори даражада ифлосланганлигини кузатиш мумкин. Икки юз мингга яқин аҳолиси бўлган

Навоий шаҳрида ҳавони ифлослантирувчи кўплаб саноат корхоналари фаолият кўрсатади. Ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларида ҳар йили 637,6 минг тонна заарли моддалар ҳосил бўлиб, шундан 97,2% и ушлаб қолинади

Жамият тузилмаси. Кўпчилик жамиятлар ҳар бир трофик босқичда кўплаб ўзаро алоқада бўлган турлардан таркиб топган ва биз бирор трофик гурухнинг умумий биомассасидагидек турлар мавжудлигига қизиқамиз. Истемолчилар ва озуқаларни манипуляция қилувчи кўплаб тажрибалар шуни кўрсатдики, ҳар бир трофик даражадаги биомассалар ўзгармаганда жамият тузилмаси кескин ўзгариши мумкин экан, бирор бир турнинг трофик даражада камайганда, бошқасиники ўсиши мумкин. Мисол учун, Фарбий Европанинг торфли худудларида, азот микдорининг ортиши маҳаллий каллуна арчагули, қамиш брофит ўсимликларининг камайишига сабаб сифатида кўрсатилди.

Атмосферага ташланадиган заарли моддалар миқдори 51,7 минг тоннани ташқил қилиб, тозалаш ускуналарининг ишлаш самарадорлиги 92,9% га tengdir. Ташланадиган заарли моддаларнинг асосий миқдори (94%) йирик саноат корхоналарига тўғри келиб, бу кўрсаткич ўтган йиллардагига нисбатан 1,9% га ошган.

Навоий иссиқлик электр стансияси корхоналарида газ ёкишда ҳосил бўладиган азот оксидларини тозалаш иншоотларини лойиҳалаш кўзда тутилган, аммо ушбу моддаларнинг меъёридан юқорилиги сақланиб қолмоқда. Вилоятда саноат ва майший чиқиндиларнинг йиллик ҳажми 2,5 миллион тоннадан ошиқ бўлиб, жами 43,5 миллион тонна чиқиндилар тўпланиб қолган. Шундан йилига 62 минг саноат чиқиндиси, 46 минг тонна майший чиқиндилар қайта ишланмоқда. Шунингдек, вилоятда 24,7 минг гектар ернинг устки қатlam структураси бузилган бўлиб, шундан 5,7 минг гектар ер рекултивацияни талаб қиласди. Ҳозиргача 2,1 минг гектар (37%) ер рекултивация қилинган.

Курилиш саноати: Оҳангарон, Навоий, Бекобод, Бухородаги қурилиш ва цемент ишлаб чиқариш, саноати - асосий чанг чиқарувчи манбалар ҳисобланади. Атмосфера ҳавосини чанг билан ифлосланиш даражаси санитария-гиеник меъёрлардан ошади.

Кимё саноати: Олмалиқ, Андижон, Кўқон, Навоий, Фарғона, Чирчиқ ва Самарқандда кимё саноати обьектларининг ташламалари, турғун манбалардан ташланаётган ташламалар умумий ҳажмининг бор-йўғи 3% ни ташкил этади.

Асосий ифлослантирувчи моддалар — аммиак, фторли водород, азот диоксида ва фенол бўлиб, қўйида Андижон, Фарғона, Навоий шаҳарларида атмосфера ҳавосини аммиак ва фенол билан ифлосланиш даражаси динамикаси келтирилган. Озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқлари эса ҳавони юқори бўлмаган даражада ифлослантиради.



Саноат обектларида атмосфера ҳавосини юқори даражада ифлослантиришга асосий сабаб, ифлослантириши камайтирувчи технологияларининг эскириб қолганлигини ва самарасизлиги ёки умуман қўлланмаслигидир. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш технологиялари замонавий талабларга жавоб бермайди ва модернизациялаштириш ёки алмаштиришга муҳтож.

Кўчма манбаларнинг атмосфера ҳавосини ифлослантириши: Республиkanинг атмосфера ҳавосини ифлослантиришда кўчма манбаларнинг ташламалари асосий манба бўлиб қолмоқда. Кўчма манба ташламалари билан кўпроқ, яъни 80%дан ортикроқ ифлосланган шаҳарларга Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона киради. Ифлослантирувчи модда ташламаларининг умумий миқдорининг йилдан йилга ортиши, бу автомобил транспортлари сонининг кескин ўсиши билан боғлиқ. Автотранспортдан ифлослантирувчи модда ташламаларнинг ҳар йили ўртача 3—5% га пасайиши кузатилмоқда.

Автомобилларнинг атмосфера ҳавосини ифлослантиришини кузатиш: Ҳозирги кунда автотранспортлар ҳаво атмосферасини энг ифлослантирувчи манбалардан бири ҳисобланади. Атмосферага ташланадиган заҳарли моддалар миқдори автомобиллар сони, кўча ҳаракатининг тузилишига, автомобил магистрал йўлларининг жойлашишига, улар фойдаланадиган ёқилғи турлари ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Бензин билан юрадиган автомобиллар ҳаво иссиқ пайтларда углеводород буғларини ташлайди. Мана шу заҳарли буғларнинг олдини олиш учун узлуксиз машина двигателларининг заҳарли газ ташланмаси текширилиб туради. Текширишлар натижаси ҳавога ташланаётган токсик газлар микдори юқори эканлигини кўрсатса ўша машинани ишлатишга рухсат берилмайди.

Кузатишлар бир ҳафтада соат 6 дан 13 гача ва 14 дан 21 гача олиб борилади, асосий кузатишлар автомобиллар кўп юрадиган вақтларда, кечалари 1—2 марта ўтказилади.

Кузатиш нуқтаси қилиб шаҳар кўчаларининг ҳар жойидан энг серқатнов участкалари олинади. Кўчалар кесишган жойда ва кўприклар тагида зарарли моддалар жуда кўп бўлади.

Ўлчов асбоблари одам юрадиган йўлакларга жойлаштирилади, йўлнинг бир томонидаги ҳаракат ўлчанади.

Идораларга тегишли автотранспортлар, газоаналитик ва диагностик ускуналар билан етарлича жиҳозланмаганлиги, атроф-мухитни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи ходимларнинг билим даражаси пастлиги, атроф-мухитни муҳофаза қилиш муаммоларига ягона ёндашув йўқлиги сабабли, экологик жиҳатдан ноқулай вазият юзага келмоқда. Бундай экологик вазият, кечиктирмай ҳал этишни талаб этувчи кўплаб муаммолар билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Атмосфера босими ва ҳавонинг электрланганлик ҳолати

Ҳаво муҳити одам организмининг саломатлик ҳолати ва функционал ҳолатларини аниқлаб берадиган мухим омиллар қаторига киради. Ҳаво муҳитининг одам организмига таъсири хомилалик давридан бошланиб ва кейинчалик бутун умри мобайнида давом этади. Шунинг учун ҳар қандай вазиятларда ҳам ҳаво муҳитининг одам организмига энг мувофиқ таъсир этишини таъминлаш учун шу муҳитнинг энг оптималь ёки одам организми учун узок муддат давомида таъсир эттирилганда ҳам салбий оқибатларга олиб келмайдиган бефарқ параметрларда бўлишига эришиш керак.

Ҳаво мұхити биосферанинг мұхим бир қисми ҳисобланади. Ер шарининг ҳаволи қобиғи планета бўйлаб кўп минг километрларга чўзилиб кетади, аммо атмосфера ҳавосининг хусусиятлари турли баландликларда турличадир, шунинг учун атмосфера ҳавосини қуидаги қатламларга бўлиш қабул қилинган:

- тропосфера-ер сатхидан ўртача 8-10 км баландликгача бўлган масофа
- стратосфера-10-30 км
- мезосфера
- ионосфера
- теплосфера
- экзосфера

Инсонларнинг ҳаёт фаолиятлари асосан тропосфера қатламида ўтади, аммо юқори баландликларда учаоладиган авиациянинг яратилиши муносабати билан инсонлар стратосфера қатламларигача кўтарилиш имкониятларига эга бўлдилар, космик техниканинг яратилиши билан эса, инсонлар атмосферанинг юқори қаватларигача кўтарилиш имконига эгадирлар.

Гигиена нуқтаи-назардан атмосферанинг қуидаги хоссалари энг кўп аҳамиятга эгадир:

- 1.Физикавий хосслари (ҳавонинг харорати, намлиги, харакат тезлиги ва йўналиши, атмосфера босими, электрланиш ҳолати, ҳаво мұхитининг радиоактивлиги).
- 2.Ҳаво мұхитининг кимёвий хосслари (табиий кимёвий таркиби, кимёвий аралашмалари).
- 3.Ҳаво мұхитининг биологик хоссалари (ҳаво таркибида бўладиган микроорганизмлар ва уларнинг ҳаёт фаолиятлари натижасида юзага келадиган маҳсулотлари).

Ана шу гурухларга доир ҳаво мұхитининг хоссларини гигиеник нуқтаи-назардан аҳамиятларини кўриб чиқамиз.

Ҳаво мұхитининг физикавий хоссалари.

Ҳаво харорати, намлиги, харакатининг тезлиги мұхим физиологик аҳамиятга эга бўлган омиллар гурухига киради.

Чегараланган ҳудудда ҳавонинг ҳарорати, намлиги, харакат тезлиги микроқлим кўринишида таърифланади. Бу омилларнинг ўзгариш параметрлари одам организмида биокимёвий ва физиологик жараёнларнинг даражаларини ўзгаришига сабабчи бўлади. Микроқлим шароитлари энг кўп микдорда организмнинг иссиқлик алмашиниш жараёнига таъсир кўрсатади. Мас., ҳаво ҳароратининг кўтарилиши бошқа параметрлар ўзгармаган шароитда организмда иссиқликни терлаш орқали кўпроқ ажralишига олиб келади, чунки бундай шароитда конвекция, кондукция ва нурланиш орқали иссиқликнинг ажralиши нисбатан камаяди.

Ҳаво ҳаракатининг тезлиги ошганда терлаш жараёни яна ҳам ортади ва асосан конвекция йўли орқали амалга оширилади. Ҳаво намлигининг пасайиши эса, терлашнинг кўпайишига сабабчи бўлади ва терлаш учун қулай шароит яратади. Демак, шу нарсани доимо назарда тутиш керак экан-ки, микроқлим омиллари организмга биргаликда яъни комплекс таъсир кўрсатар экан, шунинг учун одам организмнинг иссиқлик комфорти микроқлимнинг гигиеник меъёрларига риоя қилинган ҳолатлардагина эмас, балки унинг айrim параметрларини бошқариш орқали эришиш мумкин бўлар экан. Мас., ҳаво ҳарорати жуда юқори бўлганда организмдан иссиқликнинг узатилиши қийинлашади, аммо ҳавонинг ҳаракат тезлигини ошириш билан организмдан иссиқликнинг узатилишини ошириш мумкин яъни организмнинг қизиши ва ўта қизишини камайтириш мумкин.

Нормал ҳолда кийинган одам унчалик оғир бўлмаган жисмоний ишни бажарганда агар ҳаво ҳарорати $20-22^{\circ}\text{C}$ (комфорт зонаси), унинг намлиги 40-60% бўлса ва ҳавонинг ҳаракат тезлиги 0,1-0,4 м/сек ни ташқил этганда энг мувофиқ иссиқлик ҳолатини сезади. Шунинг учун микроқлимнинг гигиеник меъёрлари ана шу параметрларга яқин қилиб белгиланган, бироқ бинодаги хоналарнинг қандай мақсадларда фойдаланишига қараб, йилнинг фаслларига биноан ва бажариладиган ишларнинг турига мувофиқ бир-биридан бироз фарқланиши мумкин. Мас., йилнинг иссиқ фаслида жуда оғир жисмоний меҳнатни бажаришда ҳавонинг ҳаракат тезлигини $0,5-1,5\text{m/sec}$ гача ошириш мақсадга мувофиқдир, чунки бундай шароитда ишчи организмидан узатиладиган иссиқлик терлаш ва конвекция орқали узатилишга эришилади. Шуни назарда тутиш керак-ки,

организмдаги иссиқликни бошқариш учун одамга яқин турган жиҳозларнинг ёки механизмларнинг ҳарорати ҳам катта аҳамиятга эга бўлади. Мас., агар хона деворларининг ҳарорати паст бўлса, ҳаттоқи хонадаги ҳаво ҳарорати, намлиги ва харакатининг тезлиги оптимал микдорларда бўлса ҳам, организмдан узатиладиган микдори кўп бўлиб, у асосан нурланиш орқали юқори бўлиши мумкин, бундай шароитни субъектив сезги орқали баҳолаганда ишчи бу микроиклим шароитини "совук" ёки "совуқроқ" деб баҳолаши мумкин.

Ўзбекистоннинг континентал иқлими шароитида йилнинг совук фаслларида организмнинг совуши ёки ўта совиш ҳолатлари кузатилиши мумкин, чунки жуда ҳам паст бўлмаган ҳаво ҳарорати кўпинча юқори намлик ва юқори даражадаги харакат тезлиги билан бириккан ҳолда таъсир кўрсатади. Йилнинг иссиқ фаслларида эса, ҳавонинг ташқи юқори ҳарорати ва юқори даражадаги ва жадалликдаги инфрақизил нурланиш хона ҳавосининг фақат ҳароратигагина таъсир кўрсатмай, балки ички деворларнинг қизиб кетишига сабабчи бўлади. Бундай шароитда организмдан иссиқликнинг узатилиши кескин камаяди, бу эса ўз ўрнида организмнинг қизишига олиб келади. Ана шу ҳолатларни тураг-жой биноларини қуришда ва уларни санитар-техник жиҳозлар билан жиҳозлашда инобатга олиниши зарур.

Ҳаво ҳаракати хоналарни шамоллатишда катта аҳамиятга эгадир, чунки бу орқали хоналардаги ҳавонинг ҳаракат тезлигини оишириш таъминланади.

Атмосфера босими ҳам одам организмига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Нормал атмосфера босими деб -денгиз сатҳида 0° С ҳароратда кузатиладиган босимга айтилади. Унинг қиймати 1013 Гпа (760 мм с.у.) га teng деб ҳисобланади. Атмосфера босимининг қиймати жойнинг денгиз сатҳидан қанчалик баландда жойлашганлигига боғлиқдир, чунки ҳар 10,5 м баландликка кўтарилиш билан атмосфера босими 0,8-1,0 мм с. устунига пасаяди. Шу сабабли ҳар бир географик жой учун ўзининг атмосфера босими меъёри бор. Мас., Тошкент шахри денгиз сатҳидан 460-480 м баландда жойлашганлиги сабабли бу ернинг нормал атмосфера босими 728 мм симоб устунига (970 гПа) тенгдир.

Атмосфера босими доимо тебраниб туради, чунки ер сатхининг бир текисда қизимаслиги ва ҳаво оқимларининг ўзгариб туриши сабаблидир, аммо бундай

тебраниш унчалик катта қийматларда бўлмайди ва кўпчилик одамлар бу ўзгаришларни деярли сезмайдилар. Бироқ атмосфера босимининг ўзгариши атмосфера ҳавосининг таркибига кирувчи айрим газларнинг организмдаги суюқликларда эриш хусусиятларини ўзгаришига сабабчи бўлади ва организмга шу нуқтаи-назардан сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай таъсирлар оқибатида келиб чиқадиган касалликлар ҳақида ҳаво муҳитининг кимёвий таркибига гигиеник таъриф берилганда тўлиқ ва батафсил баён қиласиз.

Бундан ташқари, атмосфера босими об-ҳавонинг ўзгаришига натижасида ҳам ўзгарганлиги туфайли, айниқса метеолабил (метеосезгир) одамлар организмида бир қатор ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Ҳаво муҳитининг электрланиш ҳолати ҳаво таркибидаги аэро ва гидроионларнинг бўлиши билан боғланиб баҳоланади. Бундай ионлар манфий ва мусбат ионлардан ташқил топган бўлиб, улар ҳаво молекуласи ва атомларига ионлантирувчи нурлар, қисқа тўлқинли ультрабинафша нурлар, электр учқунлари каби омиллар таъсир кўрсатганда ҳосил бўлади. Манфий ионлар "енгил" ионлар ҳисобланиб, улар ўзларига чанг заррачаларини бириттириб олиши натижасида "оғир" ионларга айланиб қолади.

Тоза ҳаво муҳити ўз таркибида енгил ионларни кўпроқ ушлайди. Мас., 1 см³ тоғ ҳавоси таркибида 1000-1500 жуфт енгил ионлар бўлади. Ҳаво таркибида оғир ионларнинг кўпайиши муҳим санитар аҳамиятга эгадир, чунки бундай ҳавони ифлосланган ҳаво муҳити сифатида баҳоланади. Одам организмига енгил аэроионларнинг таъсири натижасида биокиёмвий реакциялар стимулланади, шунинг учун организмни умумчиниктирувчи омил сифатида физиотерапия амалиётида енгил ионлар билан даволаш амалга оширилади. Енгил ионлар ақлий толикиш жараёнларини тезда мувофиқлаштиради, айрим касалликларни даволаш мақсадларида ҳам фойдаланилади (гипертония, стоматит касалликлари).

Ҳаво муҳитининг радиоактивлиги ҳам табиий ва ҳам антропоген омилларга боғлиқдир. Табиий омиллар қаторига космик нурланишлар, ҳамда табиатда бор бўлган радионуклиидлар - ҳаво, тупроқ, сув ва бошқа обьектлардаги радионуклеидлар ҳисобига бўлиши мумкин. Ҳаво муҳитининг табиий радиоактивлиги унчалик юқори эмас. Мас., Ўзбекистон Республикасининг

вилоятларида табиий радиоактив фон 15-25 мкР/соатни ташқил қиласи. Шу билан бирга инсон томонидан радиоактив моддаларни қўллаш (ядровий синовлар, атом электростанцияларида улардан фойдаланиш, тиббиётда радиопрепаратларни қўллаш) натижасида, айрим вазиятларда ер юзидағи радиоактив фоннинг ошиб кетиши ҳоллари кузатилиши мумкин (АЭС-да кузатиладиган авариялар, РМ-ларни нотўғри сақлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ва ёки бу қоидаларни қўпол равишда бузиш, радиоактив чиқиндиларни нотўғри заарсизлантириш).

Ҳаво мухитининг кимёвий таркибининг физиологик ва гигиеник аҳамиятлари.

Атмосфера ҳавосининг табиий кимёвий таркиби тропосфера қатламида нисбатан барқарорлиги яъни деярли ўзгармаслиги билан таърифланади; азот-78,08%, кислород-20,95%, карбонат ангидрид гази- 0,03% ва 1% дан бироз ортиқча миқдорда инерт газлар ташқил қиласи. Аммо инсонларнинг хўжаликдаги жадал фаолиятлари туфайли атмосфера ҳавосининг кимёвий таркиби кескин ўзгаришга учради. Шунинг учун бугунги кунда Ер куррасида ифлосланмаган ҳаво мухити қолмади десак муболага бўлмайди. Шунга қарамасдан ҳавонинг физиологик ва гигиеник аҳамияти биринчи навбатда унинг табиий кимёвий таркибига боғлиқдир.

Амалда ҳаво таркибидаги барча газлар планетадаги ички муҳит, ернинг таркиби, космик моддалар, сув таркибига боғлиқдир. Бунга фақат кислород газини киритмаслик мумкин, чунки Ерда кислороднинг пайдо бўлиши сув буғларининг диссоциацияси туфайли хосил бўлгандир. Бу жараён бугунги кунда ҳам мавжуд ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, анорганик моддалардан органик моддаларнинг синтезланиши (фотосинтези) туфайли хосил бўлади. Ер атмосфераси таркибидаги кислородни тўлдириб турувчи муҳим шароитлардан биридир. Шунга кўра, ер сатҳидаги яшил ўсимликлар (денгизлардаги фитопаланктонлар, ўрмонлар, ер сатхининг ўтлар ва ўсимлик дунёси билан копланганлиги) планетамиз учун "ЎПКА" вазифасини бажаради.

Кислород гази жуда катта физиологик аҳамиятга эгадир, чунки бу газсиз организмда оксидланиш-қайталаниш жараёнларини кетишини тасаввур қилиш мүмкін эмас. Одам организми тинч ҳолатда бўлганда минутига ўрта ҳисобда 350 мл, жисмоний меҳнат бажарганда - минутига 5000 мл. гача кислород сарфлайди. Одам организмидан амалда кислород захираси бўлмайди, қоннинг кислород билан тўйиниши эса, кислороднинг парциал босими 160 мм с.у. га тенг бўлган ва ёки бу қийматга яқин бўлган ҳоллардагина кузатилиши мүмкін ва бундай шароитга одам организми ўзининг эволюцион ривожланиши жараёнида мослашиб қолгандир. Кислороднинг бундай даражадаги парциал босими фақат нормал атмосфера босими шароитидагина кузатилади. Ер сатҳидан юқорига кўтарилиш билан атмосфера босимининг пасайиши кузатилиб, бунда кислороднинг ҳам парциал босими камайиб боради.

Кислороднинг парциал босимини пасайишида организмдаги қоннинг кислород билан тўйинмаслигини ва кислородга бўлган танқислик ҳолатини келтириб чиқаради. Одам организми амалда ер сатҳидан 1 км баландликкача кўтарилигдана гипоксия ҳолатига учрамайди, чунки кислороднинг парциал босими у қонни тўлиқ тўйинтириш қобилиятига эга бўлади. 1,5-3 км баландликкача одам организми бундай шароитга тез мослашаолиш хусусиятига эгадир, чунки бу жараён еритроцитлар таркибидаги захира кислороднинг ва гемоглобин таркибидаги кислороднинг мобилизация қилиниши; ҳамда ўпка вентиляциясининг физиологик тезлашиши ҳисобига содир бўлади (тўлиқ компенсацияланиш зонаси). Ер сатҳидан 3 км дан 6 км баландликкача кўтарилигдана эса, тўлиқ мослашиш кузатилмайди, 7 км дан юқориси эса критик зона ҳисобланади. 8 км ва ундан юқори км-ларга кўтарилигдана одам организми кўшимча техник воситаларсиз фаолият кўрсатаолмайди (ўлим зонаси). Шунинг учун айтиш лозим-ки, 2-3 км дан юқори баландликларга кўтарилишда жисмонан чиниқмаган шахслар организмидан нафаснинг сиқилиши, метеоризм, кўнгил айниши, бадан ва юз терисининг бўзариши, бош оғриши, бурундан қон кетиши, лабларнинг бўзариши яъни гипоксия ҳолати белгилари келиб чиқади. Бундай ҳолатнинг келиб чиқишини олдини олиш учун биринчи навбатда баданни чиниқтириш, жисмоний тарбия машқлари билан шуғулланиш катта аҳамиятга

эгадир. Юқоридаги ҳолатни тиббий тилда **баландлик ёки тоғ касаллиги** деб номланади. Бизнинг республикамизнинг айрим вилоятларида тоғли ҳудудларда тоғлик халқлар яшайди, бу аҳоли яшаш жойларининг ер сатҳидан баландлиги 3 ва ундан кўпроқ км ларга тенгdir, аммо бу қишлоқларда яшовчи аҳоли ўртасида тоғ касаллигининг белгилари умуман кузатилмайди, чунки уларнинг организми шу шароитга узоқ муддат давомида яшаганлиги сабабли мослашиб кетган ва ҳаводаги кислороднинг порциал босими ҳам, атмосфера босимининг патслиги ҳам улар организмига салбий таъсир кўрсатмайди.

Юқори баландликларда парвоз қилувчи авиалайнерларнинг пассажирлари ҳам гипоксия ҳолатини бошидан кечирмайдилар, ваҳоланки самолётнинг учиш баландлиги 8-10 км ни ташқил этса ҳам, чунки самолёт салони герметик беркитилган бўлиб, салонда сунъий равишда ҳаво босими 720-730 мм с.у тенг қилиб ушлаб турилади.

Кислороднинг физиологик аҳамиятидан ташқари санитар-гиеник аҳамияти ҳам жуда муҳимдир: ҳаво кислороди ер юзидағи органик ва анорганик моддаларни оксидлайди (ҳаво, сув, тупроқ), натижада шу муҳитларнинг тозалигини таъминлайди яъни шу муҳитларни соғломлаштиради.

Атмосфера ҳавоси таркибида карбонат ангидрид гази 0,03-0,04% ташқил қиласи ва бу газнинг аҳамияти ҳам жуда муҳимдир. CO_2 газининг физиологик аҳамияти шундан иборатки, унинг концентрацияси катта бўлмаган миқдорларда нафас олиш марказини қўзғатиш хусусиятига эгадир, шу билан бирга нафас олиш актини яхшилайди. Аммо, унинг концентрацияси 1% ёки 2% ни ташқил этса, нафас етишмаслиги, нафас олишнинг тезлашиши ҳолатлари кузатилади, 4% дан ортиқ бўлганда эса организмга заҳарли таъсир кўрсатади.

Карбонат ангидрид гази нафас олиш орқали ажралади, чунки организмда рўй берадиган кўпг биокимёвий жараёнларнинг охирги маҳсулоти ҳисобланади. Бундан ташқари CO_2 чириш жараёнида, ёқилғиларнинг ёниши, саноат корхоналарида технологик жараёнлар оқибатида кўплаб ажралиши мумкин. Агар табиатдаги ўсимлик дунёсида кузатиладиган фотосинтез жараёни бўлмаганда эди, атмосфера ҳавосида унинг миқдорини жуда тез тўпланиши кузатилар эди. Бу газнинг санитар аҳамияти ҳам каттадир. Сўз тураг-жой бинолар ҳавоси ҳақида

кетмоқда. Шу билан бирга саноат корхоналари ҳавоси, жамоат жойлари, касалхоналар палаталари ҳавоси таркибидаги CO_2 газининг тўпланиш ҳолатлари кузатилар эди. Шунинг учун бундай хоналар ва бинолар ҳавосини сифатли шамоллатиб туриш талаб этилади. Тураг-жой бинолари ҳавоси таркибида CO_2 газининг РЭК 0,1% га тенг деб қабул қилинган. Шу миқдордан озгина кўпайиш организмни захарланишга олиб келмайди, аммо шу хоналар ҳавосининг ифлосланганлигидан далолат беради яъни антропоген ифлосланганлигини кўрсатади. Шунинг учун CO_2 гази хоналар ҳавосининг ифлосланганлигининг қиёсий кўрсаткичи сифатида қабул қилинган. Охирги ўн йилликларда инсонларнинг жадал хўжалик фаолиятлари тезлашиши оқибатида ва кўпинча оқилона ташқил этилмаган хужалик фаолияти туфайли CO_2 нинг атмосфера ҳавосидаги концентрацияси ортиб кетаётганлиги кузатилмоқда. Мас., катта саноат шахарлари ҳавоси таркибидаги CO_2 газининг концентрацияси 0,05-0,06% га тўғри келади. Унинг атмосферадаги миқдорини 1.5-2 мартаға кўпайиб кетиши муаммоси бутун дунё муаммоси деб қаралмоқда, чунки CO_2 гази ер юзасида инфрақизил нурларни тутиб қолади, натижада шу жойдаги иқлимини ўзгартириб юборади. Олимларнинг хисобларига қарагандা агар бутун атмосфера бўйича CO_2 нинг концентрацияси 0,06% га ортиб кетса, ҳавонинг ўртача харорати $4,5^{\circ}\text{C}$ га кўтарилади. Бундай катастрофик оқибатларни олиб келишига замин яратади демакдир: яъни бутун дунё худудини чўл зоналарига айланиб кетиши ҳавфини, қурғоқчилик, музликларнинг ериб кетиши, Дунё океани сатҳининг кўтарилиб кетиши ва жуда катта худудларда сув тошқинларига сабабчи бўлиши мумкин. Карбонат ангидрид газининг бандай таъсир самарасини "Иссиқхона самараси" деб баҳоланиб, глобал муаммолар қаторига қўшилган, чунки бундай таъсир оқибатларининг айримлари хозирги кунда қайд қилинмоқда.

Ҳаво муҳитининг асосий қисмини азот гази ташқил қиласи. Бу газнинг инсонларнинг хаёт фаолиятларидаги тутган ўрни барчамизга аён. Азот гази табиатда доимо айланиб туради, натижада йил давомида хайвон организмлари ва ўсимлик дунёси томонидан ўрта хисобда 360 млн тонна азот ўзлаштирилади.

Унинг ўрнини тўлдириш жуда мураккаб, мас., 1 тонна ёқилғининг ёниши натижасида бор-йўғи 15 кг азот хосил бўлади. Шу кунгача азотнинг организмдаги

физиологик тутган ўрни тўлиқ ўрганилмаган. Азот атмосфера ҳавосидаги кислородни суюлтириб турувчи газ деб хисобланади.

Азот газининг “**Кессон касаллиги**”даги тутган негатив ўрни ҳаммамизга маълум. Кессон - бу ер остида фаолият кўрсатадиган ишшоот бўлиб, сув ости тоннелларини қуриш, кўприклар қуриш, ер ости конларда ишлаш ва бошқа сув ости ишларини бажаришда кузатилади. Кессонли шароитда ишлашда юқори ҳаво босими яратилади, бу эса у ерга сувнинг кириб кетишини олдини олади. Бундай шароитда иш бажарганда ҳаво орқали қабул қилинадиган азот гази организмдаги суюқликлар - қон, тўқималараро суюқликларда кўп миқдорда эрийди, нормал шароитда эса бундай жараён кузатилмайди. Ана шундай шароитда иш бажариб, кейинчалик сув остидан ер сатҳига тез кўтарилиш оқибатида организмдаги эриган азот тез ва тўлиқлигича организмдан ўпка орқали чиқиб кетишга улгурмайди, натижада қон ва бошқа суюқликларда газ пуфакчаларини хосил қиласди. Қон томирларининг ана шундай газ пуфакчалари билан тўсилиб қолиши (газли эмболия) бирқатор касаллик белгиларини келтириб чиқаради, жумладан кучли бош оғриши, бўғинларда оғриқ, тўқималарда ғичирлаш сезгиларини уйготилиши кабилар. Шунинг учун бу касалликни “**Кессон касаллиги**” деб номланган. Бундай касаллик ҳолатлари кессон шароитида ишловчиларда юқори атмосфера босимидан нормал босимга тез ўтиш шароитида содир бўлади. Кессон касаллигини олдини олиш учун ер сатҳига жуда секинлик билан кўтарилиш муҳим аҳамият касб этади, Бундан ташқари кессондаги ҳавони гелий-кислород аралашмали ҳаво билан алмаштириш ва бундай ишларга фақат жисмонан чиниқкан бақувват одамларни қабул қилиш керак.

Клиник белгилари бўйича кессон касаллигига ўхшаш, аммо этиологияси бироз бошқача бўлган **Декомпрессион касаллик** тури ҳам мавжуддир. Бу касаллик нормал атмосфера босимидан бирданига жуда кам ёки паст босимга ўтиш шароитида юзага келади. Бундай тасодифлар юқори баландликларда парвоз қиласиган самолёт кабиналари, космик кемалар кабиналарининг герметиклиги бузилганда юзага келади. Бундай шароитда барча қон томирларида эриган газларнинг ҳаво пуфакчаларига айланиши кузатилади. Бунинг учун одамлар

ҳаётини сақлаш мақсадида самолёт баландлигини яъни учиш баландлигини кескин пасайтириш тавсия этилади.

Атмосфера ҳавосининг таркибига кирувчи бошқа газлардан Озон ва Гелий газларини таърифлаш кифоядир. Тропосфера ҳавоси таркибидаги озон концентрацияси фоизнинг мингдан бир улушига тўғри келади, аммо стратосфера қатламида унинг миқдори анча юқори, шунинг учун ҳавонинг бу қатламини шартли равишда "озон қатлами" деб номланади. Бу ҳаво қатламининг аҳамияти жуда катта бўлиб, қуёш радиацияси таркибига кирувчи ва ер сатҳигача етиб келадиган ультрабинафша нурларнинг қисқа тўлқинли қисмини ўзида тутиб қолади. Охирги ўн йилликларда Антарктида қитъасининг устида озон қатламининг юпқалашиши ҳақидаги маълумотлар матбуот сахифаларида тез-тез учраб турибди. Бу феноменни "Озон тешиги" деб номланди. Бундай ҳолат қутб доирасидан четда (Запольяре) ва экваториал худудларда кузатилади. Бунга сабаб тариқасида инсонларнинг ҳаёт фаолиятлари натижасида атмосфера ҳавосига айrim кимёвий моддаларнинг ёки уларнинг бирикмаларини (фреонлар, азот оксидлари) кўп миқдорларда чиқарилиши натижасида юзага келади деб қаралади.

Гелий гази биологик инерт газлар қаторига киради. У азот газидан енгил. Бу газ ўпка тўқимасини ателектаздан ҳимоя қиласи деган фикрлар мавжуд (ателектаз- ўпканинг бирор қисмини ҳавосиз бужмайиб қолиши). Бундан ташқари сунъий атмосфера ҳавосини суюлтирувчи газ хисобида кам қатнашади деган фикрлар бор.

Ҳаво муҳитининг биологик хоссаси

Ёпиқ хоналар ва атмосфера ҳавосида доимий равишда у ёки бу турдаги микроорганизмлар учраб туради. Кўпинча уларни тарқатувчи манба бўлиб бемор одамлар ёки касалланган хайвонлар бўлиб чиқади. Бундан ташқари ҳаво муҳити таркибида сапрофит микробларнинг бўлиши ҳам мумкин, улар одатда нормал шароитда шамол эсиши оқибатида тупроқ таркибидага сапрофитларнинг ҳавога кўтарилишидан юзага келиши мумкин. Ҳаво таркибида бўладиган микроорганизмлар ичida қўпинча патоген микроорганизмларнинг ҳам учраши табиий бир ҳол бўлиб, шунга боғлиқ ҳолда ҳаво муҳити айrim турдаги юқумли касалликларни чакиравчи микробларни узатувчи муҳит бўлиб қолади. Ҳаво

мухити орқали вирусли инфекциялар, шу жумладан - грипп, ангина, бўғма, чечак, кўйкўтал, юқумли паротит, ўлат, сил касаллиги, куйдирги ва б.к.

Инфекцияларнинг узатилиши ҳаво-томчи ва чанг орқали бўлиши мумкин, чунки касаллик тарқатувчи микроорганизмлар жуда майда сув томчилари ва аерозоллар (сўлак томчилари, йўталиш, акса уришда учеб чиқадиган шилимшиқ таркибида), ёки бўлмаса чанг заррачалари юзасида бўлиб, ҳаво муҳитида муаллақ ҳолда узоқ муддатларда бўлиши мумкин. Ҳаво муҳити микроблар учун жуда қулай муҳит деб хисобланмайди, шунга қарамасдан заррачалар таркибидаги намлик уларнинг узоқ муддатларда яшashi ва ўз вирулентлигини бир неча соатдан бир неча кунгача сақланиб қолишига имконият яратади. Айрим турдаги микроорганизмлар - сил касаллигини ва куйдирги касаллигини чақирувчи микроблар ўз вирулентлигини бирнеча ойларгача сақлаши мумкин.

Ҳаводаги микроорганизмларнинг миқдори айниқса даволаш муассасалари ҳавосининг тозалигини белгиловчи асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қиласди. Операция хоналари, боғлаш хоналари, туғиш заллари ва бўлимлари ҳавосида микроорганизмларнинг бўлиши (айниқса йиринг чақирувчи микроблар) касалхона ичи инфекцияларини келиб чиқишидаги энг муҳим омиллардан деб баҳоланади. Бундай микроорганизмлар кўпинча операциядан кейин келиб чиқадиган йирингли асоратлар, туғишдан кейинги септик асоратларни келиб чиқишида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Касалхоналар, поликлиникалар ҳавоси таркибида микробларнинг бўлиши, айниқса патоген микробларнинг бўлиши юқорида айтилганидек, касалхона ичи инфекцияларини ёки амбулаторияга доир инфекцияларни келиб чиқишига шароит яратади, чунки бундай шароитда даволанадиган беморларнинг организмлари, аникроғи беморлар организмининг реактивлиги нисбатан пасайган бўлганлиги учун касалликнинг келиб чиқиши осонроқ бўлади.

Йилнинг совук фаслида турар-жой бинолари ҳавосини тоза деб айтиш мумкин, качон-ки 1 m^3 ҳаво таркибида бўладиган микроорганизмларнинг сони 1500, ёзниг иссиқ фаслида эса 2500 гача бўлса тоза ҳаво деб баҳолаш мумкин.

Қуёш радиацияси қуёш сатҳида кетадиган термоядро реакциялар натижасида ҳосил бўлади ва улар электромагнит ва корпускуляр заррачалардан

ташқил топган бўлади. Ер сатҳигача қуёш юзасидаги нурланишларнинг $2 \cdot 10^{-9}$ қисмигина етиб келади ва шунинг ўзи ҳам ерда тириклик дунёсининг пайдо бўлиши ва давомийлигини таъминлаш учун етарли ҳисобланади. Қуёш радиацияси таркибидаги оптик қисмининг аҳамияти жуда муҳимдир. Бу турдаги радиациянинг таркибига - инфрақизил нурлар (760-2800 нМ), ультрабинафша нурлар (290-400 нМ), кўзга кўринувчи нурлар (380-760нМ). Планетамизнинг турли қисмларида қуёш радиациясининг қиймати турличадир ва у географик кенгликларга мувофиқ айрим жойларда турли қийматларда ўзгариши мумкин. Бу қийматни қуёш доимийлиги деб номланади. Ер шарининг экватор соҳасида унинг қиймати 1,59 ккал/см² мин, Тошкент ш. атрофида эса- 1,34 ккал/см²мин. га teng. Қуёш радиациясининг бир қисми атмосферада тарқалиб кетади ва у атмосфера қатламларида ютилади, бир қисми эса ер сатҳигача етиб келди (тўғридан-тўғри қуёш радиацияси). Ер юзаси ҳам қуёш радиациясини қисман ютиш хусусиятига эга, шу билан бирга унинг бир қисмини қайтаради. Юзаларнинг қуёш радиациясини қайтаришини Альбедо деб аталади ва у гигиеник нуқтаи-назардан муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ана шу қайтган радиация ҳисобига ер юзасидаги иқлим шароити ва айрим географик жойлардаги микроиклимин яратишида аҳамияти каттадир. Бунга мисол тариқасида ёпик бинолар хоналаридаги микроиклим шароитларини шаклланишини келтириш мумкин. Республикамизнинг иссиқ иқлими шароитида бу омилни тўғри баҳолаш катта аҳамиятга эгадир: уйларининг ташқи деворлари қора рангга бўялса, қайтган нур қиймати яъни альбедо жуда кам бўлиб, натижада шу деворларнинг юзаси қаттиқ қизиши кузатилади. Қуёшдан келаётган радиация қорайтирилган деворларда тўпланади (аккумуляция) ва хона ичидаги ҳароратни кўтарилишига сабабчи бўлади. Ўзбекистоннинг иссиқ иқлими шароитида бундай микроиклим одам организми учун қиздирувчи таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи-назардан бизнинг шароитда биноларнинг ташқи деворларини оқ, ҳаворангли тусларга бўяш энг яхши вариант деб баҳоланади, чунки бундай деворларнинг альбедоси жуда юқоридир (80-90%).

Қуёш радиацияси одам организмига жуда катта таъсир кўрсатади. XX асрнинг 30 йилларида ёқ қуёш активлигининг қиймати билан аҳоли саломатлиги

ўртасида боғлиқлик бор эканлиги исботланган эди (В.И Чижевский). Аммо, қуёш радиациясининг умумий таъсиридан ташқари унинг айrim қисмларини специфик таъсир кўрсатиш хусусиятлари ҳам маълум.

Инфрақизил нурлар - қуёш радиациясининг ерик сатҳигача етиб келадиган қисмининг тўлқин узунлиги 760- 1600 нМ булган спектрларида бўлади. Бу нурлар моддалар билан реакцияга киришиб, шу жумладан биологик тўқималарга таъсир кўрсатиб, иссиқлик самарасини келтириб чиқаради. Инфрақизил нурларнинг кичик дозалари организм тўқималарига таъсир кўрсатиб, бу тўқималарнинг қон билан таъминланишини яхшилайди, биокимёвий жараёнларни тезлаштиради. Инфрақизил нурларнинг бундай ижобий таъсир хусусиятларидан физиотерапевтик муолажаларда кенг фойдаланиш мумкин. Инфрақизил нурларнинг катта дозалари таъсир этганда кўзга кўринарли иссиқлик самарасини беради, ҳаттоқи баданнинг умумий куйиши ва иссиқ уриш ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам қуёш ванналарини олишда кўпинча меъёридан ортиқ нурланиш олинганда бадан терисининг қизариши ва куйиши ходисаларини ҳам учратиш мумкин. Бундай таъсирни ҳар қандай қизиган жисм ҳам келтириб чиқариши мумкин. Ана шундай қизиган юзалардан тарқаладиган кучли инфрақизил нур оқимлари (ишлиб чиқариш мұхитида) организмда фақатгина қизиш ҳолатларинигина эмас, балки кўзга таъсир этиб "кўз катарктаси" касаллигини келтириб чиқариши мумкин. Чунки кўз гавхари фақат оқсил бирикмаларидан ташқил топғанлиги учун инфрақизил нур оқимлари таъсирида оқсил бирикмалари коагуляцияга ва денатурацияга учрайди. Бу касалликнинг олдини олиш учун ишчилар махсус ҳимоя воситалари билан таъминланишлар зарур.

Одам организми учун жуда ўрганиш ва кундалик турмушда жуда ахамиятли бўлган кўринувчи нурлар ҳам биологик нуқтаи-назардан муҳим ҳисобланади. Табиий ёруғликнинг турли даражаларда бўлиши туфайли ҳудди бошқа биологик обьектларда бўлгани каби, одам организмидаги ҳам биологик маром (биоритм) шаклланган. Биологик маром- биркунлик, фаслларга доир яъни физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг бир кеча-кундуз ва йил фаслларига боғлиқ ҳолда ўзгариши бўлиши мумкин. Қуёш радиациясининг кўзга кўринувчи қисми кўзнинг

кўриш функциясини таъминлайди. Ҳаттоқи сунъий ёруғлик манбаъларидан фойдаланилганда ҳам уларнинг тўлқин узунликлари ва спектрал таркиблари бўйича кўзга кўринувчи нурга яқинлари энг яхши деб баҳоланади (400-760 нМ). Кўринувчи нурлар организмга психофизиологик таъсир кўрсатиш хусусиятига эгадир. Хусусан, бизни ўраб турган ҳар қандай объектнинг ранги субъектив тарзда турлича қабул қилинади. Мас., ёрқин ва ёруғ рангдаги (қизил, бинафша, зарғалдоқ, сариқ) предметлар "иссиқ" тондаги ранг кўринишида қабул қилинади ва бу ранглар асаб системасини қўзғатиш хусусиятига эгадир.

Ҳаво ранг, яшил ранглар "совукроқ" тонлар кўринишида, тўқ кўк, тўқ яшил, қора ранглар бўғувчи таъсир самарасига эгадир.

Инфракизил нурлар бевосита яъни бирор восита орқали таъсир кўрсатувчи аҳамиятга ҳам эгадир - шу нурларсиз табиатда фотосинтез жараёни юз бермайди, демак одам организмига овқат маҳсулотлари орқали таъсир кўрсатар экан.

Энг юқори биологик фаолликка қуёш радиациясининг ультрабинафша нурлари эгадир. Бу нурларни одамнинг кўриш анализатори қабул қилаолмайди, аммо шунга қарамасдан бу нурлар биологик тўқималарга кучли таъсир кўрсатади. Бу таъсирнинг табиати ультрабинафша нурларнинг тўлқин узунликларига боғлиқдир. Ультрабинафша нурларнинг ҳамма турлари ҳам организмга соғломлаштирувчи, тонусни оширувчи таъсир кўрсатади.

Ультрабинафша нурлар қуёш радиацияси оптик қисмининг 1% га яқин қисмини ташқил қиласди, аммо ер юзида ультрабинафша нурларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри келувчи радиация таркибида бўлади.

320-400 нМ тўлқин узунлигидаги УБН еритема-қорайтирувчи таъсир кўрсатиш хусусиятига эгадир, унинг таъсирида бадан терисининг устки катламида меланин пигменти синтезланади ва бадан терисининг ҳимоя функциясини оширади. Аммо, шуни эсдан чиқармаслик керак-ки, баданинни қорайтириш орқали организмни чиниқтирувчилар бу процедурани ҳаддан ташқари ошириб юборганда биз ҳохламайдиган оқибатларни келтириб чиқариши мумкин ва бундай шароитда буйрак усти безининг фаолияти жуда ортиб кетади ва ҳаттоқи бадан терисида меланомаларни келиб чиқиш хавфини ҳам туғдириши мумкин.

290-320 нм тўлқин узунлигидаги УБН антирахитик таъсир этиш хусусиятига эгадир. Бу нурлар иштирокида бадан терисида фосфор-кальций алмашинувини бошқарувчи "Д" витамини синтезланади. Шунинг учун қуёш нури билан етарли даражада баҳраманд бўлмайдиган кишилар организмида "Д" гиповитаминоз ҳолати юзага келиши мумкин ва у айниқса болалар организмида "**Рахит**" **касаллигини** келтириб чиқаради. Катта ёшли одамлар организмида эса (шахтерлар, метрополитен ишчилари) суюкларни мўртлашиши, юмшаб қолиш ҳолатларига олиб келиши мумкин.

УБН-нинг асосий қисми (200-290 нм) атмосферанинг озон қатламида ушланиб қолади ва ҳаттоқи ана шу қатламдан оз миқдорда хам ўтаоладиган УБН-лар ер сатхигача етиб келиб муҳим биологик вазифани бажаради. Бу тўлқин узунлигидаги нурлар энг фаол биологик таъсир қўрсатиш хусусиятига эгадир. Бундай таъсир самарасини бактерицид таъсир деб номланади. Шу нуқтаиназардан қуёш радиациясининг туарар-жой бинолари хоналарига, жамоат бинолари ва касалхона палаталрига тушиши (инсолация) жуда муҳимдир, чунки бу нурлар хона ҳавосини соғломлаштирувчи (санация) омил вазифасини бажаради. Сунъий манбалардан хосил қилинадиган қисқа тўлқинли УБН-лар (кварц лампалари) операция хоналари, бактериологик лаборатория хоналарининг юзаларини, ҳавосини санация қилишда фойдаланилади.

“Блиц усули”

№	Мавзулар саволи	Биламан	Билишни холтайман	Билдим
1.	Экологик омиллар турлари.			
2.	Экологик омилларнинг тирик организмга таъсири.			
3.	Экологик мұхитнинг бузилиши.			
4	Экологик омилнинг қонуниятлари.			
5.	Экологик мұхит тушунчаси.			
6.	Экологик омиллар ҳақида тушунча.			

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиши ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

(v) - мен билган нарсани тасдиқлади.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.

(?) – мени ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
экологиянинг мақсади				
Экологик тадқикот методлари				
Умумий экология				
Хусусий экология				

Мавзуга оид вазиятли масалалар

Вазиятли масала-1

Сув муҳити қўйидаги холатда учраши мумкин, аччиқ ва ширин сув, кўлмак ва оқар сув, чуқур ва саёз, балчиқ ва тоза сув, илиқ ва совук ва хоказолар.

Вазиятни баҳоланг:

Вазиятли масала-2

Сайёрамизда тирик организмлар бир-бирларидан кескин фарқ қилувчи ўзига хос тўртта муҳитда тарқалган экан, улардан бири хисобланган сув муҳитида дастлаб хаёт келиб чиқсан. Кейинчалик тирик организмлар қуруқликка чиқиб, тупрок хосил бўлишида қатнашадилар ва уни эгаллайдилар.

Колган учта муҳитни санаб беринг.

Вазиятли масала

Мослашиш ёки адаптация айрим индивидлар, популяциялар тур ёки жамоаларнинг морфофизиологик хулқий ва ахборот биоценотик хусусиятларининг мажмуудан иборат бўлиб, бошқа индивидлар, популясиялар, тур ёки жамоалар билан яшаш учун курашда ғолиб чиқишига сабабчи бўладиган, шунингдек абиотик муҳит омилларининг таъсирига чидамлилигини ифодалайди.

Мослашиш қандай даражаларда ва қўринишларда намоён бўлади?

Вазиятли масала

Харорат омилига мослашиш молекуляр даражадан бошлаб то биотценотик даражагача кузатилиши мумкин.

Кўпчилик ўсимликлар ортиқча кизиб кетишдан сақланиш учун қандай ўсади?

Амалий машғулотда қўлланиладиган инновацион технология усули:

«МИЯГА ХУЖУМ УСУЛИ»


1. Мавзуни аниклаш:
2. Саволларни танлаш:
 - A. Экология атамаси
 - B. “Экологик вазифа”
 - C. Аутоэкология

3. Катнашчиларга вазифани тушунтириш.

Катнашчилар қисқа муддат ичида (10 минут ичида) максимал хисобида билим ва мулохазаларни айтиш.

4. Котибни сайлаб олиш: бу талаба, доскага ёзиб боради, хеч қандай манфий баҳолаш бўлмайди. Гурух сифат учун эмас, балки миқдор учун ишлайди. Берилган варагда тартиб узунроқ бўлса, яхшироқ.
5. «Мияга хужум» давомилиги 5 минутдан 10 минутгача.
6. Тахлил ва баҳолаш қисқа танаффусдан кейин.

Муҳит тушунчаси технологияси структураси



Шамоллар гули ва унинг гигиеник аҳамияти

Аҳолининг яшаш шароити кўп жиҳатдан шу жойдаги объектларнинг аҳоли яшаш пункти ичида ёки унинг ташқарисида жойлашганлигига боғлиқдир. Объектларнинг оқилона жойлаштирилишини белгиловчи муҳим омил - бу шу жойдаги атмосфера ҳавоси харакатининг ҳукмрон йўналиши хисобланади. Санитария врачи жойдаги шамол йўналиши ёки "шамоллар гули" нинг аҳамиятини тушуниши ва уни санитария назорати амалиётида қўллай олиши керак.

Шахарларда ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларида аҳолининг яшаш шароити кўп жиҳатдан жойнинг шамол йўналиши тартибига боғлиқ бўлади ва

ундан шу жойдаги объектларни режалаштириш ёки қуришда фойдаланиш катта ахамиятга эга. Бунда ахоли яшаш пунктидаги объектларни жойлаштиришнинг асосий принципи шундан иборатки, саноат корхоналаридан, авто- ва авиа транспортлардан, чорвачилик комплексларидан атмосфера ҳавосига чиқариладиган чиқиндилар яшаш мавзелари ва ундаги инфра структура (ахолига хизмат кўрсатувчи кичик объектлар)га салбий таъсир кўрсатмаслиги керак. Бу ҳарбир муайян географик жой учун тузиладиган шамоллар гулини хисобга олиш орқали еришилиши мумкин.

Шамоллар гули - бу маълум вақт (ой, квартал, йил, йиллар) давомида шу жойдаги хукмрон шамол йўналишининг дунё томонларига нисбатан (румблар) қайталанишининг схематик ифодаланишидир. Шамоллар гулини тузиш учун муайян жой учун гидрометеорология хизмати томонидан чиқариладиган ойнома ёки йилномалардаги маълумотлардан фойдаланиш мумкин (бюллетенларни кўрсатиш).

Шамоллар гулини тузиш қоидаси:

- гидрометхизматнинг географик жойлардаги кузатиш пунктлари (постлари) берган маълумотларни танлаб олиш (гидрометхизмат бюллетенида республикадаги кузатиш постлари кўрсатилган жадвал ва маълумотларни кўрсатиш);
- талаб этилган кузатиш пости бўйича ойлар бўйича йиллик шамол йўналиши маълумотларини 8 та румб бўйича ёзиб олиш;
- румблар бўйича бир йиллик ўртacha шамолнинг қайталаниш қийматларини хисоблаб чиқиш ва жадвал тузиш, масалан:

Дунё томонлари (румблар)	Шамолнинг қайталаниши, мутлоқ	Шамолнинг қайталаниши , %
Шимол -Ш	40	20
Шиоли-шарқ-ШШ	50	25
Шарқ - Ш	40	20
Жануби-шарқ-ЖШ	20	10
Жануб -Ж	20	10
Жануби-ғарб-ЖҒ	10	5

Farb - F	0	0
Шимоли-ғарб – ШF	10	5
Штиль (шамол йўқ)	10	5
Жами	200	100

8 та румб бўйича график тузиш ва бунинг учун ҳарбир румбни тенг катакларга бўлиш; бу катакларга (ихтиёрий тарзда масштаб танланади) шамолнинг румбларга доир қайталанишини қўйиб чиқиш; штил - шамолсиз кунлар сони бўлиб, графикда ҳамма румблар бўйича шунга мувофиқ рақамлар қўйилиб, у доира шаклида ифодаланади.

Тузилган график (схема) кўп бурчак шаклига эга бўлган, унинг энг чўзиқ томони қайси тарафдан энг кўп шамол бўлганлигидан хабар беради. Ана шу томонда атмосфера ҳавосига чиқариладиган чиқиндилар чиқарувчи объектлар режалаштирилмаслиги ва қурилмаслиги лозим.

Берилган маълумотларни мустаҳкамлаш учун ўқитувчи талабаларни кичик гурухларга бўлади (2 кишидан) ва ҳарбир гурухга тавсия этилган схемадаги объектнинг тўғри жойлаштирилганлигини баҳолаш топшириғи берилади (доскада ёки флип картада). Кичик гурухлардаги талабалар ўзлари чиқарган хulosаларини асослашлари шарт (академик мунозара). Бундан кейин ўқитувчи талабаларга уларнинг хошишлари бўйича ёки ўзлари келган вилоят ёки туман учун гидромет хизмати бюллетенларидан фойдаланган ҳолда шу жойдашги хукмон шамол қайталаниши маълумотларини ёзиб олиш топшириғи берилади. Талабалар олинган маълумотлар бўйича ўзларининг ишчи дафтарларида шамоллар гулиниң схематик ифодасини тузишлари ва қуйидаги объектларни жойлаштириш учун жой танлашлари тавсия қилинади:

- турар-жой бинолари;
- маъмурий марказ;
- мактаб;
- даволаш-профилактика муассасаси (ҚВП, поликлиника, касалхона);
- болалар боғчаси;
- парк;

1-2 та саноат корхонаси (пахта тозалаш заводи, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш заводи, кимёвий корхона ва б.к.) ёки қишлоқ аҳоли яшаш жойлари учун - чорвачилик комплекслари.

**Машғулотнинг натижаларини уйда расмийлаштириб хисобот сифатида
кейинги дарсда топширишлари айтилади.**

Хисобот қўйидаги шаклда бўлиши мумкин:

- шамоллар гулининг гигиеник аҳамиятига қисқача таъриф;
- белгиланган жой учун шамол гулини тузишга керак бўладиган материаллар;
- тузилган графикка шамол йўналишини хисобга олиб белгиланган объектни режалаштиришни белгилаш.

Бундан ташқари атмосфера ҳавосининг харакати гигиена нуқтаи-назардан аҳоли яшаш жойларидаги у ёки бу объектларни тўғри жойлаштиришда муқим аҳамиятга эгадир. Ҳар бир географик жой ўзининг хукмрон шамол йўналишига эгадир. Жойнинг шамолга доир таърифини баҳолаш учун шамолнинг дунё томонлари (румб) бўйлаб қайталанишини график ифодасидан фойдаланилади, буни биз "шамоллар гули" деб атаемиз. Атмосфера ҳавосини ифлословчи ҳар қандай обьект шамол йўналишига нисбатан қарши тарафда жойлаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Бу жиҳатдан ана шу аҳоли яшаш жойидаги аҳолининг турар-жой бинолари, даволаш-профилактика муассасалари, болалар муассасаларига нисбатан саноат корхоналари ва ишлаб чиқариш муассасаларининг тўғри жойлаштирилиши назарда тутилади.

Гурух билан ишлаш қоидалари.

Гурухни ҳар бир аъзоси:

Ўз шерикларини фикрларини хурмат қилишлари лозим;

Берилган топшириклар бўйича фаол, ҳамкорликда ва маъсулият билан ишлашлари лозим

Ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;

Ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;

Гурухни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;

—Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз ёки бирга қутиласмиз! қоидасини яхши билиши лозим;

Бумеранг методи.

1-гурұх вазифаси.

Вентиляция деганда намани тушунасиз?

Вентиляцияни қандай турлари бор?

Хавонинг такрорий алмашинуви қандай аниқланади?

2-гурұх вазифаси.

Вентиляцион система нима?

Анемометр қандай асбоб?

Сунъий ҳаво алмашиниш нима?

3-гурұх вазифаси.

Табиий ҳаво алмашиниши деганда нимани тушунасиз?

Ишлаб чиқариш жарағында вентиляциянинг аҳамияти?

Асептик блок нима?

Назорат учун саволлар:

1. Ҳаво харакатининг гигиеник аҳамияти (хоналарда ва атмосфера ҳавосида)
2. Шамол гули ҳақида түшунча
3. Шамоллар гулинин тузиш принципи
4. Шамоллар гулинин гигиеник мақсадларда қўллаш

Мавзуни мустаҳкамлаш учун тестлар:

1. Ҳаво алмашинуви турлари
 - A) Табиий, сунъий, аралаш. B) Доимий, вақтинчалик.
 - B) Кунлик, соатлик. Г) Механик, аппаратли
2. Сунъий ҳаво алмаштириш турлари.
 - A) Ҳавони суриб олувчи, ҳавони илитувчи.
 - B) Ҳавони олиб келувчи ва олиб кетувчи.
 - B) Аппаратли ва форточка орқали
 - Г) Елвизак ва форточка ёки деразалар орқали.
3. Табиий ҳаво алмаштириш турлари.
 - A) Ҳавони суриб олувчи, ҳавони илитувчи.
 - B) Ҳавони олиб келувчи ва олиб кетувчи.

- В) Аппаратли ва форточка орқали
Г) Елвизак ва форточка ёки деразалар орқали.
4. Атмосфера хавосидаги CO_2 ПДК си.
- А) 0.2-0.3 % Б) 0.3- 0.4 %
В) 0.03-0.04 % Г) 0.04-0.05 %
5. Бино ичидағи CO_2 ПДК си.
- А) 0.2 % Б) 0.3 %
В) 0.1 % Г) 0.4 %
6. Катталар палатасида 1 та бемор учун керакли хаво хажми.
- А) 40-50 m^3 Б) 40-80 m^3
В) 20-40 m^3 Г) 40-60 m^3
7. Болалар палатасида 1 та бемор бола учун керакли хаво хажми.
- А) 40-50 m^3 Б) 40-80 m^3
В) 20-40 m^3 Г) 40-60 m^3
8. Бир марта нафас чиқарғандаги хаво хажми.
- А) 300 мл Б) 500 мл
В) 200 мл Г) 600 мл
9. Нафас орқали чиқарилган хаво таркибидаги CO_2 мөндори.
- А) 4 % Б) 3 %
В) 5 % Г) 2 %
10. 1 соат давомида нафас орқали чиқариладиган CO_2 нинг ўртача мөндори.
- А) 20.4 л Б) 24.6 л
В) 21.6 л Г) 25.0 л

Микроиқлим кўрсаткичларини текшириш ва баҳолаш.

Ўкув - тарбиявий ва даволаш – профилактика ишларини олиб борища микроиқлимнинг аҳамияти жуда катта: хавонинг харорати, намлиги, харакат тезлиги ва иссиқлик нурларидан иборат бўлган атроф муҳитнинг холати микроиқлим деб аталади. Бундан ташқари атмосфера босимини ҳам микроиқлим кўрсаткичлари қаторига киритилади. Хавонинг бу кўрсаткичлари одам

организмида иссиқлик алмашинув жараёнига таъсир кўрсатиши билан муҳитм гигиеник аҳамият касб этади.

Хавонинг температурасини аниқлаш.

Биноларда хаво харорати симобли ёки спиртли термометрлар ёрдамида аниқланади. Хаво хароратини маълум вақт ичида (бир неча кундўз ёки хафта) ўзгаришини ўзлуксиз ёзиб олиш учун термографлардан фойдаланилади. Тремографлар уч қисмдан иборат: қабул қилувчи қисм, ўзатувчи ва ёзиб оловчи қисмлар. Қабул қилувчи қисм ярим ой шаклидаги биметалл пластинкадан иборат бўлиб, хаво харорати ўзгарганда ўз холатини ўзгартиради ва бу ўзгариш ричаглар системаси орқали асбобнинг ёзиб оловчи қисмига узатилади. Стрелка учидаги кўринмайдиган сиёҳ қўйиладиган перо ўрнатилган бўлиб харорат ўзгаришлари, айланма барабангага ўралган, соат ёки кунларга бўлинган қофоз лентасига ёзиб олинади.

Натижа :

Хулоса :

Хаво намлигини аниқлаш.

Хавонинг муайян сув буғлари билан тўйинган миқдори намлиқдир. Гигиена амалиётида намликни уч туридан кўпроқ фойдаланилади. Муайян жойнинг намлигига баҳо беришда абсолют, максимал ва нисбий намликлар аниқланади.

Абсолют намлиқ. Бир куб метр хавонинг таркибидағи сув булгарининг миқдори абсолют намлиқдир.

Максимал намлик. Бир куб метр хавони туйнитириш хусусиятига эга бўлган сув бугларининг микдорига мақсимал намлик дейилади.

Нисбий намлик. Абсолют намликтинг максимал намлика нисбатини фоизлардаги ифоласига нисбий намлик лейилади.

A

H=-----100%

E

Бүрэлдэх Н-нисбийг намлиж

A – абсолют намлик

F – максимал нампик

Абсалют намлик Август ёки Асман психрометрлари ёрдамида аниқланади. Август психрометри махсус урнатилган нам ва қуруқ термометрлардан иборат. Нам термометрнинг симобли ёки спиртли шарчаси юпка батист матохи кийкими билан уралган ва дистирланган сув куйилган станқанчага таширилгандир.

Нисбий намлик психрометрик гигрометрлар ёрдамида ҳам аниқланади. Намликнинг бу усул билан аниқлаш қуруқ ва нам термометрлар кўрсаткичларидаги фарқ ва хаво намлиги орасидаги бодланишга асосланган. Бунда намлик қуруқ ва нам термометр кўрсаткичи, қуруқ ва нам термометрлар кўрсаткичлари орасидаги фаркга асосланиб, махсус жадваллар ёрдамида аниқланади. Бундан ташкири хаво намлигини аниқлашда гигиена амалиётида гигрометр ва гигрограф асбобларидан ҳам фойдаланилади. Жумладан гигрограф асбобидан намликни муайян вақт оралигига ўзгариб туришини доимий тарзда ёзиб олишда фойдаланилади. Бу асбоб ҳам термограф каби тузилишга эга бўлиб фақат кабул килувчи қисмда биметалл пластинка урнига ёғсизлантирилган от ёки соч толасидан фойдаланилади.

Натижа:

Хуноса:

ХАВО ХАРАКАТ ТЕЗЛИГИНИ АНИҚЛАШ.

Хаво харакат тезлиги унинг йўналиши ва тезлиги билан ифодаланади. Бу кўрсаткичлар муҳитм гигиеник аҳамиятга эга. Шамолнинг йўналиши у эсаётган ер шари томонлари ва ромблари билан белгиланади. Мазкур жойда муайян вақт давомида шамол такрорланишининг фоизлар билан ифодаланган график тасвири шамоллар гули дейилади. Шамоллар гули шахарларни режалаштириш, тураг жойлар, шифохоналар, болалар муассасалари ва турли хавони ифловчи саноат корхоналарни лойихалаш ва қуришда жуда катта аҳамиятга эга.

Хавонинг харакат тезлиги анемометрлар ёрдамида аниқланади. Анемометрларнинг икки тури тафовут этилади. Булар парракли ва косачали анемометрлар. Унликлар, юзликлар ва мингларни ифодаловчи учта циферблат бўлиб, шамолнинг тезлигини АНИҚЛАШдан олдин, анемометрнинг

кўрсаткичлари ёзиб олинади. Шамолнинг таъсирида канотлар ва косачалар ўз уки атрофида айлангани сабабли анемометр кўрсаткичлари ўзгаради. Кўрсаткичлар уртасидаги фарқ, улчаш мобайнида утган вақт (секундлар билан ифодаланган) га бўлинади. Сўнгра асбобга илова қилинган жадвал ёрдамида хавонинг совутиш қобилияти ҳам аниқланади.

Биноларнинг ичидағи хавонинг харакат тезлиги кататермометрлар ёрдамида аниқланади. У хозирги вақтда икки хил резервуарли кататермометрлар ёрдамида хавонинг совутиш қобилияти ҳам аниқланади.

Натижа:

Хулоса:

АТМОСФЕРА БОСИМИНИ АНИҚЛАШ.

Атмосфера босими симобли ёки анероид барометрлар ёрдамида аниқланади. Атмосфера босимининг маълум вақт давомида ўзгариши барографлар ёрдамида узлуксиз ёзиб олинади. Барограф ҳам олдинги келтириб ўтилган ўзи ёзиб оладиган асбоблар каби уч қисмдан иборат бўлиб, бу ерда кабул килувчи қисм асбобнинг ичида жойлашган бўлиб металл пластиналардан иборат.

Микроиклимини гигиеник текширишни, хавонинг физиковий хусусиятларининг организмга комплекс таъсирига асосланиб олиб борилади.

Даволаш – профилактика муассасаларида микроиклимининг қуйидаги кўрсаткичлари тавсия этилади :

Хаво харорати :

Катта одамларга мўлжалланган палаталарда	20 C°
Болалар палаталарида	28
Чала тугилган чакалоклар палаталарида	25
Туғруқ хоналарда	25
Операция хоналарида	21
Жаррохлик бўлимларининг яра боғлаш ва муолажа бажариш хоналарида	22
Нисбий намлик миқдори	30-50%
Хавонинг харакат тезлиги	0,2-0,4 м/с

Иқлимга караб, хаво харорати ясли ва боғчаларда

20-24, 20-26.

Мактабларда

16-22, 18-20.

“Блиц усули”

<u>№</u>	<u>Мавзулар саволи</u>	<u>Биламан</u>	<u>Билишни хоҳлайман</u>	<u>Билдим</u>
1.	Микроиқлим хақида тушунча.			
2.	Микроиқлим параметрлари.			
3.	Палатадаги микроиқлим меъёrlари.			
4	Микроиқлим кўрсаткичларини аниқловчи асбоб ускуналар.			
5.	Шамоллар гули ва унинг гигиеник аҳамияти.			
6.	Атмосфера босимиининг аҳамияти			
7.	Хаво намлигини ўлчаш			
8.	Хаво хароратини ўлчаш			

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиши ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб,

мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар

олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз

фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.

(?) – мени ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Кататермометр				
Анемометр				
Барометр				
Термограф				
Психограф				
Гигрометр				

2. «Тиббий экологиянинг замонавий муаммолари. Замонавий инсон экологияси»

Экология – тирик организмларни яшаш шароитлари, улар яшаётган атроф мухит ва организм ўртасидаги ўзаро боғланишни ўрганувчи фандир.

«Экология» сўзи грек сўзидан пайдо бўлиб «οίκος» - «уй», «λόγος» - илм. Бу терминни биринчи бўлиб 1866 й. биолог Э.Геккел киритган.

Экотизимни унумдорлигини биохархиллик оширади. Бунда ҳар бир тур қанчалик кичик бўлмасин уларни ўрни муҳимдир. Биохархиллик барча шакллардаги ҳаётларни чидамлилигини таъминлайди. Ҳар хил табиий оғатларда соғлом экотизим яхши қаршилик кўрсатади ҳамда тезда тикланади.

Маълумки, табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг ўз қонуниятлари бор. Уларга риоя қиласлиларни пировард натижада экологик мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Илм-фаннынг жадал ривожланиши, ер ости ва усти табиий бойликларидан хўжасизларча фойдаланиш натижасида бугунги кунга келиб атроф-муҳитдаги тенглик издан чиқди. Натижада дунё миқёсида баъзи худудларда бебаҳо неъматлар – тупроқ, сув, ҳаво ифлосланиб, яроқсиз ҳолга кела бошлади.

Мамлакатимизда ҳайвонларнинг 15 минг, ўсимликларнинг 4,5 мингта яқин турлари рўйхатга олинган. Шулардан ҳайвонларнинг 184 тури, ўсимликларнинг 305 нави “Қизил китоб” га киритилган.

Инсон экологияси.


Минтақамизда жойлашган Орол денгизининг қуриши инсоният тарихидаги энг йирик экологик фожеалардан биридир.


Орол денгизи – сайдерамиздаги энг қадимий ёпик сув ҳавзаларидан бири ва у йириклиги жиҳатидан дунёда түртинчи ўринда бўлган, бой табиий захиралари билан машҳур эди. Оролбўйи минтақаси эса биологик жиҳатдан бой табиий муҳит ҳисобланарди. 1960 йилга қадар Орол денгизи майдони 68,9 минг кв. км га тенг эди, сув ҳажми 1083 куб. км ни ташқил этарди. Орол ва Оролбўйи сув ҳавзаларida 38 турдаги балиқ бўлиб, йилига 30 минг тоннагача балиқ овланган. Оролбўйининг кенг ҳудудларида бир қатор ҳайвон турлари – Бухоро кийиги, жайрон, Устюрт тоғ эчкиси ва сайфоқларнинг кўп сонли популясияси мавжуд эди.

Бир пайтлар Амударё делтаси флораси таркибида 638 турдаги турли ўсимликлар мавжудлиги ҳам ушбу минтақанинг нақадар бой биохилма-хилликка эга бўлганидан ёрқин далолатдир.

Бугун Орол денгизининг ҳажми 13 баробарга, майдони 7 баробарга қисқарди. Сув сатҳи 26м га пасайди, сув чегараси юзлаб километрга чекинди. Сувнинг шўрланиши, яъни минераллашуви ғарбий қисмида 120 г/л га, шарқий қисмида 280 г/л гача этди.

Экологик ҳалокат оқибатлари Орол денгизи ҳавзасида яшовчи миллионлаб одамларнинг турмуш тарзига салбий таъсир ўтказди. Бугун халқаро миқёсдаги экологик муаммоларнинг мураккаб мажмуи Орол фожиасида ўз аксини топди. Очиги, минтақадаги барча жараён ва ҳолатлар глобал иқлим ўзгариши шароитида янада кескин, шиддатли ва мураккабликда намоён бўлмоқда.





Ўзбекистонда мавсумий қурғочиликнинг кучайиш тенденсияси сезиларли кўлам касб этган. Бу эса Оролнинг қуриш жараёни минтаقا иқлим шароити ўзгаришига салбий таъсир ўтказаётганидан далолат беради. Орол фожиаси иқлим континенталлигини кескинлаштириди, натижада, ёз кунлари қурғоқчилик кучайиб, қишининг совук кунлари эса аксинча узайди. Орол бўйида ҳарорат 40°C дан юқори бўладиган кунлар сони 2 марта га кўпайди.

Маълумки, Марказий Осиё давлатлари аҳолисининг сувга бўлган талаби трансчегаравий дарёлар - Амударё ва Сирдарё хисобига қондирилади. Мутахассисларнинг башорат қилишича, иқлим ўзгариши, глобал ҳароратнинг ошиши туфайли Амударё ва Сирдарёнинг сув захираси манбаи бўлган музликлар 15-20% га камайиши кутилмоқда. Бу эса ҳудудимизда сув таъминотининг 20% гача қисқаришига олиб келиши мумкин. Тоғ музликларининг ҳажми ҳозир йилига 0,2 дан – 1 фоизгача камайиб бораётгани фикримиз исботидир.

Орол денгизининг қуриган тубида фитомелиоратив ишлар

6.7 - расм
Орол денгизининг қуриган тубида ўрмон дарахт экши динамикаси

Yil	Милён
1994	10.4
1995	11.4
1996	14.8
1997	14.9
1998	15.3
1999	16.7
2000	17.7
2001	17.9
2002	20.4
2003	20.6
2004	21.4
2005	20.7
2006	16.0

Туз шлейфлари 400 км дан ошади, қумли ва тузли бухронларнинг таъсир доираси - 300 км гача этмоқда. Ҳар йили бу ердан атмосферага 100 млн. тоннагача қум аралаш тузли чанглар кўтарилади. Ўтган асрнинг 80-йиллари бошидан бошлаб бундай довуллар йилига 90 кундан ортиқ вақт давомида тез-тез содир бўлмоқда.

Оролбўйи чўлланиши ер ресурсларининг деградатсиясига, табиий яйловлар ва пичанзорлар сифатининг ёмонлашувига сабаб бўлмоқда, тупроқнинг шўрланиши фаоллашиб, у йил сайин янгидан-янги майдонларни қамраб олмоқда. Антропоген чўлланиш натижасида Оролбўйининг биологик унумдорлиги 10 баробарга қисқарди. Кўпгина жойларда ер ва еости сувларида шу қадар кўп туз тўпланганки, бу қишлоқ хўжалиги экинлари этиштиришни қариб имконсиз қилиб қўймоқда.

Бугун шуни афсус билан таъкидлаш керакки, Оролбўйи ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофондининг ярмидан кўп йўқ бўлиб кетди.

Айни пайтда, Жанубий Оролбўйида кўплаб кичик кўллар саёзлашди ёки қуриб қолди. Бу эса, ўз навбатида, 800 минг гектар майдондаги мавжуд бутазор ва тўқайзорларнинг 90%и, улар билан бирга, бу ерда қўним топган жониворларнинг йўқолишига олиб келди. Сув танқислиги туфайли дарё бўйидаги ўрмонлар, делтадаги юзлаб кўллар қуриб қолди.

Факторал экология

Тур ёки жинсни ўраб олган муҳит билан ўзаро муносабатини ўрганувчи бўлимдир. Мазкур бўлим баъзан тур экологияси деб ҳам аталади.

Факторал экология организм физиологияси ва морфологияси билан чамбарчас боғлиқ.

Популяцион экология

Тузилишнинг шаклланиш шароитини ва бир турдан ажralган гурухларнинг популяциясини давомли ўрганади. популяцион экология бир турдаги ўзгаришларни ўрганиб, унинг сабабларини аниқлайди. турларнинг популяцион

экологиясини билмай туриб табиат ва унинг омилларидан илмий асосда фойдаланиш мумкин бўлмайди.

Биоценоз

Барча турдаги жониворлар популяциясининг йигиндиси, маълум бир жўғрофик территорияда яшайди. Бундай территориялар жойлардаги тупроқ ва сувларнинг кимёвий таркиби ва физик хусусиятлари, яъни жойнинг паст-баландлиги, қуёш нури билан таъминланиши ва бошқа томонлари билан фарқ қиласди. Биоценозда яшайдиган ўсимлик ҳамда хайвонлар доим бир-бирига нисбатан маълум муносабатда ва алоқада бўлади. Биоценоз умумий табиий комплекс бўлиб биогеоценознинг бир кисмидир. Биоценоз мунтазам равишда ривожлана боради ва бу ривожланиш жараёни одатда узоқ давом этади. Инсон ўзининг хаётий фаолиятида биоценозни ўзига маъқул бўлган тарафга ўзгартириши мумкин.

«Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингийиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади».

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти

Ислом Каримов

Бугунги кунда ер юзининг турли худудларида рўй берадиган табиий оғатлар, очлик, саводсизлик, вайронагарчилик, терроризм ҳамда турли касалликлар тарқалиши каби глобал муаммолар дунё ҳалқларини ҳамжиҳатлиқда ҳаракат қилишга унダメқда. Айниқса ер юзида вужудга келган ҳозирги экологик вазият барчани ташвишга колаётган асосий муаммолардан биридир. Бундай муаммолар ортидан пайдо бўлаётган салбий оқибатлар дунёнинг ҳар бир нуқтасида экологик вазиятни ўнглаш, атроф-муҳитни жиддий муҳофаза қилиш юзасидан тезкор чора-тадбирлар кўрилишини тақозо этади.

Мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш борасида доимий изланишлар олиб бориляпди. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф муҳит гигиенаси ва биологик ранг-барангликни саклаш, қурғоқчилик ва

чўлланишга қарши кураш бўйича стратегик режалар ишлаб чиқарилган ва амалга ошириляпди.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, гўдаклар ўлимига йўл қўймаслик, ҳомиладор аёллар ва фарзанд кўрган ёш оналар соҳлихини муҳофаза қилиш борасида доимий назорат ўрнатилган.

2008 йил 2 августда давлатимизда Экологик ҳаракат тузилган. 2009 йилнинг 27 декабряда бўлиб ўтган сайлов якунлари бўйича парламентимиз қуи палатасидаги 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилган. 2019 йил 8 январда экологик партия ташқил топган.

Маълумки, табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг ўз қонуниятлари бор. Уларга риоя қилмаслик пировард натижада экологик мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Шундай бўляпти ҳам. Илм-фаннынг жадал ривожланиши, ер ости ва усти табиий бойликларидан хўжасизларча фойдаланиш натижасида бугунги кунга келиб атроф-муҳитдаги тенглик издан чиқди. Натижада хориждаги баъзи худудларда бебаҳо неъматлар – тупроқ, сув, ҳаво ифлосланиб, яроқсиз ҳолга кела бошлади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида таъкидлаганидек “Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик қўл қовуштириб ўтириш ўзини-ўзи ўлимга маҳкум этиш билан баробардир”. Экологик вазиятни яхшилашга таъсир кўрсатувчи омиллардан бири жамиятнинг ҳар бир аъзосида замонавий экологик дунёқарашни шакллантиришдан иборат.

Экологик хавфсизлик бу- табиий муҳит ва аҳоли саломатлигига хавф-хатар етказилмайдиган ҳолатdir. Уни тўла қонли таъминлаш учун эса атроф-муҳитга салбий антропоген таъсирни камайтиришга йўналтирилган тадбирлар мажмuinи амалга ошириш талаб этилади.

Мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, аҳоли саломатлиги ва хаётий даражасининг юқори бўлиши, табиий экотизимларни сақлаб қолиш табиий

ресурслардан нечоғли самарали фойдаланишга ва уларни қайта тикланишига боғлиқ. Табиий атроф - муҳитни мухофаза қилиш, аҳоли саломатлиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш жараёнида юзага келадиган мураккаб экологик-хуқуқий муносабатларни тартибга солишда қонун хўжжатларининг роли ва аҳамияти улкандир.

Ердан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган тоғ-кон, ўрмон ва сувга таалуқли муносабатлар, шунингдек ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар ўзбекистон республикасининг маҳсус қонунлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон республикасида ер муносабатлари «ўзбекистон республикаси конституцияси», «Ер тўғрисидаги қонуни», “жиноят кодекси”, “маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси,” «сув ва сувдан фойдаланиш қонуни», “шаҳарсозлик кодекси”, “табиатни мухофаза қилиш тўғрисидаги қонун”, “ер ости бойликлари”, “ўрмон”, “чиқиндилар”, “хайвонот дунёсини мухофаза қилиш ва ундан фойдаланиш”, “ўсимлик дунёсини мухофаза қилиш ва ундан фойдаланиш”, “экологик экспертиза”, “давлат ер-кадастри” тўғрисидаги қонунлар ўртасидаги ўзаро зиддиятларни бартараф этиш, хуқуқ нормаларини уйғунлаштириш ҳамда ички ва ташқи номувофиқларни бартараф этишни таъминлаш лозимлиги равшан бўлди. Бу қонунлар келажакда табиатни экологик нокулайликлардан сақлаш ва уни мухофаза қилишга, шунингдек, инсоннинг экологик таълимотини пухта эгаллашига ҳамда бу борада унинг руҳиятини ижобий томонга ўзгаришига хизмат қиласди.

2003 йил 1 майдан Ўзбекистонда табиий ташқи муҳитни ифлослашга ва давлат худудида чиқиндиларни сақлашга жарима киритилган. Вазирлар Махкамасининг қарорига биноан атмосферага ифлословчи моддаларни чиқаришга, мотор ёқилғисини ёқишга, сув хавзаларига ифлословчи чиқиндиларни ташлашга жарима миқдорлари тасдиқланган. Ушбу меъёрий-хуқуқий хўжжатлар атроф – муҳит экологик холатини яхшилашга ёрдам беради.

Ишончли кафолат – экомаданият ва экотаълим даражаси хисобланади.

7 декабрь 2009 й. Копенгаген шаҳрида “Иқлим ўзгариши” бўйича дунъё миқёсида экология конференцияси бўлиб ўтди.

Одам тўқимасидаги генлар ҳаётига З та омил таъсир қилар экан: ташқи мухитни ифлосланиши, модификацияланган озуқа, стресслар.

- Орол денгизи акваторияси 40 йил ичida 7 баробардан кўп қисқарди, сув хажми 13 баробар камайди, сув минераллашуви 10 баробар кучайди, тирик жонзод яшаш учун шароит қолмади, бунинг натижасида ҳамма флора ва фауна турлари деградация бўлиб йўқолиб кетди.
- Замонавий табиий аномал ўзгаришлар шароитида асосий вазифа экологияни ҳимоя қилиш ва ташқи мухитни сақлаш.

Ер куррасида йилига 20 миллиард тоннадан зиёд кўмир ёқилади. 2,5 миллиард тонна нефтдан ёқилги сифатида фойдаланилади. Улардан ҳавога 200 миллион тонна ис гази, миллионлаб тонна бензин буғи ва бошқа заарли газлар ажралиб чиқади. Йилига атмосфера ҳавосига 220 миллион тонна заарли омиллар сингиб кетади.

Маълумотларга қараганда, хозирги вақтда бутун жаҳон автопаркларидағи автомобилларнинг умумий қуввати 15 миллиард от кучига тенгdir. Биргина юк автомобили бир соатлик иш мобайнида ҳавога 120 куб метрга қадар газ чиқаради. Енгил автомобиллар ишланган газни бундан икки баравар кам чиқариши мумкин.(А. Эшмуҳамедов, Г. Сахаров), 1 килограмм ёнилғи ёниши учун 15 килограмм ҳаво талаб этилади. Бу миқдордаги ёнилғи газ холидаги чиқиндилар билан 1500 килограмм ҳавони ифлослайди.

Аҳоли саломатлигига ниҳоятда зарар етказадиган яна бир ҳавфли нарса— ҳаво мухитининг радиоактив моддалар билан ифлосланишидир. Сунъий равишда ҳосил бўладиган саноат радиоактив чиқиндилари, шунингдек ядро қуролларини синаш вақтида ажралиб чиқадиган радиоактив моддалар билан ҳавонинг ифлосланиши аҳоли саломатлиги учун ўта ҳавфлидир.

Радиоактив моддалар бевосита тупроққа ёки ҳаводан тупроққа тушганида тирик организмга ёмон таъсир қилади, қизиги шундаки, радиоактив чиқиндилар атмосферага тарқалиши билан унинг миқдори камайганга ўхшаб кўринади. Бироқ у тўпланиб қолиш хусусиятига эга, чунки тупроқ ва суюқликларда йиғилиб олган радиоактив моддаларда унинг салбий хусусияти сақланиб қолади.

Кейинги 20 йил давомида кўп мамлакатларда олиб борилаётган илмийтадқиқот натижалариға қараганда атроф-муҳитнинг чиқинди, жумладан заарли моддалар билан ифлосланиши йилдан-йилга ортятти. Бунинг оқибатида саноати ривожланган шаҳарларда сурункали нафас йўли ва ўпка касалликлари кўпайиб бормоқда. Касалликларнинг келиб чиқишида ифлос ҳавонинг таъсири катта. Саноат корхоналари зич жойлашган, ифлос сув ва ҳаво зонасида яшайдиган аҳоли ўртасида хавфли ўсмалар ва сурункали оғир ҳасталиклар кўп учрайди.

Бундан ташқари АЭСларда фалокат (авария) юз бўлиши кузатилмоқда. Жумладан, 1986 йилнинг апрель ойи охирида Украина республикасининг Чернобиль АЭС сида фалокат содир бўлди. Бу АЭС да реактор ва унинг фаол доирасининг портлаши натижасида ташқи муҳитга миллионлаб кюри радиоактив моддалар чиқариб ташланди. Бундан ташқари, реактор портлашидан 10 кун олдин реактор тагига ўрнатилган графит қатламининг ёнишидан ҳосил бўлган газ ва аерозолсимон юқори фаол бирикманинг катта куч билан ташқи муҳитга чиқариб юборилиши ўз навбатида экологик вазиятни янада огираштириди. Фожианинг биринчи кунлари ҳафталарида тиббиёт ва биологик жиҳатдан аҳамиятли бўлган радионуклидлардан радиоактив изотоп йод бўлган. Бунинг натижасида одамлар ва ҳайвонлар қалқонсимон безининг йодга бўлган (миқдор жиҳатидан шартли) талабни қисқа вақт ичиде тўлдириб турган. Узоқ яшончи радионуклидлар қаторига энг аввало цезий билан стронцийни киритиш мумкин.

Японияда “Фукусима-1” АЭС фалокат (авария)га учради (март 2011 й.). Бу атом реакторларда бир неча фалокат натижасида биринчи 10кун ичиде денгиз сувида радиоактив йод-131 - 126,7 баробар, цезий -134 – 24,8 баробар, цезий-137 – 16,5 баробар давлат стандартидан юқорилиги аниқланди. Лекин кобальт-58 - меёрдан камлиги аниқланди.

Лекин кундан кунга радиация ошиб боряпди (4 апрель 2011й. маълумотларига биноан “Фукусима” АЭС атрофида радиация 40 000 баробар ошиб кетди, хаттоқи Токио водопровод сувида, денгиз балиқларида ҳам аниқланди).

Табиат ва озиқ-овқат махсулотларининг радиоактив моддалар билан зарарланиши саратон касаллигига ўхшаш, насл айниши каби оқибатларни келтириб чиқаради.

Дунёда 1 секунд ичида 3 мобиль телефон сотилмоқда (2010 й.).

Финляндияда радиация ва ядро ҳавфсизлиги маркази томонидан текширилган 28 та қўл телефони моделида нурланиш аниқланган (0,45-1,12 Вт/кг). **Европа Иттифоқи** томонидан молиялаштирилган “Рефлекс”номли тадқиқот натижасида 0,3-2 Вт/кг гача бўлган коэффициент лаборатория шароитида ДНКга салбий таъсир кўрсатиши аниқланган.

Хитойлик олимлар (2005 й.) уяли телефонлардан тарқаладиган электромагнит нурлар ДНК молекулалари бузилиши ва генетик мутацияни келтириб чиқаришини аниқлашди.

Ирландия врачлари аҳолининг ҳар йигирманчи вакили уяли телефонидан нурланишдан азият чекаётганини билдиришган: чарчок, фикрлашдаги чалкашликлар, бош айланиши, уйқусизлик, қусиш, терида қичишиш кузатилган. Айниқса, организми ривожланиш даврини бошдан кечираётган болаларга мобиль алоқа жиддий ҳавф туғдирапкан. Бунга биноан, **Буюк Британияда** болалар учун мўлжалланган телефонларни сотиш тақиқлаб қўйилган. **Францияда** эса болалар учун мўлжалланган уяли телефонларни рекламасини тақиқлаб, 12 ёшдан кичик бўлганларга сотишни тўхтатишган.

Буюк Британия, Германия биофизика институти алоқа антенналари ёки радиолокация станцияси худудида яшаган инсонларнинг саломатлигини текшириб уларнинг соч илдизлари ва тиш эмали бузилганини аниқладилар. **Немис олимлар** текширувлар натижасида уяли телефондан тарқалаётган тўлқин оксил тизимининг бузилишига, турли ўсимталар пайдо бўлишига (кўкрагида тақсан аёлларда қўкрак бези ҳавфли ўсмаси; мия ҳавфли ўсмаси 2 баробар кўпайган), ҳамда рухий тушкунликка олиб келишини аниқладилар.

Норвегия радиациядан муҳофаза қилиш ташқилоти буюртмасига кўра, Ишчи ҳаёт миллий институти ва “СИНТЕФ Юнаймд” томонидан уяли телефонидан фойдаланувчи 11 000 кишидан ўтказилган кузатув натижалари: кунига 30 дақиқадан кўп гаплашганларнинг хотирасига 2 баравар кўп зарар етар экан.

Британия тадқиқотчилари эса алоқа вақтида қулоқчинлардан фойдаланиш ҳавфни 3 бараварга ошириши мумкинлигини билдиришди.

Тадқиқотчилар салбий ҳолатларни ўрганиб қуидагиларга риоя қилишни билдирилар:

- Қўл телефонида 3 дақиқадан ортиқ гаплашмаслик;
- Ҳар бир сұхбатдан кейин камида 15 дақиқа дам олишлик;
- Алоқа (уй) телефонидан қўпроқ фойдаланишлик;
- Кўкрагида тақмаслик;
- Керак бўлмаганды узоқ масофага қўйишлик;
- Кичик ёшдаги болаларга бермаслик (12 ёшгача).

Маиший техника: холодильник, микроволновка, телевизор, кондиционер, компьютер, оргтехника офтобга нисбатан 2 млн. баравар кўп нурланиш берар экан. Булар ҳаммаси асосан юрак-қон томир, эндокрин, иммунитет тизимиға ҳавф туғдиради.

Болаларда “**Компьютер спорт**” натижасида кўз (глаукома, “компьютер кўриш синдроми”), бош мия, юрак-қон томир касаллклари пайдо бўлмоқда.

Оргтехникада (ксерокс, принтер, тонер) ишлаганда ўпка (тонер чанги), буйрак (ксероксда – ксилол, трихлорэтан ажралади), тери касаллклари кўпайиб бориши аниқланмоқда.

Экотизимни унумдорлигини биохархиллик оширади. Бунда ҳар бир тур қанчалик кичик бўлмасин уларни ўрни муҳитмдир. Биохархиллик барча шакллардаги ҳаётларни чидамлилигини таъминлайди. Ҳар хил табиий оғатларда соғлом экотизим яхши қаршилик кўрсатади ҳамда тезда тикланади.

ВОЗ ташқилоти маълумотига кўра ҳар бир инсон саломатлигига ташқи табиий муҳит холати ўртacha 25-30% “улуш” қўшади. Кўп давлатларда, йирик шаҳарларда, саноат марказларда, қишлоқ хўжаликни ривожланиш худудларида экохолатни кучайиши кузатилмоқда: ташқи муҳитни ифлосланиш, экологик тоза сув захираларини ҳамда талаб даражасидаги ичимлик сув билан таъминланишини камайиши ва бу ўз навбатида озиқ-овқатларни сифатини бузилишига олиб келмоқда. Шунинг натижасида аҳоли айниқса болалар ўртасида касалланиш ва ўлим кўпаймоқда.

Ўлим сабабалари ичидаги юрак қон-томир, нафас олиш, овқат хазм қилиш тизими касаллайлар, баҳтсиз ҳодисалар, захарланишлар, жароҳатлар, хавфсиз ўスマЛАР АСОСИЙ ЎРИННИ ТУТАДИ (2010Г.)

Юрак, қон томир туғма нұқсанлари болалар ва ўсмирлар ўртасида ўсиб бормокда.

Ташқи мұхитни канцероген омиллари

Юқоридаги маълумотларга күра ахоли ўртасида хавфли ўスマЛАР КАСАЛЛАНИШ ВА ЎЛИМ САБАБЛАРИ ИЧИДА БИРИНЧИ ҚАТОРЛАРДА ТУРАДИ. АГАРДА 1850Й. АҚШДА 200 йылда касаллайлар ичидеги 1 таси ўлимга олиб келган бўлса, хозирги кунда 5 таси ўлимга олиб келмоқда. Ўсма касаллайларини ривожланишига қўйидаги омиллар сабаб бўлмоқда: кимёвий канцерогенлар, овқатланиш омиллари, ионловчи нурланишлар, генетик (ирсий)омиллар, вируслар, иммунтансислик, ўзгарувчик митотик етишмовчиликлар.

Одам учун канцероген хусусиятларига эга моддалар, махсулотлар, ишлаб чиқариш жараёнлари, майший ва табиат омилларига қўйидагилар киради: 4-Аминодифенил, асбестлар, афлатоксинлар (B1, B2, G 1, G 2), бензидин, бензол, бенз(а)пирен, бериллий ва унинг бирикмалари, бисхлорметил ва хлорметил (техник) эфирлар, винилхлорид, ипирит, кадмий ва унинг бирикмалари, 2-нафтиламин, никель ва унинг бирикмалари ва бошқалар.

“Касал бинолар синдроми”

Хозирги кунда замонавий биноларда 200 турдан ортиқ полимер қурилиш материалларидан фойдаланилмоқда. Эшик, дераза, мебеллар, гиламлар, стеклопластиклар таркибида организм учун зарарли кимёвий моддалар феноформальдегид, формалин, фенол, аммиак, стирол, ацетон, ацетофенон ва бошқалар учрайди. Улар бино ҳавосини ифлослайди ҳамда инсон организмига салбий таъсир кўрсатади: шиллик қаватлар, кўз, бурун, нафас органлари, бош мия, терига. Тураг жой биноларида кун давомида ўртача 10-23 соат мобайнида инсонни бўлиши турли касаллайларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Яъни, тураг жой биноларини, офисларни экологик баҳолаш мавжуд.

Экологик дастурнинг вазифалари:

- атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни соғломлаштириш ишида жамоатчиликнинг иштироқи ҳамда фаоллигини ошириш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қонунчиликни ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга кўмаклашиш;
- атроф табиий муҳит масалаларидаги қонунчилик ва бошқа давлат миқёсидаги қарорларни сўзсиз бажариш ҳамда ушбу мақсадларга йўналтирилган маблағлардан самарали фойдаланиш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш;
- аҳолининг экологик маданиятини ошириш, экологик таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш;
- атроф муҳит муҳофазаси давлатнинг, жамиятнинг ва хар бир фуқоронинг вазифаси бўлишига еришиш;
- табиатни асраш ва экология соҳасида фаолият юритадиган ҳамда экоҳаракатнинг жамоавий иштироқчилари бўлган нодавлат нотижорат ташқилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш.

Экологик омилларнинг тирик организмларга таъсири

Маълум шароитда яшаётган организмларга экологик омиллар турлича таъсир этиши мумкин. Аммо экологик омиллар қанчалик хилма-хил бўлмасин, уларнинг тирик организмларга таъсир этиш характеристи нуқтаи назардан улар учун умумий бўлган қонуниятлар ҳам мавжуд. Организмнинг нормал ривожланиши учун маълум даражада қулай экологик омиллар мажмуи талаб этилади. Хар бир омилнинг организмга таъсир этиш кучи ҳамда қуий ва юқори таъсир этиш чегаралари бўлади. Омилнинг кучли таъсир этувчи кучи оптимум зона деб қаралади ёки оптимум деб аталади. Экологик омил организмга хаддан ташқари кучсиз (минимум) ва кучли (максимум) таъсир этиши мумкин. Шундай қилиб, хар қандай экологик омилнинг оптимум, минимум ва максимум таъсири бўлар экан. Минимум ва максимум чегаралари критик нуқта деб аталади. Критик нуқталардан ортиқ куч таъсирида организм нобуд бўлади.

Омилнинг кучли таъсири этиши, яъни оптимум қонуннинг организмларга таъсирини тушуниб олиш учун ғўза ўсимлигини хаво хароратига бўлган муносабати ва унинг оптимум, минимум ва максимум нуқталари хақида тухтаб ўтамиз. Маълумки, чигитнинг униб чиқиши учун температура 14-16°C бўлиши зарур. Бахорда харорат паст келса, чигитнинг униб чиқиши кечикади. Бизнинг шароитда ғўза нихоллари пайдо бўлган вақтда хаво билан тупроқ температураси секин-аста кўтарилади ва одатда, нормал даражада бўлади. Температура 38°C дан юқори бўлганда, айниқса, нам кам бўлса, ўсимлик қизиб кетади. Температура 1-2°C бўлса, ғўза нихолларини совук уради. Куздаги 3-4°C совук ҳам ғўзани нобуд қилади. Шундай қилиб, ғўза ўсимлигининг вегетатсия давомида минимум нуқтадан хароратни 1-4°C пасайиши уни нобуд бўлишига олиб келади. 14-16°C дан 38°C гача оралиқдаги температура ўсимлик ўсиши учун қулай, ундан юкориси эса, ноқулай хисобланади. Ғўза ўсимлиги учун максимум нуқта 46-47°C деб қараш мумкин.

- Экологик омилларни ўрганиш соҳасида Ю. Либих кўп тажрибалар ўтказади ва 1840 йилда омилларнинг **минимум қонунини** таклиф этган.
- Унинг ёзишича -организмнинг чидамлиги унинг озиқ занжиридаги энг кам миқдорга боғлиқ.
- Ю. Либих экинларнинг ҳосилдорлиги кўпинча улар учун кўп керак бўлган элементлар билан чекланмайди, аксинча, тупроқда кам учрайдиган ва ўсимликлар учун жуда кам миқдорда керак бўлган элементлар билан чекланади.

“Блиц усули”

№	Мавзулар саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1.	Экологик омилларнинг организмга таъсири?			
2.	Мослашиш ва адаптация тушунчаси?			
3.	Экологик омилларнинг тирик организмларга таъсири			
4	Чекловчи омиллар деб қандай омиллар тушунилади?			
5.	Экологик дастурнинг			

	вазифалари		
--	------------	--	--

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқишиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими хисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
“Касал бинолар синдроми”				
Экологик спектр				
Канцироген омиллар				
Экотизм				

Мавзуга оид вазиятли масалалар

Вазиятли масала

Мухит организмнинг физик қобиғи хисобланиб, хар қандай мухит физик, кимёвий ва бошқа омилларнинг мажмуи билан намоён бўлади. Омил тирик организмларга тўғридан-тўғри таъсир этувчи мухитнинг айрим бир таркибий қисмидир. Шундай қилиб, экологик омилни тирик организмлар мослашиш реаксиялари орқали жавоб берадиган хар қандай мухитнинг Жумлани тугалланг.

Вазиятли масала

Экологик омилларни таснифлашда унинг табиати, харорат, нурланиш, босим мухитнинг реакцияси ва бошқалар доимо ўзига хос хусусиятга эга бўлади.

В.В.Алехин (1933) омилларни уч гурухга ажратади: иқлим, эдафик ва биотик. омилларга ажратади.

Вазиятни баҳоланг.

Вазиятли масала

Экологик омилларни таснифлашда унинг табиати, харорат, нурланиш, босим муҳитнинг реакцияси ва бошқалар доимо ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Д.Н. Кашкаров (1950) иқлим, эдафик, орографик, биотик, антропоген ва тарихий омилларга ажратади.

Вазиятни баҳоланг.

Вазиятли масала

Муҳит кенг маънода қаралиб, унинг таркибида фаоллик кўрсатувчи омиллар мавжуд. Омилларни таъсир этувчи ва хаёт шароити учун зарур гурухларга ажратиш мумкин. Таъсир этувчи омиллар тирик организмлар хаётига кучли таъсир этиб, уларнинг хатто ирсий хусусиятлари ёки боиқа кўринишлардаги ўзгаришларини келтириб чиқаради.

Буларга қайси омилларни кўрсатиш мумкин:

3.ТУПРОҚ ГИГИЕНАСИ.

Тупроқнинг тузилиши ва унинг гигиеник аҳамияти

Тупроқ катталиги бир неча микрондан сантиметрларгача бўлган қаттиқ жинслардан ташқил топиб, донадорлиги, сочилиб туриши, ғоваклиги билан сифатланади. Тупроқнинг катталиги 0,1 дан 3 мм гача бўлиши қум тупроқ скелетини ташқил қиласи. Тупроқ таркибида 90% қум, 10% лой бўлса — қумлок, 10—30% бўлса- лой тупроқ дейилади.

Тупроқ структурасининг табиати тупроқдаги сув, хаво, иссиқни ўтказиш ва биологик холатига боғлиқ. Тупроқ иссиқликни ёмон ўтказади, шунга кўра юза қатламларидағи иссиқлик ва совуқлик унинг чуқур қатламларига секин ўтади. Тупроқнинг харорати жойнинг иқлим шароитига, рельефига, офтоб тушишига, ўсимликлар бор йўқлигига, тупроқнинг ранги ва структурасига қараб хар хил бўлади.

Тупроқнинг ғоваклилиги санитария жихатидан катта аҳамиятга эга, у нечоғли ғовак бўлса, яъни тешикларининг хажми катта ва тупроқ заррачалари нечоғли йирик бўлса, тупроқнинг хаво ва сув ўтказувчанлиги шунча юқори бўлади.

Тупроқ микрофлораси жуда хилма хилдир. Тупроқда бактерияларнинг турли хиллари: замбуруглар, спирохеталар, фильтрланувчи вируслар, жумладан бактериофаглар ва хоказолар бўлади. Тупроқ юзида бактериялар сони бирмунча кам бўлади, бу қуёш нурининг бактерицидлик хусусиятига ҳамда тупроқнинг қуришига боғлиқ. 1 см чуқурликдан бошлаб микроорганизмлар сони кескин кўпайиб боради ва 10 см чуқурликда юқори даражага етади. Тупроқда чуқур кириб борилган сари, микроорганизмлар сони камайиб боради. 25 см чуқурликда бактериялар сони 1—2 см чуқурликдагига қараганда 10—20 баробар кам бўлади. Сабаби шуки, тупроқдан сизилиб ўтиш жараёнида бактериялар тупроқнинг юза қатламларида ушланиб қолади, шунингдек тупроқка чуқурроқ тушилган сайин бактерияларга озиқ бўладиган органик моддалар ҳамда кислород миқдори озайиб боради, бу эса аэроб бактериялар учун халокатли хисобланади.

Тупроқнинг ғоваклилиги унинг донадорлигига боғлиқ, тупроқ қанча майдабўлса, ғоваклилиги шунча кам бўлади. Ғовак тупроқ хаво ва сувни сингдирувчанлиги билан фарқланади. Тупроқ хавоси билан атмосфера хавоси орасидаги боғлиқлик гигиеник аҳамиятга эга. Тоза тупроқ таркибида кўп миқдорда углерод (IV)оксид, сув буғи ва кислород бўлади. Ифлосланган тупроқ таркибида O_2 этишмаслиги натижасида аммиак водород ва бошқа газлар йиғилиши мумкин. Чунки ғовак тупроқда биохимик жараёнларнинг аэроб усулда рўёбга чиқиши гигиеник жихатдан бехавотир хисобланади.

Тупроқнинг эпидемиологик аҳамияти

Тупроқ таркибидаги органик бирикмалар микроорганизмлар ёрдамида чиритиш хусусиятига эга. Ер куррасининг бир биридан фарқланувчи барча қитъалари тупроғи таркибида хар хил микроблар бўлиб, уларнинг миқдори 1 г тупроқда юзга, мингга, хатто миллионгача этиши мумкин. Хатто чўл зонасидаги 1 г қумтупроқ таркибида 1 миллионгача микроб бўлиши мумкин. Бактериялар

тупроқда кўпайишига қараб З турга бўлинади: кучли, ўртача, кучсиз. Тупроқда микроорганизмларнинг кўпайиши адсорбцияланган бактерияларнинг организмда чуқур физиологик ўзгаришлар юз бериши билан кечади. Жумладан, бактерияларнинг яшовчанлиги сусаяди. Қора тупроқ ўзида тўпловчилик, қумлоқ тупроқ — кам тўпловчилик хусусиятига эга.

Микроблар фаолиятига механик таъсиридан ташқари тупроқнинг харорати ҳам таъсир этади Аҳоли яшамайдиган жойларда тупроқ сапрофитларга бой бўлади. Спора хосил қилмайдиган патоген микроблар асосан одамлар нажаси, мурдалар, хайвон чиқиндилари, оқава сувлар тушадиган тупроқдарда кўп учрайди. Бундай микроблар тупроқда ўзига қулай шароити топа олмагани туфайли (ноқулай харорат, кам намлик тупроқдаги микроорганизмларнинг антагонистик таъсири ва бошқалар) қирилиб кетади ёки ўзининг вирулентлигини ўзгартиради. Лекин қирилиб кетгунча қулай шароитга тушса, ўзини патогенлик фаолиятини кўрсатиши мумкин. Патоген микроорганизмларнинг тупроқда узок, вақт яшаб, спора хосил қилувчи гурухига қуидирги, ботулизм ва газли гангрена кўзғатувчилари киради. Жарохатланган жойга шу касалликларнинг кўзғатувчилари билан ифлосланган тупроқ тушиши оқибатида касаллик ривожланади. Куйдирги таёқчалари тупроққа шу касаллик билан оғриган хайвонларнинг ажратмалари, ўлимтиклар, шунингдек тери жун заводлари ҳамда жун ювадиган жойлардан чиқадиган оқава сувлардан тушиши мумкин. Куйдирги бактерияларининг споралари тупроқда ўн йиллаб яшайди. Қорамол куйдирги спораси билан ифлосланган ўтларни еганда куйдирги юқиб қолиши мумкин.

Аҳоли яшайдиган жойларни тозалаш

Ер куррасининг устки қатлами тупроқ деб аталади. Тупроқ жуда кўп миқдордаги микроорганизмлар яшайдиган, минерал ҳамда органик заррачалар қўшилмасидан иборат ер кобиғи ғовак ва юза қатламининг унумдор қисмидир. Ташқи муҳитнинг асосий қисми бўлган тупроқ ва унга ёйилиб кетган тоғ жинслари (замин, ер) кишилар соғлигига ва улар хаётининг санитария шароитларига катта таъсир кўрсатади. Ердаги ўсимликларнинг тури, уларнинг

кимёвий таркиби ва ер ости сувларининг кимёвий таркиби тупроқ турига, уларнинг кимёвий таркибига боғлиқ.

Саноат корхоналари, коммунал хўжалик чиқиндилари ҳамда қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган пестицидлар таъсирида ер, сув, хаво муҳити кескин ўзгариши ва бу ўз навбатида олинадиган хосилнинг кимёвий таркиби меъёрини маълум даражада ўзгартиришн мумкин. Атмосферанинг радиоактив моддалар билан ифлосланиши ва унинг ерга тушиши эса янада хавфлидир. Шу нуқтаи назардан инсоният ва кўпчилик тараққий этган давлатлар орасида ташки муҳитни ифлосланишдан сақлаш муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. Тупроқ қатлами ер курраси билан атмосфера ўртасидаги мувозанатни — мураккаб моддалар алмашинуви, энергия ажралишини ҳамда биосферадаги жониворларнинг яшаш тарзи мутаносиблигини сақлаб туради ҳар қандай салбий таъсир ташки муҳит табиийлигига путур етказиши мумкин.

Организмга тупроқ орқали заарли моддаларни тушишини биологик жихатдан қўйидагича ифодалаш мумкин:

1. Одам — тупроқ, (бунда патоген микроблар, гижжа ва унинг тухумларининг организмга тушиши катта хавф туғдиради), бундай шароит шахсий гигиена коидалари қўпол бузилганда кузатилади,

2. Тупроқ — атмосфера хавоси — одам. Бундай хол тупроқнинг юқори даражада органик бирикмалар, атмосфера хавосида радиоактив моддалар, захарли бирикмалар организмга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

3. Тупроқ — ер ости сувлари — одам. Тупроқ таркибидаги тузлар, радиоактив моддаларнинг сув билан ер ости сувларига қўшилиши ва бу сувнинг истеъмол қилиниши касалликка сабаб бўлиши мумкин.

4. Тупроқ — ер ости сувлари — очик сув манбалари — одам.

Катта шахарларда атмосферанинг саноат чиқиндилари билан ифлосланиши, қишлоқ жойларда пестицидларнинг ер ости сувлари орқали ер сатхидаги ичиладиган сув манбаларига қўшилиши ўз салбий таъсирини кўрсатиши мумкин.

5. Тупроқ — очик сув манбалари — одам.

Ёғингарчилик натижасида очик сув манбаларининг ифлосланишидан келиб чиқадиган касалликлар.

6. Тупроқ — очик сув манбалари — балиқ — одам.

Захарли бирикмалар, радиоактив моддалар билан ифлосланган сувдаги баликларни истеъмол қилганда захарланиш мумкин.

7. Тупроқ — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — одам.

Кимёвий таркиби бузилган тупроқда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари истеъмол қилинганда захарланиш мумкин. Пестицидлар, радиоактив моддалар билан заарланган емхашак бериб боқилган хайвонларнинг сути ва гўшти касаллик чақариши мумкин.

Тупроқни ифлослантирувчи манбалар

Тупроқ турли хил омиллар: тоғ жинслари, иқлим, тирик организмлар (ўсимлик ва ҳайвонлар), рельеф, худуд ёши ва инсонларинг фаолияти натижасида ҳосил бўлган муҳим табиат жисми, инъомидир. У асосан емирилган тоғ жинслари —гилдан ва чириндилар — гумусдан иборат. Гумус органик олам қолдигидан, хусусан, ўсимликларнинг микроиганизмлар фаолияти натижасида чиришдан ҳосил бўлади. Тупроқда бундан ташқари, сув ҳаво ва кўплаб тирик организмлар (микроиганизмлар) ҳам бўлади. Тупроқ доимо ўзгариб ва ривожланиб турганлиги туфайли турли хил иқлим шароитида ҳар хил тупроқ турлари учрайди. Масалан, Ҳамдўстлик давлатлари худудида юздан ортиқ тупроқ хили бордир. Тупроқнинг экологик омил сифатида энг муҳим қисми бу тоғ жинсларидан тупроқнинг юзасигача бўлган қаватидир, ўсимлик илдизларининг асосий қисми ана шу зона бўйлаб жойлашган. Тупроқнинг ана шу қисми ва гумус бўлган зона қанча кучли ривожланган болса, ўша ўсимликларнинг илдиз системаси шунчалик чуқур ва энига яхши тарқалади, чунки бу горизонтларда сув ва озуқа моддалар миқдори кўп бўлади. Тупроқ аератсияси ва ҳарорати ўсимликлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, паст ҳароратли тупроқларга нисбатан юқори ҳароратли тупроқларда ўсимлик илдизлари сув ва минерал тузлари кўпроқ ва тез шимиб олади. Чунки паст ҳароратли тупроқларда сувни шимиб оловчи илдиз ва илдиз тукчаларининг ўсиши сусаяди, бу осганлар ҳужайраси ситоплазмасининг сув

ўтказувчанлик хусусияти пасаяди ва натижада, ўсимликларнинг юқорига кўтарилиувчи оқими, яъни сувнинг ўсимлик бўйлаб юқорига кўтарилиши камаяди. Тупроқ таркибида гумус моддаси миқдори кўп бўлса, бу тупроқлар унумдор ҳисобланади. Тупроқда ўсимликлар ва ҳайвонларнинг парчаланишидан қолган қолдиқларидан ташқари яна юқори ўсимликлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳар хил микро ва макроорганизмлар кўплаб учрайди. Ана шу хилдаги организмларни Ю.Одум (1975) қўйидаги гурӯхларга ажратади:

Микробиота — бактериялар, замбуруғлар, тупроқ сув отлари ва содда ҳайвонлар;

Мезобиота — нематодлар, каналар, кичик ҳашарот ва бошқа организмларнинг личинкалари;

Макробиота — ўсимликларнинг илдизлари, йирик ҳашаротлар, ёмғир чувалчанглари. Шулар орасида энг муҳим экологик аҳамиятга эга бўлганлари тупроқдаги хлорофилсиз организмлар (бактериялар, замбуруғлар, актиномитсетлар, инфузориялар, амёбалар, қориноёқлилар ва бошқа) ҳисобланади. Микроорганизмлар кул моддаси ва азот кўп бўлган боғ-роғлар ва шунга ўхшаш маданий тупроқларда жуда кўп миқдорда бўлади. Илдиз ва унинг атрофидаги тупроқлар микроорганизмларга, айниқса бойдир (ризосфера). Микроорганизмлар миқдори фақатгина тупроқ структурасигагина эмас балки ўсимлик турига ҳам боғлиқ. Люпин, беда, себаига, нўхат ва шу каби дуккакли ўсимликлар ризосфераси, айниқса микроорганизмлаирга бой ҳисобланади. Масалан, беда етиштириладиган 1 г тупроқда 50—100 млрд гача бактериялар бўлади (М.А.Красилников, 1958). Ўша муаллифнинг айтишича ғўза илдизида азотобактериялар беда илдизидагига қараганда анча кам бўлади. Лекин унинг илдизида вилт касаллигини қўзғатувчи замбуруғлар (Вертисиллиум даҳлиае, Фусариум фасинфестум) кўп учрайди. Тимофеевка жавдар каби ўсимликлар илдизларида эса диатом сувўтлари, люпин, себаига ризосфераларида яшил сувўтлари, картошка ризосферасида эса кўк яшил сувўтлари яшайди. Ризосфералардаги микроорганизмлар миқдори ўсимликларнинг яшашига ва ривожланиш фазаларига ҳам боғлиқ бўлади. Ёш ўсимликлар гуллаш давридан олдин микроорганизмлар, айниқса, кўп бўлади. Чунки, айнан шу даврда

микроорганизмларнинг ўсишини ва ривожланишини тезлатувчи органик моддалар илдизлар томонидан кўп ҳосил бўлиб туради. Шуни таъкидлаш лозимки, тупроқнинг гумусли қаватида микроорганизмлар кўп бўлади. А.Н.Красилниковнинг ёзишича (1958) тупроқнинг ҳайдаладиган қаватида гектарига 10 тоннага тўғри келадиган бактериялар, замбуруғлар, сув ўтлари, актиномицетлардан ташқил топган тирик масса учрар экан. Бундан ташқари, ҳайдаладиган тупроқларда гектарига тахминан 600—664 минг дона ёмғир чувалчанги тўғри келади (Олимжонов, 1946). Юксак агротехник қоидаларга амал қилинган ерларда эса уларнинг микдори бир тоннагача боради. Уларнинг бир йил давомида овқат ҳазм қилиш тизимидан ўтказган тупроғи гектарига 12 тоннадан 100 тоннагача ёки 7 мм қалинликдаги тупроқни ташқил этади.

Шундай қилиб, юқори ўсимликлар ризосфераси тупроқнинг органик ва минерал бирикмаларини парчалаб турадиган микроорганизмларнинг яшashi учун энг қулай зона ҳисобланар экан. Гумус қаватида кўпинча бактериялар кўп учрайди лекин сувётлари, замбумғлар ва актиномитсетлар ҳам тупроқ ҳосил қилишда муҳим рол ўйнаб, юқори ўсимликлар яшashi учун зарурдир. Уларнинг ҳаммаси тупроқдаги ўсимлик қолдиқларини парчалаб тупроқ унумдорлигини, унинг таркибидаги минерал моддалар микдорини оширади. Тупроқдаги микроорганизмлар сонига тупроқ унумдорлигидан ташқари иқлим шароити ва айниқса, ҳарорат ва намлик катта таъсир кўрсатади. Е.М.Мишустиングни ёзишича (1972) Жанубий ва айниқса, Шимолий районларда ўсимликлар учун оптималь ҳарорат тупроқ ҳароратига қараганда юқори. Ҳароратнинг етишмаслиги (баланликларда) тупроқнинг ҳосил бўлиши жараёнини сусайтиради. Мироорганизмларнинг тупроқдаги ҳолатига намликнинг таъсири айниқса, кучлидир. Чунки тупроқдаги аминокислоталар органик моддаларнинг парчаланган қолдиқлари ҳар хил тузлар микроорганизмлар томонидан фақатгина сувда ериган ҳолда қабул қилинади.

Сув етишмагандаги ҳаттоқи, қурғоқчиликка чидамли микроорганизмлар ҳам яхши кўпаймайди, уларнинг биокимёвий активлиги сусаяди. Тупроқ дала нам сифими 60 % бўлганда микроорганизмлар ҳаёт фаолияти учун энг қулай шароитидир. Ана шундай қулай шароитда тупроқ ҳаво ва сув билан яшаш таъминланган ва

натижада, аммонификатсия ва нитрификатсия жараёнлари интенсив бўлиб туради. Тупроқнинг кислотали ҳолати ҳам микроорганизмлар ривожланиши учун муҳимдир. Нейтрал ва ишқорли тупроқларда бактериялар ва актиномитсетлар, кислотали тупроқларда эса замбуруғлар кўп бўлади. Тупроқ таркибида учрайдиган микроорганизмлар тупроқ хилигагина эмас балки юқорида кўрсатилгандек, турли хил экологик омилларга бевосита боғлиқ. 1 г тупроқда 300 дан 3 млрд гача миооиганизмлар учраши мумкин.

Тупроқ заррачаларининг донадорлиги ҳам ҳайвонлар учун экологик аҳамиятга эга. Баъзи ҳайвонлар тупроқни кавлаб ҳаёт кечиради. Ҳашаротларнинг личинкалари тошлоқли тупроқларда яшай олмайди. Ковлаш хусусиятига эга бўлган пардақанотлилар тухумларини ер ости бўшликларга, кўпчилик чигирткалар ҳам тухумини ғовак тупроққа кўйишга мослашган. Тупроқ остида яшовчи ҳайвонлар учун ёруғлик унча катта аҳамиятга эга эмас. Тупроқнинг чуқур қатламларида ҳарорат ҳам ўзгармайди. Кислороднинг миқдори эса камайиб углерод икки оксиди ортиб боради. Тупроқ намлиги биргина ўсимликлар учун эмас, балки ҳайвонлар учун ҳам аҳамияти катта. Ҳайвонлар орасида ҳам тупроқ қурғоқчилигига чидамсиз турлари учрайди. Уларга ёмғир чувалчанглари ва термитларни кўрсатиш мумкин. Қумли тупроқларда яшовчи ҳайвонлар қумнинг остига тезда кириб кетиш хусусиятга эга. Псаммафил ҳайвонларнинг панжаларида ҳар хил ўсимталар, туклар ёки мугуз пардалар бўлиб, уларнинг юзасини оғирлаштиради ҳамда тупроқ қатламида ҳаракат қилишга, уя қуришга ҳам ёрдам беради. Илонлар, калтакесаклар, баъзи ҳашаротлар кум остида анчагина масофаларга қўчиб юриши мумкин.

Тупроқнинг туз режимига ўсимликларнинг реакцияси. Макро- ва микроэлементларнинг ўсимликлар учун аҳамияти

Тупроқ эритмасидаги макро ва микро элементлари ўсимликларнинг ҳаммаси ҳам бир хилдай қабул қилаолмайди. Тупроқда микроэлементлар жуда кам миқдорда бўлади. Шу сабабли баъзан уларни кимёвий анализ билан ҳам аниқлаш қийин. Шунга қарамасдан ўсимликлар бу хил микроэлементларни тупроқдан олиб ўз танасида сақлаш хусусиятига эга. Масалан, қоқиётдошлар, айиқтовондошлар оиласларига кирувчи ўсимликлар таркибида лития кўпроқ,

астрагал, селен, ел, ғўза баргларида марганец кўп учрайди. Сувдаги сувўтларда йод ва бром кўп учрайди. Масалан, Ламинария ўсимлиги таркибида йоднинг миқдори 0,1—0,5 % учраган ҳолда денгиз сувида эса бу кўрсатгич 0,000005 %га тенг. Карамгуллилар ва соябонгуллилар оиласирига кирувчи ўсимликларда олtingугуртнинг миқдори бошқа оила вакилларига қараганда 5—10 баробар кўпdir. Рух (Виола) бинафша таркибида лавлаги, картошка, пахта таркибида калий, магний, тилоғоч ва шўрадошлар оиласи вакилларида кўпинча сода кўпроқ учрайди. Т.Ф.Морозовнинг (1943) ёзишича дарахтсимон ўсимликлар ўт ўсимликларига қараганда минерал моддаларни 10—15 баробар камроқ қабул қилишади. Дарахт ўсимликлар фосфор ва калийни жуда ҳам талаб этганликлари сабабли улар қишлоқ хўжалиги экинлари ўсмайдиган унумсиз тупроқларда ҳам bemalol яшайверадилар. Бундай ҳолатга, айниқса, қарағай ўта чидамлидир.

У ўсимликларнинг ёши ўтиши билан уларнинг минерал моддаларга бўлган талаби ўзгариб боради. Дарахтсимон ўсимликларда азот ва минерал моддаларга бўлган талаби уларнинг ўсиши даврида кучли бўлса ғалласимон ўсимликларда эса найчалаш ва бошоқ ҳосил бўлиши даврида бўлади. Ем-хашак ўсимликларида бу кўрсаткичга талаб гуллаш ва уллашдан олдин кузатилади.

Тупроқ унумдорлигига нисбатан ўсимликлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Эвтроф ўсимликлар — унумли тупроқларда ўсуви ўсимликлар (ясен, заранг, дуб ва бошқа дарахт ўсимликлар).
2. Олиготрофлар — тупроқ унумдорлигига кам талабчан ўсимликлар. Бу гурухга дарахтлардан оддий қарағай киради.
3. Мезотроф — кам унумли тупроқларда ўсуви ўсимликлар бу гурухга ўтлоқ ва ўрмон зонасиниг ўсимликлари киради.

Ўсимлик учун энг муҳим кимёвий элементлар булар азот, фосфор ва калийдир. Шунинг учун ўсимликларга ўғит берганда комплекс, яъни НПК (азот, фосфор, калий) берилади. Азот ўсимликларда оқсил, нуклеин кислоталари ва хлорофил таркибида кирганлиги сабабли у ҳамма ўсимликлар учун энг керакли муҳим элемент ҳисобланади. Азот етишмаса ўсимликлар барги оч яшил рангда бўлади. Бундан ташқари, ўсимликларни ўсиши ва ривожланишини тезлаштирувчи

ва моддалар алмашуvida актив иштирок этувчи гармонлар таркибида ҳам бўлади. Ўсимликлар учун азотнинг манбайи нитратлар, аммоний тузлари ва азот тўпловчи бактериялар ҳосил қиласидиган биологик азотлардир. Азот етишмагандага ғалласимон ўсимликларда қўйидаги ўзгаришлар бўлади, поялари ингичка, барглар кичик ва дағал, уларнинг ҳужайралари майда ва ҳужайра пўсти қалин бўлади. Ёш барглар оч яшил рангда, бироқ қариган барглар сариқ, қизил рангларга кира бошлайди. Ўсимликтининг ўсиши ва тупланиши жуда суст бўлади. Бу ҳолларда азот бериш тавсия этилади. Азотнинг кўплиги ҳам ўсимликларга заарар келтиради. Яъни азот кўп бўлиб, калий ва фосфор етишмаса ўсимликларда юпқа пўстли катта ва кўп сувли барглари ҳосил бўлади. Бу ўсимликлар баргидага азот концентратсияси кучли бўлиб, бу хил ўсимликлар совуққа чидамсиз ва ҳашаротлар томонидан кўпроқ заарланади. Экиладиган буғдой, арпа, жавдар, сули ва шу каби бошқа дон экинлари азот ўғитларига нисбатан ўртача талабчан бўлади. Азот кўп берилса ўсимликларда гуллаш ва дон етилиши кечикади, ҳосил камаяди. Бироқ маккажўхори, жўхори ва шу каби бошқа хил дон экинларининг гуллаши дон етилиши ва хосилдорлиги азот кўп берилганда тўлишади ва ортади. Азот қандлавлаги баргининг ўсишини тезлаштиrsa ҳам унинг илдиз мевасидаги қанд миқдорини пасайтиради. Фосфор — худди азотдек ўсимликлар учун энг муҳим кимёвий элемент бўлиб, у ҳам нуклеин кислоталар таркибига киради. Ёш меристиматик ҳужайраларда кекса ҳужайраларга қарагандага фосфор кўп бўлади. Бундан ташқари, фосфор модда алмашиниш ва фотосинтез жараёнларида ҳам муҳим рол ўйнайди. Юқори энергияга эга фосфорлар кўпинча АТФда бўлади. Фосфор етишмаса ўсимликларнинг ривожланиши сусаяди. Яъни илдиз, поя ва барглари ривожланмайди. Пояси ингичка, барглари дағал бўлиб, ранги кўк яшил бўлади, антатсион пегментларининг кўплигидан барглари баъзан бронза рангда бўлади. Тупланиш интенсивлиги ва мева берадиган поялари кескин қисқаради. Фосфор кўпинча ўсимликларга экишдан ёки кўчатни ўtkазишдан олдин берилади. Калий, Аммоний ионларидан аминокислоталар ва протеинларни синтез қилишда калийнинг ўрни катта. Фотосинтез жараёни ҳам калий иштирокида бўлиб туради. Калийнинг етишмаслиги натижасида баргларнинг CO_2 ни қабул қилиш жараёни сусаяди. Кўп азот меъёри қанд лавлаги илдизидаги қанд моддасини камайтиrsa,

калий эса кўпайтиради. Калий етишмаслигидан кўпинча ўсимликларнинг остки барглари курий бошлайди, илдиз ва илдиз мевалари яхши ривожланмайди. Масалан, калийнинг кўпайиши билан картошка тугунаги ва ундаги крахмалнинг микдори доимо ошиб боради. Картошкадан ташқари калийга нисбатан талабчан ўсимликлардан қандлавлаги, мева сабзавот (олма, смородина) экинларини ҳам кўрсатиш мумкин. Калий етишмаса кўпчилик ўсимликлар паст ҳароратга нисбатан чидамсиз бўлиб қолишади. Демак, ғалласимон ўсимликларга ва мевали дарахтларга калий етарли берилса, уларнинг таркибида қанд моддасининг кўп тўпланиши натижасида совукқа чидамлилик хусусияти ортади. Калий етишмаса ўсимликларда поялари қисқа, барглари кичик буршайган, кўк яшил ва жигар рангларда бўлади. Калий ўсимликларга азот ва фосфор билан биргаликда ерта баҳорда берилади.

Меристиматик хужайраларнинг ўсиши ривожланиши учун калций зарурдир. Калций етишмаса илдиз яхши ривожланмайди. Тўқималар таркибида калций кўпайиб кетса, ўсимликларнинг магний ва калий элементларини пасайтиради. Калцийга бўлган талабга кўра ўсимликлар қуидаги гуруҳларга бўлинади: 1. **Калциефиллар** — калций кўп бўлган тупроқларда ўсадиган ўсимликлар (бўтакўз, астра, дарахтлардан буқ, тилоғоч, оддий арчалар).

2. **Калциефоблар** — кислотали тупроқда ўсуви ўсимликлар (торф мохлари, чой, каштан). Калцийга нисбатан **индефферент** ўсимликлар (бефарқ ўсимликлар). Булар кислотали тупроқда ҳам, оҳакли тупроқларда ҳам ўсаверади (ландиш). Магний, хлорофил ва рибосомаламинг таркибида киради. У ўсимликларда фосфатламинг актив ҳаракатида иштирок этади. **Натрий**. Натрийнинг кўп бўлиши кўпчилик ўсимликларга зарар келтириши мумкин. Чунки у тўқималарда тўпланиб, калций, магний ва шу каби бошқа катионларнинг ўзлаштирилишини қийинлаштиради. Бироқ шўрхок жойларда ўсуви ўсимликларнинг ўсишини натрий тезлаштиради (қорашибўра, сарсазан).

Тупроқнинг асосий хоссалари

Рус олими Василий Васильевич Докучаев (1846-1903) бутун умрини, тупроқ, ерни ўрганишга бағишилади ва ўта қимматбаҳо маслаҳатларини қолдирди.

Бу тупроқшунос олим, тупроқ пайдо бўлишида уни ҳосил қилувчи она жинс ва комплекс факторларнинг қатнашишини исбот қилиб берди, яъни тупроқ ҳосил бўлишини ва ўсимлик ҳамда ҳайвонат дунёсининг бу жараёнда актив қатнашишини, иқлиминг рўлини, жойнинг рельефини ва ёшини, намлиknинг аҳамиатли эканини, бу факторлар ўзаро бир бирларига таъсир кўрсатиб, тупроқнинг пайдо бўлганини исботлаб берди. Барча тупроқ пайдо қилувчи ёки она жинслар келиб чиқишига кўра қуйидаги группаларга: элювиал, делювиал, элювиал-делювиал, коллювиал, делювиал-коллювиал, солифлюксцион, делювиал-солифлюксцион, аллювиал, кўл-аллювиал, пролювиал, аллювиал-пролювиал, муз ётқизиклари, флювиоглясиал, денгиз ва лёсс жинсларига бўлинади.

Бу жинслар ўзининг ташки кўриниши, белгилари, тузилиши ва шунингдек кимёвий минералогик ва механик таркиби билан фарқланади.

Тупроқнинг физик-механик хоссалари. Тупроқнинг асосий хоссаларига унинг физик, механик ва кимёвий таркиби киради. Физик механик хоссалар, биринчидан тупроқнинг хусусиятларини ўзида акс эттиrsa, иккинчидан тупроқقا ишлов бериш нуқтаи назаридан уни баҳолашда муҳим рол тутади. Бу хоссаларни ўрганиш тупроқقا ишлов беришда қўлланиладиган хилма-хил қуролларни жорий қилишда катта аҳамиятга эга. Тупроқ структуралигини сақлаш учун керакли намлик чегараси унга ишлов бериш ва бошқа муҳим технологик жараёнлар тупроқнинг физик-механик хоссаларига боғлиқдир.

Тупроқнинг физик хоссаларидан асосийлари, бу тупроқнинг солиштирма оғирлигидир. Тупроқнинг солиштирма ва ҳажм оғирлиги ҳамда ғоваклиги унинг умумий физик хоссалари деб юритилади. Тупроқнинг унумдорлигини ошириш, албатта, мана шу умумий физик хоссаларига боғлиқ былади.

Тупроқка сифатли ишлов бериш ҳамда ўсимлик илдизларининг тупроқнинг турли қатламларига кириб бориши, унинг пластиклиги, ёпишқоқлиги, кўпчиши, чўкиши, илашимлиги, қаттиқлиги, солиштирма қаршилиги ва физиковий этилиши каби физик-механик хоссаларига боғлиқ бўлади.

Тупроқдаги рўй берадиган кимёвий ва биокимёвий жараёнлар айниқса сув, ҳаво ва иссиқлик режими тупроқнинг физик хоссаларига боғлиқдир. Тупроқнинг

физик хоссалари ҳам турли жараёнлар ва агротехника шароити таъсирида ўзгариб туради.

Механик таркибининг аҳамияти Механик таркиби тупроқнинг энг муҳим фундаментал хоссалари ва унумдорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, биринчи навбатда унинг агрономик аҳамияти каттадир. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, нам сифими каби хоссалари ҳамда ҳаво-сув, иссиқлик каби режимлари механик таркиби билан бевосита боғлиқ бўлиб, суғориш ва зах қочириш мелиоратсиясида бу кўрсаткичлар муҳим рол ўйнайди.

Турли механик таркибли тупроқлар ҳар хил унумдорликка эга бўлганлигидан ерни ишлаш, ўсимликларни озиқлантириш бўйича турли агротехник тадбирлар олиб борилади. Соз тупроқлар одатда кумоқ ва қумли тупроқларга нисбатан ўсимликлар учун зарур озиқа кул моддаларни кўпроқ сақлайди. Механик таркиби тупроқнинг сингдириш қобилияти, оксидланиш-қайтарилиш шароитларига, ерда чириндининг ва озиқ моддаларнинг тўпланишида ҳам муҳим рол ўйнайди. Механик таркибига кўра ерга ишлов бериш системаси, дала ишларининг муддатлари, ўғитлаш нормаси, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш схемалари кабилар белгиланади.

Тупроқнинг унумдорлиги ҳам унинг асосий хоссаларига киради. Тупроқнинг турли тоғ жинсларидан фарқ қиласидан энг муҳим сифат белгиларидан бири унумдорликдир. қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий воситаси ҳисобланган тупроқнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ҳам, ана шу унумдорлиги билан белгиланади.

Унумдорлик тупроқнинг жуда мураккаб хоссаси сифатида, тупроқда кечадиган кўплаб кимёвий, физиковий ва биологик жараёнларга боғлиқ. Унумдор тупроқ ўсимликларни зарур озиқ моддалар, сув, ҳаво, иссиқлик билан таъмин эта олиш, мўътадил реаксияга эга бўлиши, ҳар хил заарли моддалар сақлаши зарур. Бунинг учун тупроқнинг физик хоссалари ва сув-режимлари, озиқ ва туз режимлари, тупроқда кечадиган биокимёвий, оксидланиш қайтарилиш жараёнлари қулай бўлиши керак.

Тупроқларни маданийлаштириш ва тупроқ унумдорлигининг қайта такрор яратилиши. Инсонлар ердан узоқ муддат фойдаланганда тупроқда кечадиган

табиий жараёнлар, жумладан, тупроқнинг қатор хоссалари ва режимлари ўзгариб, янги маданий тупроқлар пайдо бўлади.

Тупроқ унумдорлигини доим яхши ва юқори ҳолатда сақлаб туриш мақсадида, инсонлар томонидан тупроқ табиий хоссаларининг ўзгартириш жараёнларига тупроқни маданийлаштириш дейилади.

Тупроқларни маданийлаштиришга қаратилган комплекс тадбирлари системаси, экинлардан барқарор ва муттасил юқори ҳосил олишни таъминловчи тупроқ хоссаларини яхшилаш имконини беради. Тупроқларни маданийлаштиришнинг биологик, кимёвий ва физикавий усулларидан фойдаланилади.

Биологик усул тупроқда гумус ва азотнинг кўпроқ тўпланишига имкон берадиган тадбирларни ўз ичига олади. Шу мақсадда кўп йиллик ўтлар экилади ва маҳаллий органик ўғитлардан фойдаланилади.

Кимёвий усул ерга минерал ўғитлар солиш йўли билан тупроқда ўсимликлар учун зарур ва тез ўтадиган озиқ элементлари миқдорини кўпайтириш ҳамда тупроқнинг кимёвий хоссаларини яхшилашга қаратилган.

Физикавий усулларга физик-механикавий ва мелиоратив тадбирлар кўлланиш яъни ерни ишлаш, ҳайдалма қатlamда агрономик жиҳатдан қимматли структура яратиш, тупроқнинг сув-физик, иссиқлик хоссалари ва режимларини яхшилаш сингари тадбирлар киради.

Тупроқнинг кислотали муҳитига ўсимликларнинг муносабатлари

Тупроқ (кислотали, нейтрал, ишқори) эритмаси тупроқдаги микроорганизмлар ҳолатига ва миқдорига ва улар орқали яшил ўсимликларнинг озиқланиш режимига катта таъсир кўрсатади. Тупроқнинг кислотали муҳити (еркин водород ионларининг кўплиги) актив бўлиши мумкин. Шунинг учун тундра ва ўрмон зонасининг тупроқлари кўпинча кислотали эритмага эга, чунки бу ерларда иссиқлик етишмаслиги ва намликтин ортиқчалиги ўсимлик қолдиқлари парчаланаётганда кўпинча кислоталарнинг кўп ажralиб чиқишини таъминлайди. Шимолдан жанубга борган сари тупроқ эритмасининг кислотали муҳити камайиб боради ва иссиқ дашт ва айниқса, Марказий Осиёning чўл

зоналарида кислота камроқ ҳосил бўлади, ҳосил бўлган кислоталар ҳам оҳак ёрдамида нейтраллашади, чунки бу тупроқларда оҳак ҳосил қилувчи жинслар кўп. Шунинг учун ҳам дашт зонасининг тупроғи нейтрал, чўл зонасининг тупроғи эса ишқорли муҳитга эга бўлади. Шундай қилиб юқори концентратсияли водород, алюминий, марганец ионлари ва тупроқ эритмасидаги калций миқдорининг камлиги тупроқнинг кислотали муҳитини таъминлайди. Ана шу кислотали муҳитга нисбатан ўсимликларнинг муносабатлари турлича бўлади.

Масалан, торф моҳи кислота ($\text{pH}=3,5$) муҳитда яхши ўсиб ривожланса, арпа $\text{pH}=6-7$ да яхши ўсади ва ривожланади. pH нинг 4 дан 6 гача- қўтарилишини М.С.Авдонина (1965) маълумотига қараганда унинг ҳосилини 26,4 %га оширади. Вегетатсион идишларда ўборилган тажрибалар шуни кўрсатадики pH ни 4 дан 6,5 қўтарганда баҳорги буғдойнинг умумий массаси 70,6 %га, дони эса 138,6 %га ошган. Лавлаги ва картошка калцийли тупроқни талаб қилса, жавдар ўсимлиги кислотали тупроқларда яхши ўсади. Тупроқ эритмаси муҳитига бўлган муносабатига кўра ўсимликлар қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Ацидофил ўсимликлар — кислотали тупроқда ўсуви индикатор ўсимликлар. Бу гурух ўсимликларга ботқоқликда ўсуви торф моҳи, ботқоқ багулниги (Седум), ботқоқ клукваси (Охекокус аудрипетохис), ўтлоқларда ўсуви белаус, русинка, черникалар ҳам киради.

2. Нейтрал муҳитли тупроқ ўсимликлари. Бу гуруҳга энг муҳим емхашак ўсимликларидан ўтлоқ овсянитсаси, ўтлоқ тимофиевкаси, себарга, тоғ себаргаси, сарик беда (М. фалсафа), Сибир боршевики, зира ва шу кабилар киради.

3. Базофил ўсимликлар — ишқорли муҳитли тупроқ ўсимликлари — индикаторлари. Буларга дашт ва чўл зонасида ўсуви ўсимликлар киради. Чўл минтақасининг қумли тупроқларида **псаммофитлар** деб аталган ўсимликларнинг экологик гуруҳи тарқалган бўлиб, уларга сингренлар, оқ саксовул, қандим, қуёнсуяқ, шувоқлар, қизилчалар, селинлар, илаклар мисол бўла олади.

Псаммофит ўсимликларнинг барглари энсиз, қаттиқ ёки одатда, редуксиялашган, мева ва уруғлари қумда ўрмалаб ёки шамол ёрдамида тарқалади ва шарсимон коринишда бўлади. Тупроқнинг маълум кимёвий элементларга бойлигини кўрсатувчи ўсимликлар — индикатор турлар дейилади. Масалан,

плаун алюминийга бой тупроқларда, астрагал селенли, итқумоқ рухли, шувоқ, оддий қарағай ва маккажүхорилар олtingа бой тупроқларда ўсади. Индифферен ўсимликлар. Буларнинг типик вакили ландиш ўсимлиги ҳисобланади. Бундай ўсимликлар тупроқнинг кислотали ва ишқорли муҳитларида ҳам ўса олади.

Тупроқнинг ифлосланиши ва тозаланиши

Суюқ ва қаттиқ чиқиндилар тупроққа хар хил йўллар билан тушади. Ўтган асрнинг таникли гигиенисти Рубнер «Умуман чиқиндилар ташланадиган табиат яратган жой — бу тупроқдир» деб ёзган эди. Органик чиқиндиларнинг тупроқда кўп миқдорда тушиши тупроқнинг ўз-ўзини заарсизлантириш хусусиятига салбий таъсир кўрсатади. Унинг ифлосланиш даражасини кимёвий, бактериологик ҳамда гельминтологик текширишлар орқали аниқлаш мумкин. Тупроқнинг ифлосланганини кимёвий усулда аниқлашда **И. И. Хлебников тавсия қилган «Санитария сони»**дан фойдаланиш мумкин. Тупроқда тозаланиш жараёни ошган сари гумусдаги азот микдори ортиб боради, шу билан бир қаторда санитария сони ошади. **Санитария сони деб**, тупроқнинг гумус таркибидаги оқсил азоти микдорининг тупроқдаги органик азот микдорига бўлган нисбатига айтилади. Жуда ифлосланган тупроқда санитария сони 0,70 дан кам, ўртача ифлосланган тупроқда — 0,85—0,86, деярли тоза тупроқда — 0,98 бўлади.

Тупроқнинг ифлосланганини ундаги бактериялар сони ҳамда ичак таёкчаси титрини аниқлаш усули билан ифодалаш мумкин. Жуда ифлосланган тупроқнинг колититри 0,001 ва ундан паст, тоза — ифлосланмаган тупроқнинг кислотагача оксидланади. Шунинг учун ҳам тупроқ таркибидаги нитрит унинг органик бирикмалар билан яқин орада ифлосланганини, нитрат эса тупроқнинг ифлосланганига анча бўлганини ифодалаш билан бирга уни ифлослардан холи бўлганини билдиради.

Тупроқдаги узоқ муддатли мураккаб жараёнлар давомида тупроқда тушган органик моддалар микроорганизмлар таъсирида парчаланиб, сув, углерод (IV) оксид, минерал тузлар ва гумусга айланади, патоген микроорганизмлар эса ўлиб кетади. Гумус аста секин парчаланиб, ўсимликларга зарур бўлган озиқ

моддаларни беради. Гумус органик моддалар бўлишига қарамай, чиримайди, қўланса хид чиқармайди, пашшалар қўнмайди (таркибидаги патоген микроблар бундан мустасно). Тупроқ кўпгина захарли бирикмалардан ҳам табиий тозаланиш хусусиятига эга. Захарли бирикмалар тупроқда сингиб, микроорганизм ҳамда хаводаги кислород таъсирида оксидланиб, зарарсиз бирикмаларгача парчаланади.

Тупроқнинг ўз-ўзидан тозаланиши унинг аэрациясига боғлиқ. Йирик донадор тупроқлар (қумли, қумлок)да сув ва хаво яхши сингади. Шунинг учун улар курук, бўлади, яъни аерацияланади ва ўз-ўзидан тозаланади. Майда, донадор тупроқ (лойтупроқ,, торфли тупроқ) ғоваклари тор ва сув ҳамда хавони ёмон ўтказганлиги учун ўз-ўзидан жуда секин тозаланади. Ерни хайдаш ёки шудгор қилиш натижасида ўз- ўзидан тозаланишни тезлаштиради. Ерга органик чиқиндилар кўп солиб юборилганда ўз-ўзидан тозаланиш секинлашади. Бунда анаэроб чириган микрофлораларнинг ривожланиши учун шароит вужудга келади ва тўлиқ парчаланиб улгурмаган органик моддалар сасиб, атмосфера хавосини ифлослантиради. Қаттиқ ва суюқ чиқиндиларни йўқотиш ва зарарсизлантириш учун тупроқнинг табиий тозаланиш хусусиятига тўсқинлик қилмаслик керак.

Республикада тупроқ ва ўғитлар таркибидаги табиий радионуклеидларнинг вақтинча рухсат этилган меъёрлари ишлаб чиқилган ва у Ўзбекистон Республикасида чиқарилган 0029—94 рақамили санитария қоида ва меъёрларида ўз ифодасини топган.

Коли-титр—1,0 ва ундан юқори бўлади. Тоза тупроқда гижжа тухумлари бўлмаслиги керак.

Тупроқда ўз-ўзини тозалаш жараёни

Ҳар куни, ҳар соатда тупроққа тушадиган кўп микдордаги чиқинди- ахлатлар, уларнинг таркибидаги микроблар, вируслар, гижжа тухумлари, органик моддаларнинг чириши инсон ҳаётини аллақачонлар тугатиши ёки чираб бўлмайдиган аҳволга солиб қўйиши мумкин эди. Фақат тупроқда бўладиган жуда кучли ўз-ўзини тозалаш биологик жараёни туфайли бундай фалокатли, ҳавфли

ҳолатларнинг олди олинади. Унинг устига одамларнинг ўзлари ҳам заарли чиқиндиларни заарсиз ҳолатга келтириш технологияларини борган сари такомиллаштирмоқдалар, кўплаб чиқинди турларидан ҳалқ хўжалигида фойдаланиш мумкинлиги тасдиқланмоқда.

Тупроқда табиий ҳолатларда кечадиган жараён санитария ва эпидемиология нуқтаи-назаридан асосий ва ўта зарур жараёндир.

Ўз-ўзини тозалаш жараёнида:

- органик моддалар минераллашади ва охир пировардида минерал тузларга айланади;
- патогенли бактериялар, айниқса ичак бактериялари гурухи ва энтеровируслар ўлади;
- гижжа тухумлари яшаш қобилиятини йўқотади, сўнгра ўлади.

Ўз-ўзини тозалаш жараёни жуда мураккаб бўлиб, бу кўп жихатдан тупроқ структура тузилишига боғлиқдир.

Тупроқ нормал ҳолатда майда юмалоқ доначалардан иборат, катта кичикилиги 2-10 ммк бўлиб, ораларида бўшлиқ ғоваклар мавжуд, улар тупроқ доначаларини ҳаво билан таъминлайди, тупроқни шамоллашига ва нормаллашувига ёрдам беради, бу эса ўз навбатида, тупроқда кечадиган жараёнларни жадаллаштиришга имкон туғдиради. Тупроқ доначалари ўз атрофидан биологик парда билан ўралади, бу парда фильтрлаш жараёнида ўзига ерийдиган ва қалқийдиган моддаларни, шулар билан бирга бактерияларни шимади.

Тупроқда органик моддаларнинг парчаланиши икки босқичда ўтади: олдин моддаларнинг минераллашуви юз беради, кейин эса нитрификатсия босқичларини ўтади.

Минераллашув жараёни ҳаво қатнашган аэроб шароитда ёки ҳавосиз анаэроб шароитда ҳам кечиши мумкин. Спораси бўлмаган, ачитиш жараёнида қатнашадиган микроблар тупроқ доначаларидаги биологик пардада сўрилган органик моддаларнинг таъсирида анаэроб шароитда парчалана бошлайди.

Органик моддаларни парчаланишида тупроқдаги кўпчилик бир хужайралилар,чувалчанглар, моғорлар, хашаротларнинг тухумдан чиқкан қуртлари ҳам қатнашади. Натижада: а) карбонсувлар - сув ва карбонат ангидридга

парчаланади. б) ёғлар-олдин ёғ кислоталарига, глицеринга, сўнгра улар сувга ва карбонат ангидридга парчаланади. в) протеолитик жараёнлар ёрдамида оқсил моддалари аминокислоталарга ва аммиакка айланадилар. г) оқсил таркибидаги олтингугурт сероводородга айланади.

Анаэроб жараёнда парчаланаётган органик моддалар ўзларидан жуда сассиқ газлар: аммиак, сероводород, меркаптан моддалари билан ташқи ҳавони ифлослантиради. Аэроб шароитда оксидланиш жараёни устун туради, қўланса хидли газлар ажралмайди. Лекин бу жараёнлар билан тупроқнинг ўз-ўзини тозалashi тамом бўлмайди, жараённинг иккинчи босқичи, яъни нитрификатсия жараёни бошланади. Азот моддасини ушловчи бирикмалар учун нитрификатсия жараёни катта аҳамиятга эга. Азот ушловчи бирикмаларнинг ушбу фазасида С.Н.Виноградов томонидан топилган аэроб микроблари фаол иштирок этади.

Оксидланиш жараёни ёрдамида:

- а) водород сульфит-сульфат кислотаси ва сульфат кислота тузларига (сульфатларга) айланади;
- б) карбон кислотаси карбонат кислотаси тузларига (карбонатларга) айланади;
- в) фосфор эса фосфор кислотасига ва фосфор кислота тузларига (фосфатларга) айланади.

Текширишлар кўрсатадики, органик моддаларнинг парчаланиши билан бир қаторда, тупроқда синтез қилиш жараёнлари ҳам давом этади, натижада гумус моддаси пайдо бўлади. Бу модданинг қишлоқ хўжалик ва гигиеник аҳамияти жуда катта.

Гумус қорамтири органик моддаларга бой, мураккаб кимёвий таркибга эга бўлган бирикмадир. Гумус таркибида гумин-, фульвокислотаси, лигнинлар, протеинлар, карбон сувлар, ёғлар, органик кислоталар ва бошқа карбонат моддалар бор. Гумус ўсимлик озуқасига айланади, гумусда азот моддаси кўп бўлишига қарамай, ёмон ҳидлар чиқармайди, пашшаларни ўзига тортмайди.

Органик азот, аммиак, органик карбон, нитритлар, хлоридлар ва саноат корхоналарининг бошқа чиқиндилари тупроқни кимёвий моддалар билан ифлослайди. Кимёвий кўрсаткичлар қаторига санитария сони деган кўрсаткич киритилади. Тупроқ ўз-ўзидан тозаланиши яхшиланиб борса, у ҳолда санитария

сони юқорилашиб “1” га этиб боради, тупроқ жуда ифлосланса, унда бу кўрсаткич 0,70 га тенг бўлади (Н.И.Хлебников, 1968 й).

Маълум бўлишича, тупроқдаги ичак таёқчалари тахминан бир йилдан кейин ўлади, улар миқдорининг тупроқда ортиши тупрокни янги ифлосланганидан дарак беради.

Санитария сони - бу тупроқдаги оқсил азот миқдорининг органик азотнинг миқдорига нисбати.

Тупроқда органик чиқиндиларнинг тозаланиши қуидагича кечади:

1.Органик бирикмалар минерализацияга учрайди ва минерал тузларга айланади.

2 Ичак гурухига кирувчи патоген микроблар ўлади.

3.Гижжа тухумлари яшаш қобилиятини йўқотади ва ўлади.


Тупроқни бундай табиий усулда гижжа тухумидан тозалаш катта аҳамиятга эга. Тупроқда органик бирикмаларнинг парчаланиши икки босқичда содир бўлади (олдин минерализация, сўнг нитрификация). Тупроқда органик бирикмаларнинг минерализацияга учраши икки хил шароитда: етарли даражада кислород бўлганда ҳамда анаэроб шароитда кечади. Бундай биохимик ўзгаришлар жараёнида қуидагилар содир бўлади:

а) углеводлар сувга ва карбонат кислотага парчаланади;

б) ёғлар глицерин, ёғ кислоталарига ва булар ўз навбатида сувларга ва карбонат кислотага парчаланади.

С.Н.Виноградовский таълимоти бўйича нитрификация икки босқичда кечади. Биринчи босқичда кислород етарли бўлганда нитрозобактериялар таъсирида кислород иштирокида аммиак нитрит кислоталаргача оксидланади. Иккинчи босқичда нитробактериялар, таъсирида нитрат кислота нитрит кислотагача оксидланади. Шунинг учун ҳам тупроқ таркибидаги нитрит унинг органик бирикмалар билан яқин орада ифлосланганини, нитрат эса тупроқнинг ифлосланганига анча бўлганини ифодалаш билан бирга уни ифлосликлардан холи бўлганини билдиради.

Тупроқдаги узоқ муддатли мураккаб жараёнлар давомида тупроқга тушган органик моддалар микроорганизмлар таъсирида парчаланиб, сув, углерод (IV) оксид, минерал тузлар ва гумусга айланади, патоген микроорганизмлар эса ўлиб кетади. Гумус аста-секин парчаланиб, ўсимликларга зарур бўлган озиқ моддаларни беради. Гумус органик моддалар бўлишига қарамай, чиримайди, кўланса хид чиқармайди, пашшалар қўнмайди (таркибидаги патоген микроблар бундан мустасно). Тупроқ кўпгина захарли бирикмалардан ҳам табиий тозаланиш хусусиятига эга. Захарли бирикмалар тупроқда сингиб, микроорганизм ҳамда хаводаги кислород таъсирида оксидланиб, зарарсиз бирикмаларгача парчаланади.



**Табиий тоза тупроқ таркибидаги микроэлементлар миқдори
(мг/кг хисобида)**

№	Элемент	Мг/кг
1	Йод	5.0
2	Марганец	850
3	Кобальт	8.0
4	Мис	20
5	Молибден	3.0
6	Бор	10
7	Стронций	350

8	Фтор	200
9	Рух	50

**Табиий тоза тупроқ таркибидаги элементлар миқдори
(% хисобида)**

№	Элемент	%
1	Кислород	49.13
2	Кремний	26
3	Темир	4.2
4	Кальций	3.2
5	Натрий	2.4
6	Калий	2.35
7	Углерод	0.35
8	Хлор	0.2

Тупроқ таркибидаги анорганик кимёвий моддаларнинг йўл қўйса бўладиган миқдори (ПДК)

№	Элемент	ПДК мг/кг
1	Симоб	2.1
2	Хром	0.05
3	Кўрғошин	20
4	Марганец	1500
5	Ваннадий	150
6	Маргумуш	45
7	Суперфосфат	200

Тупроқ хавоси таркибини чуқурлигига қараб ўзгариши

Тупроқ чуқурлиги (м)	Тупроқ хавоси таркибидаги миқдори (%)	
	Кислород	Карбонат ангидрид CO_2
0.2	20	0.6-0.8
1	19.2	0.9-1.0
2	16-19	2.9-3
3	15.7-16.8	4.1-5.6
6	14.5-15	4.2-8

Санитария (Хлебников) сони деб, тупроқнинг гумус таркибидаги оқсил азоти миқдорининг тупроқдаги органик азот миқдорига бўлган нисбатига айтилади.

Ифлосланиш даражаси	Санитария сони
Тоза тупроқ	0.98
Ўртacha ифлосланган тупроқ	0.85-0.86

Жуда ифлосланган тупрок	0.70
-------------------------	------

Изоҳ: Тупроқнинг ўз-ўзидан тозаланиши хисобига гумус азоти кўпайиб боради ва бу кўрсаткич 1 га яқинлашади

Тупроқдаги гельминт тухумларининг миқдори

Тупрок	Гельминт тухумлари сони
Тоза	0
Оз ифлосланган	10 тагача
Ифлосланган	11 тадан -100 тагача
Ўта ифлосланган	100 тадан юқори

Патоген микробларни тупроқда яшаш муддатлари (кун хисобида)

Инфекция чакиравчиси	Чиқинди тури	Микробни яшаш муддати
Холера вибриони	Ахлатда	20-210
	Оқава сувда	2-15
Корин тифи (Брюшной тиф) таёқчаси	Ахлат чуқурликларида	30-150
	Оқава сувда	6
	Ошхона чиқиндиларида	4
Паратиф	Ошхона чиқиндиларида	24
Дизентерия таёқчаси	Ошхона чиқиндиларида	5
Туберкулёз микобактерияси	Балғамда	120-200
Сибир яраси таёқчаси	Хона чиқиндиларида	80
Полиомиелит (Шол)	Тупроқда	70-130

“Блиц усули”

<u>№</u>	<u>Мавзулар саволи</u>	<u>Биламан</u>	<u>Билишни хоҳлайман</u>	<u>Билдим</u>
1.	Тупроқнинг юза қаватида қандай жараёнлар кечади?			
2.	Тупроқнинг фильтрация зонасида кетадиган жараёнлар.			
3.	Тупроқнинг қандай хоссалари бор?			
4	Тупроқ қандай гигиеник аҳамиятга эга?			
5.	Тупроқнинг ифлосланиши.			

6.	Тупроқни ифлослантирувчи, касаллик күзгатувчи микрофлора кандай гурухларга ажратиласы			
----	---	--	--	--

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқишиң ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими хисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – менинди ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Сув эрозияси				
Тупроқ эрозияси				
Микробиота				
Мезобиота				
Макробиота				

Мавзуга оид вазиятли масалалар

1-вазиятли масала

Тупроқ турли таъсирлар натижасида тез бузиладиган ва амалда деярли тикланмайдиган табиий ресурслардир. Ҳисобларга кўра 20 см қалинликдаги тупроқ қатламиининг ҳосил бўлиши учун 400-700 йил керак. Чунки тахминан 100 йилда атиги 0,1-0,2 см тупроқ қатлами ҳосил бўлади. Бундай қатламни сув эрозияси 5-10 йилдаёқ ювиб кетиши мумкин.

Вазиятни баҳоланг.

2-азиятли масала

Мутахассисларнинг баҳолашларича, мамлакатимиздаги ҳайдаладиган ерларнинг 100 фоизига яқини азот билан ўғитланиши лозим. Чунки ортиқча азот бериш фойдали. Азот ўғит билан нитрит, аммиак ва амин формасида ерга тушади.

Вазиятни баҳоланг.

3-вазиятли масала

Фосфорли ўғитларнинг ўзига хос хусусиятидан бири, уларнинг таркибида фтор аралашмалари, радиоактив элементлардан уран, радий ва стронцийнинг борлигидир. Тупроқка 3 с суперфосфат билан бирга 1,5-10 кг гача стронций ҳам келиб тушиши мумкин (Ж.Сатторов, 1980).

Вазиятни баҳоланг.

4-вазиятли масала

Тупроқда фторнинг ниҳоятда кўпайиб кетиши унинг ўз-ўзидан тозаланиш хусусиятини пасайтиради. Ўсимликларда модда алмашинуви яхшиланади, баргларнинг нафас олиши, фотосинтез жараёнининг тезлиги ортади. Ҳайвонларда флюороз ва кариес касаллиги юзага келади. Фторнинг кўпайиши одамлар саломатлигига ҳам катта таъсир этади.

1. Вазиятни баҳоланг.

2. Сизнинг тавсиянгиз.

5-вазиятли масала

Тупроқда ўз-ўзини тозалаш жараёнида:

-органик моддалар минераллашмайади ва охир пировардида органик тузларга айланади;

-патогенли бактериялар, айниқса ичак бактериялари гурухи ва энтеровируслар кўпаяди;

-гижжа тухумлари яшаш қобилиятини ортиб боради.

1. Вазиятни баҳоланг.

2. Сизнинг тавсиянгиз.

6-вазиятли масала

Тупроқ нормал ҳолатда йирик узунчоқ доначалардан иборат, катта кичиклиги 20-30 ммк бўлиб, ораларида зич мавжуд, улар тупроқ доначаларини ёпишиб, ҳавосиз бўлиши керак, тупроқни шамоллашига йўл қўймаслик керак, бу

эса ўз навбатида, тупроқда кечадиган жараёнларни жадаллаштиришга имкон туғдиради.

1. Вазиятни баҳоланг.
2. Сизнинг тавсиянгиз.

7-вазиятли масала

Тупроқда органик моддаларнинг парчаланиши икки босқичда ўтади: олдин моддаларнинг нитрификатсияси юз беради, кейин эса минераллашуви босқичларини ўтади.

1. Вазиятни баҳоланг.
2. Сизнинг тавсиянгиз.

8-вазиятли масала

Оксидланиш жараёни ёрдамида:

- а) карбон кислотаси сулфат кислотасига ва сулфат кислота тузларига (сулфатларга) айланади;
- б) фосфор карбонат кислотаси тузларига (карбонатларга) айланади;
- в) водород сулфит эса фосфор кислотасига ва фосфор кислота тузларига (фосфатларга) айланади.

1. Вазиятни баҳоланг.
2. Сизнинг тавсиянгиз.

Мавзууни мустаҳкамлаш учун тестлар

1. «Тупроқ-бизнинг энг қимматли капиталимиз” деб ким айтган?
А. Ж.Дорст Б. И.Т.Фролов
В. И.Т.Фомин Г. В.С.Фёдоров
2. 10 см қалинликдаги тупроқ қатламининг ҳосил бўлиши учун неча йил керак бўлади ?
А. 1400-1700 йил Б. 1800-1900 йил
В. 1200-1300 йил Г. 1000-1100 йил
3. Хайдаладиган ерларнинг неча фоизи **азот** билан ўғитланиши лозим.?
А. 90 % Б. 80 %
В. 98 % Г. 70 %
4. Азот ўғит билан қандай ерга тушади?

А. нитрат, аммоний ва амид формасида Б. нитрат

В. аммоний Г. амид формасида.

5. Тупроқ эрозияси неча хил бўлади ?

А. шамол ва сув эрозияси. Б. Хаво ва буғ эрозияси

В. намлик ва иссиқлик эрозияси. Г. Музлик ва гейзер эрозияси

6. Ю.Одум (1975) тапроқдаги микро- ва макроорганизмларни қандай гурухларга ажратган?

А. Микробиота, мезобиота, макробиота. Б. Монобиота, макробиота, мезобиота

В. фитобиота, мезобиота, микробиота Г. Дермосиота, макробиота, микробиота

7. Микробиота нима ?

А. бактериялар, замбуруғлар, тупроқ сувўтлари ва содда ҳайвонлар;

Б. нематодлар, каналар, кичик ҳашарот ва бошқа организмларнинг личинкалари;

В. ўсимликларнинг илдизлари, йирик ҳашаротлар, ёмғир чувалчанглари.

Г. Замбуруғлар, нематодлар, ёмғир чувалчанглари.

8. Мезобиота нима ?

А. нематодлар, каналар, кичик ҳашарот ва бошқа организмларнинг личинкалари

Б. ўсимликларнинг илдизлари, йирик ҳашаротлар, ёмғир чувалчанглари.

В. замбуруғлар, нематодлар, ёмғир чувалчанглари.

Г. бактериялар, замбуруғлар, тупроқ сувўтлари ва содда ҳайвонлар

9. Макробиота нима ?

А. ўсимликларнинг илдизлари, йирик ҳашаротлар, ёмғир чувалчанглари.

Б. бактериялар, замбуруғлар, тупроқ сувўтлари ва содда ҳайвонлар;

В. нематодлар, каналар, кичик ҳашарот ва бошқа организмларнинг личинкалари;

Г. Замбуруғлар, нематодлар, ёмғир чувалчанглари.

10. Ризосфера нима ?

А. Илдиз ва унинг атрофидаги микроорганизмларга бой бўлган тупроқ муҳити.

Б. микроорганизмларга бой бўлган хаво муҳити

В. микроорганизмларга бой бўлган сув муҳити

Г. микроорганизмларга бой бўлган тош муҳити

“Тупроқ ўз-ўзини тозалаш жараёнининг аҳамияти, тупроқ муҳофазаси”

бүйича тестлар

1. Ўз-ўзини тозалаш жараёнида қайси жараён содир бўлмайди ?

- А. органик моддалар минераллашади ва охир пировардида минерал тузларга айланади;

Б. патогенли бактериялар, айниқса ичак бактериялари гурухи ва энтерровируслар ўлади;

В. гижжа тухумлари яшаш қобилиятини йўқотади, сўнгра ўлади.

Г. Энтерровируслар, гижжа тухумлари купаяди.

2. Тупроқ нормал ҳолатда майда юмалоқ доначаларининг ўлчами қандай?

2. Тупроқ нормал ҳолатда майда юмалоқ доначаларининг ўлчами қандай?

3. Тупрокда органик моддаларнинг парчаланиши қандай босқичларда ўтади?

- А. моддаларнинг минераллашуви, нитрификация
 - Б. моддаларнинг мослашуви, шимилиши
 - В. моддаларнинг ғоваклашуви, сочилиши
 - Г. Моддаларнинг жиплашуви, бирикиши.

4. Органик моддаларни парчаланиши натихасида нима содир бўлмайди?

- А. сероводород таркибидаги олтингугурт оқсилга айланади.
 - Б. карбон сувлар-сувга ва карбонат ангидридга парчаланади.
 - В. ёғлар-олдин ёғ кислоталарига, глициринга, сўнгра улар сувга ва карбонат ангидридга парчаланади.
 - Г. оқсил моддалари аминокислоталарга ва аммиакка айланадилар.

4. Анаэроб жараёнда парчаланаётган органик моддалар ўзларидан қандай газлар чиқаради?

- А. аммиак, сероводород, меркаптан Б. Метан, бутан, зарин
В. этан, заман, бутан Г. Пропан, метан, этан

5. Тупроқнинг ўз-ўзини тозалаш жараённинг иккинчи босқичида нима содир бўлмайди ?

- А. Фосфатлар фосфорга, карбонатлар карбон кислотасига айланади

Б. водород сулфит сулфат кислотасига ва сулфат кислота тузларига (сулфатларга) айланади;

В. карбон кислотаси карбонат кислотаси тузларига (карбонатларга) айланади;

Г. фосфор эса фосфор кислотасига ва фосфор кислота тузларига (фосфатларга) айланади.

6. Гумус таркибига нималар киради ?

А. гумин-, фульвокислотаси, лигнинлар, протеинлар, карбон сувлар, ёғлар, органик кислоталар ва бошқа карбонат моддалар

Б. Метан, карбон сувлар, ёғлар, бутан, зарин

В. этан, гумин-, фульвокислотаси, заман, бутан

Г. Пропан, лигнинлар, протеинлар, метан, этан,

7. Н.И.Хлебников бўйича тоза тупроқнинг санитария сони нечага тенг ?

8. Санитария сони нима ?

А. бу тупроқдаги оқсил азот миқдорининг органик азотнинг миқдорига нисбати.

Б. бу тупроқдаги органик азотнинг миқдорининг оқсил азот миқдорига нисбати

В. бу тупроқдаги азот миқдорининг оқсил миқдорига нисбати

Г. бу тупроқдаги органик моддаларнинг оқсил моддаларга нисбати

9. Тупроқнинг неча см чукурлигига гижжа тухумлари қуёш нуридан, тупроқнинг қуришидан сақланиб ўз ҳаётини 1 йилгача ва ундан ортиқ сақлаб қолади?

B. 15 - 20 см Г. 1 - 2 см

10. Тупроқ унумдорлигига нисбатан ўсимликлар қандай гурухлаига бўлинади ?

А. Автороф, Олиготрофлар, Мезотроф

Б. Меготроф, Автороф, Олиготрофлар

В. Геготроф, Олиготрофлар, Автороф

Г. Олиготрофлар, Гетеротроф, Олиготрофлар

Амалий машғулотда қўлланиладиган инновацион технология усули.

«Мияга хужум»

1. Мавзуни аниқлаш:
2. Саволларни танлаш:
3. Қатнашчиларга вазифани тушунтириш.

Қатнашчилар қисқа муддат ичида (10 минут ичида) максимал хисобида билим ва мулохазаларни айтиш.

4. Котибни сайлаб олиш: бу талаба, доскага ёзиб боради, Хеч кандай манфий баҳолаш бўлмайди. Гурух сифат учун эмас, балки миқдор учун ишлайди. Берилган варақда тартиб узунроқ бўлса, яхшироқ.

Масалан: саволга жавоб:

Жавобни ёзиш:

5. «Мияга хужум» давомилиги 5 минутдан 10 минутгача.
6. Тахлил ва баҳолаш киска танаффусдан кейин.

4. Сув саломатлик омили

Ичимлик суви эпидемиологик нуқтаи-назардан саломатлик учун хавфсиз бўлиши керак, кимёвий таркиби бўйича заарсиз бўлсин, органолептик хусусиятлари бўйича ёқимли ва радиацион хавфсизлик ҳолатида бўлиши керак. Бу талабларнинг бажарилиши ЎзР ССВ-гининг 950-2011 Давлат Стандарти «Ичимлик суви. Сифатига бўлган гигиеник талаблар ва унинг назорати» қоидаларига жавоб бергандагина эришилади.

Давлат стандарти иккита асосий бўлимдан ташқил топган: «Сувнинг сифат кўрсаткичларини нормативлари ва уни назорат қилиш усуллари» ва «Хўжалик-ичимлик сув таъминоти марказлашган тизимида сув сифатининг назорати».

Ичимлик сувининг сифат кўрсаткичлари ўз таркибига қўйидагиларни олади:

- 1.Микробиологик кўрсаткичлар: умумий микроблар сони, коли-индекс, эшериҳиялар, колифаглар.
- 2.Паразитологик кўрсаткичлар: оддий патогенлар ва гельминт тухумлари
- 3.Токсикологик кўрсаткичлар: РЭК бўйича:
 - а) анорганик компонентлар (15 та),
 - б) органик моддаларнинг компонентлари (4 та ном)
- 4.Органолептик кўрсаткичлар ва компонентлар учун РЭК, чунки бу

компонентлар сувнинг органолептик хусусиятларига таъсир кўрсатади (17 та кўрсаткич)

4. Радиоактив ифлосланиш кўрсаткичлари – альфа ва бета активлик бўйича

. Сув манбаларидаги сувнинг 950-2011 Давлат Стандарти талабларига тўлиқ жавоб бериши барча очиқ сув манбалари ва ҳаттохи ер ости сув манбаларидаги сувлар учун ҳам характерли эмас. Шунинг учун марказлашган сув таъминоти манбаларидаги сувни тозалашдан ўтказилгандан сўнггина истеъмолчиларга узатилишини назарда тутади. Сувни тозалаш усулини танлаш ва тозалашнинг зарур бўладиган ҳажмлари манбадаги сувнинг сифатига яъни сув манбанинг синфиға боғлиқ бўлади.

951-2011 Давлат Стандартига мувофиқ сувни тозалаш, 1-синфга кирувчи ер ости сувлари учунгина талаб этилмайди. Қолган барча ҳолатларда сувни сувни тозалаш усуслари ва иш ҳажми манбадаги сувнинг бирламчи сифатига боғлиқ яъни у 951-2011 Давлат Стандартида тўлиқ таърифланган.

Сувнинг физикавий хоссаларига унинг харорати ва тиниқлиги киради. Сув харорати термометрлар ёрдамида бевосита намуна олиш вақтида аниқланиб, кузатув хатига ёзилади. Ичимлик сувнинг харорати 7-12°C бўлиши керак.

Сувнинг лойқалиги унинг таркибидаги муаллақ моддаларнинг микдорига боғлиқ ва мг/л да ифодаланади. Давлат Стандарти 950-2011 бўйича лойқалик - 1,5 мг/л дан ошмаслиги керак. Агар бундан ошса, сувнинг тиниқлиги пасаяди, шунинг учун сувнинг лойқалиги ҳақида тиниқлик кўрсаткичи билан баҳоланади. Сувнинг тиниқлиги - бу туби тиник бўлган цилиндрга солинган сув бўлиб, унинг тагига қўйилган шрифтни ўқиш мумкин бўлган сув устунининг баландлигидир (машинкада аниқ ёзилган харфлар ёки сонлар). Сувнинг тиниқлигини аниқлаш учун текширилувчи сув маҳсус цилиндар (маҳсус сув тўкиш жумраги бўлган Снеллен цилиндри)га сув солинади. Цилинтри тубига 2,5-4 см масофада шрифт қўйилади ва цилиндар юқорисидан сув устуни орқали шрифтни ўқилади. Агар харф ёки рақамлар ўқилмаса жумрак орқали харфлар кўрингунча сув тўкилади. Чизғич ёрдамида цилиндрдаги сув устуни ўлчанади ва бу сувнинг тиниқлиги бўлади. Сифатли ичимлик суви учун сувнинг тиниқлиги 30 см дан кам бўлмаслиги керак.

Сувнинг органолептик хоссаларига, ҳиди, таъми, ранглилиги киради. Сувнинг ҳиди 20°С хароратда, зарурият бўлса-60°С да аниқланади. Сув хидини аниқлаш учун оғзи зич ёпиладиган колбанинг 2/3 ҳажми сув билан тўлдирилади, жадал чайқатилади ва идиш оғзини очиб ҳидланади. Ҳидни сифати ва табиати аниқланиши зарур. Сифати сўз орқали ва миқдори балларда баҳоланади. 1 балл - жуда кучсиз ҳид, 2 балл - уни ҳамма сезавермайди, кучсиз ҳид, 3 балл - сезиларли, 4 балл - кучли, 5 балл - жуда кучли ҳид, ичимлик суви учун 2 балл белгиланган.

Ҳиднинг сифати қандай ҳид эканлигига боғлиқ, мас, балчик, балиқ, кимёвий моддалар ҳиди каби.

Сувнинг таъми фақат сувнинг сифатига шубҳа туғилмаганда ичиб кўриш орқали баҳолашга рухсат этилади. Бунинг учун бир хўплам сувни оғизга олиб, 2-3 сек давомида ушлаб турилади ва туфлаб ташланади. Сувнинг таъми ҳам ҳиди каби сифати (аччиқ, ширин, нордон ва ҳ.к.) ва миқдори бўйича (балларда) баҳоланади.

Сувнинг ранглилиги градусларда ифодаланиб, текширилувчи сувни ранги бўйича рангли шкалага таққослаш орқали баҳоланади. Давлат Стандарти бўйича 20° дан ошмаслиги лозим. Тоза сув ва бизнинг республикамиздаги сув тарқатиш тармоқларидағи сув рангсиз хисобланади (Украина ва Россия давлатлариға таққослаганда), чунки биздаги сув таркибида гумус яъни органик чиринди излари деярли йўқ. Сувда қандайдир ранг пайдо бўлса, унинг ифлосланишидан далолат беради. Шунинг учун сувнинг рангини аниқлаш учун тоза пробиркага текширилувчи сув намунаси солинади ва шу миқдордаги дистилланган сув билан таққосланади (ок фонда юқоридан пастга қараш).

Сувнинг кимёвий хоссалари фақат унинг органолептик хоссаларигагина эмас, балки захарли кимёвий моддалар гурухига кирмайдиган бир катор кимёвий моддалар кўрсаткичига боғлиқдир. Бундай кўрсаткичлар қаторига сувнинг қаттиқлиги, хлоридлар, темир, фтор кириб, улар сувнинг умумий муҳим физик-кимёвий таркиби хисобланади. Шунинг учун санитария врачи бу кўрсаткичлар бўйича сувни лаборатория текширишларидан ўтказа олиши керак.

Сувнинг кўрсаткичлари.

Сувнинг эпидемиологик хавфсизлигини кўрсаткичлари.

Суюлтирилган 1 литр сувдаги микроорганизмларнинг умумий сони 100 тадан, ичак таёкчалари эса 3 тадан (коле-индекс) ортмаслиги керак. Биттадан ичак таёкчаси мавжуд бўлган сувнинг энг оз миқдори (коли титр) 300 мл бўлиши керак.

Сувнинг органолептик кўрсаткичлари.

Сувнинг хиди 20 градусли температурада ва 60 градусгача иситилганда 2 баллдан ортиб кетмаслиги керак.

Таъми	2 балл
Хиди	2 балл
Лойкалиги	1,5 м/л
РН	6-9
Куруқ қолдик	1000(1500) мг/л
Темир	0,3 мг/л
Умумий қаттиқлик	7 мг.экв/л (10)
Марганец	0,1 мг/л
Мис	1,0 мг/л
Полифосфат	3,5 мг/л
Сульфатлар	400 мг/л
Хлоридлар	250 мг/л

Микроорганизмлар сони

Умумий микроблар сони 1 мл сувда 100 дан ортмаслиги керак.

Коли-индекс – 3

Коли-титр – 300

Эшерихий, колифаг ва гелментлар бўлмаслиги керак.

Кимёвий таркиби

Алюминий	0,2 мг/л	Стронций	мг/л
Бериллий	0,0002 мг/л	Фтор	0,7 мг/л
Бор	0,5 мг/л	Хром	0,05 мг/л
Кадмий	0,001 мг/л	Молибден	0,25 мг/л
Маргимуш	0,05 мг/л	Никель	0,1 мг/л
Нитрат	45 мг/л	Нитрит	3 мг/л

Симоб	0,0005 мг/л	Кургошин	0,03 мг/л
Селен	0,01 мг/л		
Органик моддалар			
Бензол	10 мкг/л		
Бензапирен	0,01 мкг/л		
Рух	3 мг/л		
Фенол	0,001 мг/л	Нефт.максулотлари	0,1 мкг/л

Радиактив ифлосланиш даражаси

Суммар альфа радиактивлик	0,1 бк/л
Суммар бетта радиактивлик	1,0 бк/л
Сувдаги хлор колдиги	0,2-0,5 мг/л
Озон колдиги	0,1-0,3 мг/л

Сувнинг сифатини яхшилаш усуллари

Тиндириш, рангизлантириш ва юкумизлантириш.

Тиндириш ва рангизлантириш коагуляция ва фильтрлаш усуллари билан амалга оширилади.

1 % ли хлорли охак эритмасини тайёрлаш ва актив хлор микдорини аниқлаш.

Сувнинг хлорлаш учун 1% ли хлорли охак эритмасидан фойдаланилади. Хлорли охак бекарор бирикма бўлиб, ўз таркибидаги хлорни тезда йўқотади. Шунинг учун унинг таркибидаги актив хлорни аниқлаш зарур.

1% ли хлорли охак эритмасини тайёрлаш учун 1,0 грамм хлорли охакни чинни идишга солиб майдаланади ва бутка холатига келгунча дистилланган сув кушилади. Кейин дистилланган сув билан суйилтирилиб, цилиндрнинг 100 мл белгисигача олиб борилади. Яхши аралаштирилгандан сунг 10 минут давомида тиндирилади.

Дала шароитида хлорли охак таркибидаги хлор томчи усулида аниқланади. Стакан ёки колбага 100 мл дистилланган сув қўйилади, унги 0,4 янги тайёрланган

1% ли хлорли охак эритмасидан 1 мл янги тайёрланган крахмал эритмасидан қўйилади ва аралаштирилади. Сунгра натрий гидросульфатнинг 0,7%ли эритмаси билан оч сарик ранг хосил булгунча титрланади. Кейин 1 мл 1% ли крахмал эритмаси кушилади. Кук ранг йўқолгунча титрланади. 0,01 гипосульфатнинг 1 мл 0,0005 г хлорга тўғри келади. Масалан : агар титрлашга 24 мл гипосульфат эритмаси кетган бўлса, олинган сув намунасидан хлорнинг миқдори $0,000355 \times 24$ булади. Кўпайтмани олинган хлорли охакнинг миқдорига булинади ва 100 га кўпайтирилади.(1 литр эритмадаги хлор миқдори 10 млда эса 0,355 грамм)

$$X = \frac{0,000355 \times 24 \times 100}{0,0355} = 24\%$$

Нормал дозали хлорли охак эритмаси билан хлорлаш

Бунинг учун 3 та стаканда хлорлаб, синаб курилади. Дала шароитида намунали хлорлаш 3 та стакан ёрдамида олиб борилади. Бунинг учун хар бир стаканда 200 мл текширилаётган сувдан қўйилади, шиша таёкча ёрдамида аралаштирилади. Текширилаётган сув таркибидаги колдик хлор миқдори 30 мин. утгач аниқланади .2мл хлорид кислотаси, 1мл 1% крахмал, калий йод эритмасидан 2 мл қўшиб аралаштирилади. Агар сув таркибида колдик хлор бўлса у холда сув кук тусга киради. Сувнингкук ранги қанчалик тўқ бўлса сув таркибидаги хлор шунчалик қўп булади.

Сувни меъёридан ортиқ хлорлаш

Меъеридан ортиқча хлорлаш учун қўйиладиган ва юкоридаги хисоблашлар асосида уни зарарсизлантириш учун керакли хлорли миқдорини аниқлаш 1% хлорли охак эритмасидан колбага қўйилади. Масалан : фараз килайлик сувни ута ифлосланганлигини аниклайлик ва меъеридан ортиқча хлорлаш учун 20-25% актив хлордан иборат анча 100 мл хлорли 25 мг актив хлор тутишини билган холда 20 мг актив хлорни қанча хлорли охак тутиб туриш мумкинлиги аниқланади:

100 мл охакда 25 мг хлор бор.

X 20 мг

100x20

$$X = \frac{20}{25} = 80 \text{ мг}$$

Шундан қилиб 1 литр сувни заарсизлантириш учун 80 мг хлорли охак зарур. Биз 1% хлорли охак эритмасидан фойдаланаётганимиз учун 1 мл эритмада 10 мг қуруқ холда охак мавжуд бўлган. 1 литр сувни хлорлашга сарфланган 1% хлорли охак эритмасининг микдори қуидагича аниқланади :

1 мл 1% эритмада 10 мл хлорли охак

X 80 мл

80x1

$$X = \frac{80}{10} = 8 \text{ мл}$$

1 литр сувни хлорлаш учун 1% ли охак эритмасидан 8 мл керак булади.

Ичимлик суви таркибидаги колдик хлорни ажратиб олиш

Ичимлик суви меъёридан ортиз хлорланганда исътемол қилиш кийин болади. Шунинг учун ортикча хлор ажратиб олиш билан камайтирилади.

Ичимлик сувининг таркибидаги ортикча хлор натрий тиосульфат моддаси кушиш билан ажратиб олинади. Бунинг учун хлорланган сувдан (хлорли охак кушилгандан 15 минутдан сунг) 100 мл олиб, колбага қўйилади. 2 мл хлорид кислотаси, 2 мл 5% ли калий йод эритмаси 1 мл 1% крахмал эритмаси кушилиб то колбадаги сув намунаси рангизлангунча натрий тиосульфатни 1% эритмасидан 100 мл сувдаги хлорни ажратиш учун натрий тиосульфатни 1% эритмасидан 0,5 мг ёки 5 мг қуруқ натрий тилсульфат сарфланади. 9 1 мл 1% эритма 10 мг қуруқ моддага тўғри келади. Демак 1 л сувни таркидаги хлорни ажратиб олиш учун 50 мг натрий тиосульфат моддаси зарур.

Водопровод суви таркибидаги колдик хлор микдорини хисоблаш

Водопровод сувини бир оз муддатга очиқ қўйилади ва сифими 500 мл бўлган шиша идишга 250 мл сув намунаси олинади. РН 4,6 бўлган 10 мл буфер

эритмаси ва 10% 5 мл калий йод эритмасидан кушилади. Ажралиб чикаётган йодни 0,005 натрий тиосульфат эритмаси билан оч сарик ранг хосил булгунга кадар титрлаш давом этади. Сув таркибидаги колдик хлор қуидагича хисобланади.

$$\text{П-КХ } 0,177 \times 1000 \\ X = \frac{\text{П-КХ} \times 1000}{Y} = \text{МГ/Л}$$

Бу ерда титрлаш учун сарф бўлган 0,6005 натрий тиосульфат эритмаси микдори. П – натрий тиосульфат тузатиш коэффициенти 0,177 мл, 0,005 натрий тиосульфат эритмасига актив хлор микдори мг :

У – намуна олинган сув микдори мл.

Ситуацион масала:

Мактаб ичимлик суви таркиби текширилганда, ичимлик суви таркибida қуидагилар аникланди: темир – 0,2 мг/л, мис - 1,0 мг/л, хлоридлар 300 мг/л. Ичимлик суви таркибига баҳо беринг?

Хулоса :

Ситуацион масала

Ичимлик сувининг эпедемиологик холатига баҳо беринг? Ичимлик суви таркибидаги микроорганизмлар сони 1 литрда 150 та, коли индекс 4 га ва коли титр эса 400 га тенг.

Хулоса :

“Блиц усули”

№	Мавзулар саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1.	Ичимлик сувининг физиологик аҳамияти.			
2.	Ичимлик сувининг гигиеник аҳамияти.			
3.	СанҚВМ 951-2011.			
4	Ичимлик сувининг органолептик кўрсаткичлари.			
5.	Ичимлик сувининг кимёвий таркибига			

	бўлган гигиеник талаблар.			
6.	Ичимлик сувининг эпидемиологик кўрсаткичлари (колиттитр, коли-индекс).			
7.	Ичимлик сувини сифатини яхшилаш усуллари.			
8.	<u>Микроорганизмлар сони</u>			

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими хисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – менинди ўйлантиришди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Органолептик				
Коли-титр				
Коли-индекс				
Дегазация				
Дезактивация				
Дезинфекция				

Мавзуни мустахкамлаш учун тестлар

1.Ичимлик суви таркибидаги хлоридлар микдори.

- A) 300мг/л Б) 250 мг/л
 В) 350 мг/л Г) 400 мг/л

2.Ичимлик суви кайси стандартга жавоб бериши керак?

- А) Гост- 930-2000 Б) Гост – 960-2000 В) Гост- 950-2011

Г) Гост-900-2000

3. Ичимлик сувидаги хлоридлар микдори.

А) 300 мг/л Б) 250 мг/л В) 350 мг/л Г) 400 мг/л

4. 1 литр сувдаги умумий микроблар сони.

А) 200 Б) 150 В) 100 Г) 250

5. Ичимлик сувининг колиинdexси нечага тенг ?

А) 2 Б) 3 В) 5 Г) 6

6. Ичимлик сувининг колититри нечага тенг ?

А) 250 Б) 450 В) 300 Г) 500

7. Сувдаги колдик хлор микдори.

А) 0,5-0,8 мг/л Б) 0,2-0,5 мг/л В) 1,5-1,6 мг/л Г) 106-1,8 мг/л

8. Сув асосан кайси усулда хлорланади ?

А) гиперхлорлаш Б) дихлорлаш В) нормал дозали Г) филтрлаш

9. Сув оркали келиб чикадиган эндемик касалликлар.

А) гепатит Б) эндемик букок, флюороз В) гижжа Г) ичак инфекцияси

10. Ичимлмк сувидаги хлоридлар микдорини ортиши нимани билдиради?

А) табиий ифлосланганлигини Б) ортикча хлорланганлигини

В) микроблар билан ифлослаганлигини Г) сувнинг лойкаланганлигини

Сув манбаларнинг ифлосланиши ва санитария ҳолати

Гидросфера биосферани муҳим элементи ҳисобланиб, табиатда кечадиган жараёнлар ва киши ҳаётини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Гидросферани ҳажми 1389 млн. куб. километрни ташқил этади. Океан ва денгизлар ер шари юзасининг 70 % кўпроғини эгаллаган. Ботқоқликлар ернинг 6 млн. km^2 қисмини эгаллаган. Буларнинг ҳаммаси планетамизда сув захираларни кўплигини исботласа ҳам, чучук сув бор йўғи 2 % ни ташқил этади. Унинг ҳам катта қисми Греландия ва Антарктида музликларига тўғри келади.

Сув ердаги тирик организмларни яшashi ва уларни ҳаёт фаолиятиниг ривожланишини таъминлайди

Сув табиатда доимий ҳаракатда бўлади. Қуёшдан келаётган иссиқлик натижасида у океан, денгиз, дарё ва кўллар юзасидан буғланади, сўнгра яна ёмғир бўлиб ерга қайтади.

Ҳар қандай хом-ащёни бошқа турдаги маҳсулот билан алмаштиrsa бўлади, лекин сувни ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Сув таъминоти инсон ҳаёти ва тараққиётида ўта муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Мутахассисларни фикрича планетамизда дарё ва ер ости сувлари тобора камайиб бормоқда.

Америкалик мутахассисларни фикрича АҚШда табиат инъом этган чучук сув 2020 йилгача этар экан холос. Америкада энг қимматбаҳо маҳсулот бу сувдир, баъзи бир шаҳарларда сув этишмаганлиги учун ҳафтада бир кун «сувсиз кун» деб эълон қилинар экан. Шу куни майший эҳтиёжлар учун сувдан фойдаланилмас экан, ҳамма соҳаларда сувни истемол қилиш устидан назорат ўрнатилар экан.

Индустрялаштириш, қишлоқ хўжалигини ривожланиши, янги шаҳар ва қишлоқларни қурилиши билан турли ифлосликдаги оқова сувлар юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан қарагандан энг долзарб муаммо сув ресурсларининг (ер усти ва ер ости) танқислиги ва ифлосланганлигидир. Республиканинг дарёлари, каналлари, сув омборлари ва ҳатто ер ости сувлари турли антропоген таъсирлар остига тушиб қолган.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан бошлаб янги ерларни кенг кўламда ўзлаштириш, саноатнинг, чорвачиликнинг экстенсив ривожланиши, урбанизатсия, коллектор-дренаж системаларининг қурилиши ва дарё сувларининг суғориш учун олиниши муносабати билан дарё ҳавзаларидаги сувнинг сифати интенсив равиша ёмонлаша борди. Бу ҳолат экологик-гигиеник ва санитария-епидемиологик вазиятни, айниқса дарё ўзанларидағи аҳволни ёмонлаштиради.

Дарё экосистемаларига антропоген босимнинг ўсиб бориши сувларнинг таркиби ва тузилишидаги чуқур ўзгаришларга олиб келмоқда.

Ер усти сув сифати ер усти сувининг ифлосланиши кенг тарқалган бўлиб ер ости, жумладан қудук сувининг сезиларли даражада ифлосланишига олиб келади. Сувнинг ифлосланиши касаллик (буйрак касалликлари, онкология ва ўткир инфексияли касалликлар) кўрсаткичи ўсиб боришида муҳим рол ўйнайпти.

Ички сув ҳавзаларини саноат ва майший оқова сувлари билан ифлосланиши охирги пайтда ортиб бормоқда.

Ер ости ичимлик суви

Ичимлик суви таъминотининг катта қисмини ер ости суви беради. ер ости чучук суви захиралари нотекис жойлашгани туфайли Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятлари, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларининг ғарбий ҳудудларида ичимлик суви тақчили. Давлатнинг мақсади марказлашган сув таъминоти тизими орқали бутун аҳолига сифати яхши ичимлик суви етказиб бериш ва шаҳар ва посёлкаларда сувга бўлган коммунал талабни қондиришдан иборат.

Майдони 330 км², аҳолиси 2,3 миллион бўлган ва 99 фоиз қамраб олинган Тошкентда ичимлик суви таъминоти уч асосий манбадан иборат, улардан иккитаси ер ости суви захираси ва бир ер усти манба бўлиб 3.500 км тармоқ орқали кунига 2,3 миллион м³ сув етказиб берилади. Гарчи хом сув тиник келадиган даврлар бўлса-да, миллий ва халқаро стандартларга жавоб бериш учун сувни филтрлаш ва хлорлаш орқали тозалаш зарур. Ичимлик сувини саноатда ишлатишга йўл қўйилмайди, кичик корхоналар учун баъзи истиснолар бор.

Ер ости суви захиралари аҳолига этказиладиган ичимлик сувининг 80 фоизини таъминлаб беради. Умуман, мавжуд ер ости чучук сув захиралари аҳолининг ичимлик сувига бўлган талабини қондиради.

Ер ости суви кўрсатилгандек асосан уйларга сув бериш ва ичимлик суви (173,5 м³/с), сугориш ва сув захирасини ривожлантириш (70,5 м³/с) ва саноат ва техник сув таъминоти учун (29,6 м³/с), фойдаланилади.

Бироқ, шуни айтиш лозимки, охирги бир неча йил давомида ер ости сувининг сифати ёмонлашиб бормоқда, оқибатда ичимлик суви манбаи сифатида фойдаланиб бўладиган ер ости суви захираси камайиб бормоқда.

Чучук ер ости суви асосан Фарғона водийсида (34,5 фоиз) ва Тошкент (25,7 фоиз), Самарқанд (18 фоиз), Сурхондарё (9 фоиз) ва Қашқадарё (5,5 фоиз) вилоятларида жамланган, қолгани эса шўртанг ёки шўр бўлиб уларни ишлатиш имконияти кам. Қолган ҳудудлардаги чучук сув жами 7 фоизни ташқил қиласди.

Ер ости суви сифати

Мамлакатнинг ғарбий қисмида (Зарафшоннинг қўйи оқими ва Қашқадарё, Сирдарё, Амударё ва Марказий Қизилкум бассейни)да ер ости суви юқори даражада минераллашган ва қаттиқдир. Йирик дарёлар (Амударё ва суғориш каналлари) оқими бўлаб ҳосил бўлган, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида ичимлик суви этказиб бериш учун ишлатилаётган ер ости чучук сув линзаларининг суви охирги 10-15 йил мобайнида минераллашув ва қаттиқлиги ортиб борганлиги (суғориш таъсири) туфайли миллий стандартлар талабига жавоб бермайди.

Сув омборлари Ўзбекистон сув ресурслари тизимини бошқаришни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидламоқ мақсадга мувофиқ. Мамлакатда сувнинг камайиши ва қўпайиши (гидрологик экстремум) ҳамда сув ресурсларининг ҳажми доимий назорат остига олинган. Айни пайтда мамлакатда кўп сув омборлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси учун жами ажратилган сувнинг 92,5%и қишлоқ хўжалигига, 5,2%и майший хизмат соҳасига, 1,4 %и саноат соҳасига, 0,7 %и балиқчиликка ва қолган 0,2%и энергетика соҳаларига ишлатилади. Демак, республикамизнингдехқончилик қилинадиган ернинг 98 фоизи ёки 4,3 млн. гектари суғориладиган майдонлар бўлиб, жами ажратилган сувнинг 92,5 фоизи суғоришга ишлатилади ва суғориш натижасида пахта, дон, макка, мева ва сабзавот, картошка, узум ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштирилади.

“Блиц усули”

<u>№</u>	<u>Мавзулар саволи</u>	<u>Биламан</u>	<u>Билишни хоҳлайман</u>	<u>Билдим</u>
1.	Инсоннинг сувни ифлослантириши?			
2.	Атмосфера ҳавосини сувга таъсири?			
3.	Сувнинг аҳамияти?			
4	Сувни тозалаш ва чучуклаштириш?			

5.	Очиқ сув ҳавзаларидаги сувларни тозалаш?			
6	Ифлос сувларни тозалаш усуллари?			

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – менинди ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Органолептик				
Сувнинг ҳиди				
Сув таъмини				
Сув ранги				
Рефрактометр				
Рангсизлантириш				

Мавзуга оид вазиятли масалалар

Вазиятли масала

Гидросфера биосферани муҳим элементи ҳисобланиб, табиатда кечадиган жараёнлар ва киши ҳаётини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Гидросферани ҳажми 3198 млн. куб. километрни ташқил этади.

Вазиятни баҳоланг.

Вазиятли масала

Океан ва денгизлар ер шари юзасининг 50 % кўпроғини эгаллаган. Ботқоқликлар ернинг 6 млн. km^2 қисмини эгаллаган. Буларнинг ҳаммаси

планетамизда сув захираларни кўплигини исботласа ҳам, чучук сув бор йўғи 50 % ни ташқил этади. Унинг ҳам катта қисми Зеландия ва Арктика музликларига тўғри келади.

Вазиятни баҳоланг.

Вазиятли масала

Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан қарагандан энг долзарб муаммо кум ресурсларининг (ер усти ва ер ости) танқислиги ва ифлосланганлигидир. Республиканинг дарёлари, каналлари, сув омборлари ва ҳатто ер ости сувлари турли антропоген таъсиrlар остига тушиб қолган.

Вазиятни баҳоланг.

Вазиятли масала

Ичимлик суви таъминотининг катта қисмини ёмғирлар суви беради. Ер ости чучук суви захиралари нотекис жойлашгани туфайли Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятлари, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларининг ғарбий худудларида ичимлик суви тақчил. Давлатнинг мақсади марказлашган сув таъминоти тизими орқали бутун аҳолига сифати яхши ичимлик суви этказиб бериш ва шаҳар ва посёлкаларда сувга бўлган коммунал талабни қондиришдан иборат.

Вазиятни баҳоланг.

Вазиятли масала

Майдони 630 км², аҳолиси 1,3 миллион бўлган ва 99 фоиз қамраб олинган Тошкентда ичимлик суви таъминоти уч асосий манбадан иборат, улардан иккитаси ер ости суви захираси ва бир ер усти манба бўлиб 3.500 км тармок орқали кунига 2,3 миллион м³ сув этказиб берилади.

Вазиятни баҳоланг.

Вазиятли масала

Ер ости суви захиралари аҳолига этказиладиган ичимлик сувининг 50 фоизини таъминлаб беради. Умуман, мавжуд ер ости чучук сув захиралари аҳолининг ичимлик сувига бўлган талабини қондира олмайди.

Вазиятни баҳоланг.

Сув манбаларининг ифлосланиши, ва муҳофазаси, сув сифатини яхшилаш

1. Гидросферани ҳажми қанча ?
A. 1389 млн. куб.км. Б. 1289 млн. куб.км.
B. 1339 млн. куб.км. Г. 1383 млн. куб.км.
2. Океан ва денгизлар ер шари юзасининг неча % эгаллаган?
A. 70 % кўпроғини Б. 60 % кўпроғини
B. 50 % кўпроғини Г. 40 % кўпроғини
3. Ботқоқликлар ернинг қанчасини эгаллаган?
A.. 6 млн. km^2 Б. 5 млн. km^2
B. 7 млн. km^2 Г. 4 млн. km^2
4. Тошкентда ичимлик суви таъминоти нечта манбадан иборат?
A. 3 та Б. 4 та В. 5 та. Г. 2 та
5. Ер ости суви захиралари аҳолига этказиладиган ичимлик сувининг неча фоизини таъминлаб беради?
A. 80 % Б. 70 % В. 90 % Г. 60 %
6. Чучук ер ости суви Фарғона водийсида неча фоиз)
A. 34,5 % Б. 35,5 % В. 33,5 % Г. 44,5 %
7. Сирдарё дарёси қандай хосил бўлади?
A. Норин ва Қорадарёнинг қўшилиши билан
Б. Амударё ва Қорадарёнинг қўшилиши билан
В. Норин ва Амударёнинг қўшилиши билан
Г. Қорадарё ва оқ дарёнинг қўшилиши билан
8. Дарёлари сувларида азот нитритининг ПДКси нечага тенг?
A. 1,2-2,6 Б. 1,2-2,6 В. 1,2-2,6 Г. 1,2-2,6
9. Дарёлари сувларида фенолнинг ПДКси нечага тенг?
A. 2 - 4 Б. 5 – 7 В. 8 – 9 Г. 0.1 – 0.5
10. Дарёлари сувларида нефт маҳсулотларининг
A. 1,6-5,2 Б. 6.2 – 7.3 В. 7.5 – 8.2 Г. 8.5 – 9.0

Амалий машғулотда қўлланиладиган инновацион технология усули:

«Мияга хужум усули»

1.Мавзуни аниклаш:

2.Саволларни танлаш:

3. Қатнашчиларга вазифани тушунтириш.

Қатнашчилар қисқа муддат ичида (10 минут ичида) максимал хисобида билим ва мулохазаларни айтиш.

4. Котибни сайлаб олиш: бу талаба, доскага ёзиб боради, Хеч кандай манфий баҳолаш бўлмайди. Гурух сифат учун эмас, балки миқдор учун ишлайди. Берилган варақда тартиб узунроқ бўлса, яхширок.

Масалан: саволга жавоб:

Жавобни ёзиш:

5. «Мияга хужум» давомилиги 5 минутдан 10 минутгача.

6. Тахлил ва баҳолаш киска танаффусдан кейин.

Талабалар учун топшириқлар.

1.Сув тарқатиш тармоғидан лаборатория текшириши учун сув намунасини олиш ва кузатув хатини тўлдириш

2.Берилган сув намуналари бўйича сувнинг ҳиди, таъми, ранги ва тиниқлигини кичик гурухларда аниклаш (органик ифлосланиш бўйича сунъий намуналар) ва текшириш натижаларини баённомаларда ифодалаш.

Назорат учун саволлар:

1.Сувнинг органолептик хоссалари учун унинг кимёвий таркибини қандай аҳамияти бор?

2.Сувнинг қаттиқлигини гигиеник аҳамияти, унинг турлари

3.Ичимлик суви ва манбалардаги сув таркибидаги хлоридларнинг гигиеник аҳамияти

4.Сувда темир тузларининг гигиеник аҳамияти

5.Умумий ва йўқотса бўладиган қаттиқликни аниклаш усуллари

6.Сувда хлоридларнинг миқдорини аниклаш усули

7.Сувда темирни аниклаш усули

8.Давлат Стандарти 950-2011 бўйича сувнинг тузли таркибига бўлган

талаблар.

Аҳоли сув таъминоти муаммолари

Янги шаҳарлар ва ишчи шаҳарчаларнинг бунёд этилиши, мавжуд аҳоли яшаш пунктларининг қайта қурилиши янги-янги сув манбаларидан кўпроқ фойдаланишга сабабчи бўлади, чунки бутун дунё соғлиқни сақлаш ташқилотининг берган маълумотларига қараганда 80% миқдордаги барча касалликлар у ёки бу шаклда аҳоли томонидан сифатсиз сувларни истеъмол қилиш билан боғлиқдир. Шунинг учун аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси деярли барча мамлакатларда энг долзарб ҳисобланади, шу билан бирга Ер шарининг 97% қисми сув билан қопланган ёки миқдор жихатидан қарайдиган бўлсақ, 1,5 млн.куб км сув манбаи денгиз, океан, музликлар ва айсбергларга тўғри келади ва бу миқдорнинг жуда оз қисмигина ичимлик-хўжалик мақсадларида фойдаланиши мумкин (мисол-Шевченко шахри аҳолиси денгиз сувини чучуклаштириш йўли билан фойдаланадилар, Араб амирликларида ҳам ҳудди шундай вазият мавжуд). Бундан ташқари, бор бўлган чучук сув манбалари ҳам планетадаги қуруқликларда бир хилда тарқалган эмас, ва ҳаттоқи айрим ҳолларда шу ҳудуддаги аҳоли эҳтиёжини қондиришга ҳам етарли эмас даражададир. Ўзбекистон Республикасида йилига ўрта ҳисобда $62\text{-}65 \text{ km}^3$ (85% қишлоқ хўжалиги, 12% саноат корхоналари учун ва 3% коммунал хизмат учун)ни ташқил этса, ЎзР-си ҳудудида бор бўлган дарёларда ҳосил бўладиган сувларнинг умумий ҳажми бор-йўғи йилига 10 km^3 ни ташқил этади. Ҳаттоқи Республикамиз ҳудудида сунъий тарзда ҳосил этилган 53 та сув омборларидағи захира сувлари ҳам аҳолининг сув истеъмоли эҳтиёжини қондира олмайди, чунки сарфланиши лозим бўлган сув истеъмолининг йигинди куввати 16 km^3 га tengdir. Шундай экан, Республикамиздаги аҳолининг асосий сув таъминоти Амударё ва Сирдарёга тўғри келади, ваҳоланки бу дарёларнинг бошланиш жойлари бизнинг Республикада бўлмай, балки қардош Республикалар ҳудудига тўғри келади. Шунинг учун Сирдарё ва Амударёларнинг сувидан Туркманистон, Кирғизистон, Қозоғистон республикаларининг аҳолиси ҳам фойдаланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида бор бўлган сув манбаларининг кўпчилиги кучли ифлосланишга учрайди: республика худудида йилига сув ҳавзаларининг юзасига 6 km^3 дан ортиқ бўлган ифлосланган оқава сувларни чиқариб ташланади. Орол олди минтақаси, Қорақалпоғистон ҳамда саноат корхоналари зич жойлашган зоналардаги очик сув манбалари ҳам кучли ифлосланишга учрайди. Ифлосланиш фақатгина очик сув манбалари учун хос бўлмай, балки ер ости сув манбалари ҳам ифлосланишга учраб туради. Бундай ифлосланишга учраган сув манбаларидаги сув қисман тупроқ муҳити орқали ўтиб ер ости сувларига қўшилади ва регионал ифлосланишларни юзага келтиради, айрим худудлардаги тупроқ муҳитининг кучли ифлосланишга учраши оқибатида ер ости сувларининг локал яъни чекланган қисмида ифлосланиш содир бўлади. Масалан, мис ва қўрғошинни бойитиш фабрикалари ва кимёвий заводнинг фосфоригипс тутувчи чиқиндилари ташланадиган жойларида ифлосликларнинг фильтрланиши орқали ер остига ўтиши туфайли Пскент туманидаги ифлосланган ер ости сувлари хосил бўлди. Регионал ифлосланиш шу жойларда чиқинди сувлар сакланадиган омборлардан сувнинг оқими бўйича 5 km масофагача бориб, у ердаги сувлар таркибида ҳам селен, кадмий, фосфатлар каби ифлословчи моддаларнинг концентрацияси рухсат этилган концентрациялардан (РЭК) ортиқ эканлиги аниқланган. Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида жойлашга нефтни қайта ишлаш корхонасидан чиқариладиган чиқинди сув таркибида нефт маҳсулотларининг қўп йиллик яширинча чиқиб туриши оқибатида (ер ости нефт қувурларидан) ер сатҳидан 3 km чукурликкача бўлган жойида қуввати 7 km^2 бўлган майдонда еримайдиган нефт маҳсулотлари ареали вужудга келган, бу ифлосланиш айниқса ер ости сувларининг юқори қисмини кучли ифлосланишига сабабчи бўлган.

Марказлашган ва маҳаллий сув таъминоти хақида тушунча

Юқорида баён қилинганларнинг барчаси республика аҳолисининг сув таъминотини кескин мураккаблаштиради, ваҳоланки оддий шароитда ҳам биздаги сув таъминотини идеал тарзда деб айта олмаймиз. ЎзР-даги шаҳарлар ва шаҳар туркумига кирувчи аҳоли яшаш пунктлари аҳолисининг марказлашган турдаги

сув таъминоти 78-98% ни ташқил этса, қишлоқ аҳоли яшаш жойларида бу кўрсаткич ўртача 48%-52% га тенгдир. Марказлашган сув таъминоти (сув тарқатиш тармоғи) аҳолини сув билан таъминлашдаги энг яхши усул ҳисобланади, чунки агар маҳаллий сув тарқатиш таъминоти тизимида аҳоли сувни бевосита манбанинг ўзидан ҳеч қандай тозалаш ишларини амалга оширмай истеъмол қиласа, марказлашган сув таъминоти тизимида сувни манбадан олиш, тозалаш, заарсизлантириш ва уни истеъмолчигача етказиб бериш босқичлари орқали амалга оширилади.

Республикамизда марказлашган сув таъминоти 257 та аҳоли яшаш пунктларида мавжуд бўлиб, баъзи бир қишлоқ жойларида (28) аҳолининг сув таъминоти 0 дан 40% гача эканлигини ачиниш билан эътироф этамиз холос. Республикализнинг Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, ҳамда Самарқанд вилоятининг ғарбий қисми, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидағи аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш ҳақидаги масалада ханузгача кўплаб муаммолар юзага келиб турибди. 1990 йилдан бошлаб Республикализдаги шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ҳақида Давлат Дастури ишлаб чиқилган бўлиб, ана шу ўтган вақт мобайнида 13,5 минг км сув тарқатиш қувурлари (асосан Орол олди минтақасида) ётқизилиб ишга туширилган. Аммо Дастурга мувофиқ 2005 йилгача коммунал хизмат тизимидағи сув тарқатиш тармоқларининг қувватини 7дан 20 млн км³/кун гача кўпайтириш режалаштирилган, шунинг учун аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни амалга ошириш учун жуда катта ҳажмдаги ишларни бажариш лозим бўлади. У вазифани тўлиқ амалга ошириш орқали сув таъминотини гигиеник меъёрларгача оширишга имконият яратилади. Бу эса ўз ўрнида аҳоли яшаш пунктларини коммунал ободонлаштирилганлик даражаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасида сув истеъмоли меъёрлари «Биноларнинг ички сув тарқатиш тармоғи ва канализацияси» ҚМҚ –2.04.01-98 бўйича белгиланади. Кўрсатилган хужжатда турли мақсадларда фойдаланиладиган бинолар ва турли даражадаги комфортлик шароитларини яратиш мақсадидаги сув истеъмоли

меъёрлари белгилаб берилган. Масалан, турар-жой бинолари учун сув сарфи меъёрлари қуидаги:

т/р	Сув истеъмолчилари	1 одам учун 1 кунлик сув истеъмоли меъёрлари, литрда
1	Водопровод ва канализацияси бор, лекин ваннахонаси бўлмаган турар-жой биноси	95
2	Шунга қўшимча равишда газ билан сув иситиш мосламаси бор бўлган бинолар	150
3	Совуқ ва иссиқ сувга эга бўлган ва душ мосламаси бор бўлган турар-жой бинолари	195
4	Совуқ ва иссиқ сув тармоғи, душ ва ванналари бор бўлган турар-жой бинолари	250
5	Комфортлилиги яхшиланган синфга мансуб турар-жой бинолари ва квартиralар	360
6	Юқори синфдаги комфортли шароитга эга бўлган бинолар ва квартиralар	450

Умумий профилга эга бўлган даволаш-профилактика муассасаларида бир кеча-кундуз давомида 1 та койка учун сув сарфи 115-200 литрни ташқил этса, юқумли касалликлар шифохонаси учун кунига 240 л, поликлиника ва амбулаторияларда битта сменада бир бемор учун 13 л ни ташқил этади. Илгариги сув истеъмоли меъёрларига нисбатан кўрсатилган бу сув сарфи меъёрлари анча кам берилган бўлиб, чучук сув манбаларининг республикамиз худудида чекланганлиги билан боғлиқ.

Аҳоли яшаш пунктларининг сув таъминоти бўйича Давлат Дастурини бажариш сув таъминотлари учун сув манбаларини тўғри танлашни талаб этади. Бу соҳада тиббий хизмат ходимларининг тутган ўрни жуда юқори ҳисобланади, чунки сув манбани танлашдаги асосий мезон унинг гигиеник талабларга мувофиқ келиши ҳисобланади.

Бизнинг республикамизнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, сув таъминоти манбалари сифатида катта миқдордаги сув омборларидан фойдаланиш ҳисобланади. Бундай сув манбаларининг энг йириклари қаторига – Фарход, Чорвоқ, Туя-бўғиз, Катта Қурғон, Қуий-Мозор сув омборларини киритиш мумкин. Республикаизда бор бўлган сув омборларини 2

гурұхга бўлиб таърифлаш мақсадга мувофиқдир; 1- ўзанли (оқар) сув манбалари – мисол тариқасида Чорвоқ, Түя-Бўғиз ва 2- қуйилувчи (оқмайдиган) сув омборлари - Аму-Дарё қирғокларидаги қурилган сув омборларининг каскади. Сув омборларининг номувофиқ томонларидан бири шундан иборатки, асосан қуйилувчи (оқмас) сув омборлари учун уларнинг минерал таркиби вақт ўтиши билан орта боради, чунки сувнинг юза қисмидан доимо сув буғланиб туради, натижада минерал моддаларнинг концентрацияси мунтазам ошиб боради. Сув омборларининг иккинчи хусусияти – ёз ойларида сув ўтларининг кучли ўсиб кетиши оқибатида, асосан яшил – қўқ сув ўтлари ҳисобига - ва кейинчалик уларнинг аста-секинлик билан сўлиши ва парчаланиши натижасида сув таркибида органик моддалар пайдо бўлади ва бундай сув манбаларидаги сув органик бирикмалар билан бойийди. Органик моддаларнинг концентрацияси юқори бўлиши натижасида уларнинг парчаланиши учун ериган кислород миқдори аста-секинлик билан етишмай боради ва натижада оралиқ парчаланиш моддалари - водород сульфид пайдо бўлади.

Юзаки сув манбаларидаги сув албатта сув тармоғига узатилишидан олдин тозаланиши талаб этилади. Сув манбаларини танлаш санитария назорати органларининг энг жавобгарлик талаб этиладиган вазифаларидан бири ҳисобланади. Сув манбаларини танлашдаги асосий принциплардан бири унинг санитар ишончли эканлигидир ва сув таъминоти учун сув манбалари танлаш қоидаси ва унга бўлган гигиеник ҳамда техник талаблар 951-2011 Давлат Стандартида ўз аксини топгандир. Бу хужжатда кўрсатилишича манбанинг санитар нуқтаи-назардан ишончлилигини инобатга олиб қуидаги тартибда танлаш амалга оширилади:

- ер қатламлари орасига жойлашган босимли сувлар;
- ер қатламлари орасига жойлашган босимсиз сувлар;
- сизот сувлари ва сунъий тарзда тўлдириладиган манбалар;
- очиқ сув манбалари.

Сув манбаларини танлашдаги асосий мезонлар қаторига: текшириш натижаларига кўра сувнинг сифати, манбанинг гидрогеологик характеристикаси, жойнинг санитар таърифи, сув манбанини ифлослаши мумкин бўлган манбалар

хақидаги маълумотлар. Ана шу таърифларга боғлиқ ҳолда сув манбалари З та синфга бўлинади (ер ости ва ер усти сувлари), шу билан бирга ҳар бир синф учун Давлат Стандарти ўзига хос сувга ишлов бериш усулларини кўзда тутган.

Сувнинг кимёвий таркибини текшириш усуллари (қаттиқлик, хлоридлар, темир тузлари, фтор)

